

HUQUQ

#17

(436)

YURIDIK GAZETA

Апрел

D.	3	10	17	24	
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



2006 йил юртимизда нафақат Ҳомийлар ва шифокорлар йили, балки тўйлар йили ҳам бўлиши кутилмоқда. Жумладан, Маъмур академиясининг 1000 йиллиги, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларини нишонлашга катта тайёргарлик қўриляпти. Марғилон шаҳрида ҳам тўйга тўёна сифатида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Суратда: Марғилон шаҳри ҳаётдан лавҳалар.

Қисқа сатрларда

✦ Тошкент

Ялпи мажлис давом этмоқда

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси давом этди. Депутатлар «Омавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунни иккинчи ўқишда муҳокама қилишга киришдилар. Кун тартибидоги масала юзасидан қўйи палатанинг қўмити раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов сўзга чиқди. Шундан кейин қонун лойиҳасининг 15-16-моддалари юзасидан муҳокама қилинди. Омавий ахборот воситалари тахририятларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, тахририят ходимларининг мақоми масалалари юзасидан депутатлар Акром Алимов, Анатолий Козлов, Азамат Зиё, Олим Усаров, Зиёдулла Убайдуллаевлар мунозарасида киришдилар. Тахририят ўз муассисининг бўлиниши сифатида ҳам, юридик шахс сифатида ҳам фаолият юритиши мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

(ўз мухбиримиз)

✦ Андижон

Криминоген вазият соғломлашди

Андижон вилоят прокуратураси органларининг қонунийлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жорий йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти ақунлари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Танқидий руҳда бўлиб ўтган йиғилишда асосий эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлик ва соғлиқни сақлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан назоратни ошириш, қишлоқ ҳўжалигида исоҳотларни жадаллаштириш, жиноятчиликнинг барча қурилишларига нисбатан муросасиз кураш олиб бориш, криминоген вазиятни янада соғломлаштириш масалаларига қаратилди. Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

М.ИМИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

✦ Сирдарё

Жазони ким қўллаши лозим?

2006 йил 19 феврал куни Сардоба туман солиқ инспекцияси фуқаро З.Норбоевага тегишли дўконда назорат тўғрисида текшириш ўтказган. Унда дўконда ўрнатилган назорат-касса машинасига 18.000 сўм кириш қилинмаганлиги ва чек берилмаганлиги аниқлангани учун солиқ инспекцияси бошлиғи И.Шоимовнинг қарорига асосан З.Норбоевага 958.500 сўм жарима солинган. Сирдарё вилоят прокуратурасининг даъво аризасига кўра яқинда ушбу иш вилоят ҳўжалик судида ўраниб чиқди. Маълумки, Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳўқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2005 йил 14 июн) фармонининг 1-бандида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳўқуқий чоралар фақат суд томонидан қўлланиши қатъий белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан солиқ инспекциясининг жарима солиш тўғрисидаги қарорини суд ҳаққий эмас деб топди.

Тоҳир АЗАМатов,
Сирдарё вилоят прокуратураси катта ёрдамчиси

«Mustaqillik huquq demakdir» tanloviga

қўллаб-қувватловчи ва миллатимизга тескари шафқатнинг тартибдорчилиги шoirга тош отишда кимўзарга пойга ўйнашди. Уларнинг бор диққат-эътибори қандай қилиб бўлса-да, миллат қайғусида фикр юритаётган, ойлик маши рўзгорига аранг етиб турган шoirни адиблар супасидан бутунлай супуриб ташлашга қаратилган эди.

Хўш, миллат ташвиши, келажак ва шу юрт фуқаросининг озод яшашини истаган ва бу гоёси учун фақат калтак еб, қора рўйхатнинг энг юқорисидан жой олган шoir Абдулла Ориф ким ўзи? Нега у ҳам худди бошқалардек «менга нима?» қабилида иш

ўша йиллар хусусида балки бирор хотира эизишга ҳам тўғри келар. Машоқ терар эдик, мол боқардик, гўза жўрда култивация юргизардик.

Оиламиз катта эди. Отам боғбон, онам саккиз нафар боланинг тарбиячиси, тагин оилага қабул қилинган иккита етим бирга ўсдик. Уйимизда ахшигина кутубхона мавжуд эди. На радио, на телевизор бор бир пайтда мен ўша кутубхонадан чинакамига фойдаланганман. Навойини ҳам, Пушкинни ҳам, Хамид Олимжонни, Фафур Фуломни ҳам гойибона шу ерда таниганман. Ўша пайтда ўқиган байтларим хануз ёдимда. Кейин 1958 йилда олтин

шoir бўлишига Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода ва Миртемир домланинг меҳнатлари катта бўлди. Ёш шoir камолотга етиш даврида шундай буюк инсонларнинг танбеҳидан хулоса чиқариб, эҳтиёткорлик ва катта масўлият билан қалам тебратилишига тўғри келди.

Кейинчалик шoir устози Абдулла Қаҳҳор ҳақида шундай эслайди: «Абдулла ақанинг лафзидан учган сўзлар нечоғли шафқатсиз бўлмасин, унинг кўзларида доимо қандайдир бир мунг яшириниб ётарди. Устозимнинг хотирамда муҳрланиб қолган муҳим томонларидан бири мана шу. Адабиётнинг поклиги учун

тутиб, оқим бўйлаб сузавермасдан унга қарши чиқди? Бу саволларга жавоб излашдан олдин доворак қалб эгасининг келиб чиқиши ва тарбия топган оиласига бир назар солиш мақсадга мувофиқдир.

Буюк шoirимиз болалик кезларини шундай хотирлайди: «Қарши шаҳридан уч-тўрт чақирим нарида Қўнғирот бор. Геологларнинг айтишича, у ниҳоятда қари тоғ эмиш. Ўша тоғнинг этагида Некўз деган қишлоқ бор. Манбалардан маълум бўлишича, шу номда қадимий ўзбек уруғи бўлган эмиш. Мен ўша қишлоқда туғилдим. Паспорти бўйича 1941 йил 21 март. Эсимни таниган пайтлар жуда оғир йиллар эди. Урушдан қайтган қўлтиқтаёқли одамларни кўп кўрганман. Айниқса очарчилики...

медал билан Тошкент давлат университетига ҳужжат кўтариб келдим. Отам — кекса боғбон, мени ўқишга юборгани келмасди. Чунки мен кенжтой ўғил эдим. Касбимни олсин деди. Повездга ослангандай бўлиб Тошкентга келдим. Ана ўша йиллардан буюн жонажон пойтахтимизнинг фарзандларидан бири бўлиб қолдим. Мен яшамаган кўча, маҳалла қолмади...».

Шoir Абдулла Орипов ўзбек адабиётининг ўтган асрдаги 60 — 70-йиллардаги авлодига мансуб бўлиб, тендошлари Ўткир Ҳошимов, Носир Фозилов, Учқун Назаров, Эркин Воҳидов, Сайёр, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин, Ўлмас Умарбековлар билан бир қаторда катта адабиёт майдонига кириб келди.

Унинг эл озгига тушиб, буюк



Эл суйган шoir

Мустақиллик қўлга киритилгач, мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Шундай экан, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон аввало истиклолнинг қадрига етиши, уни кўз қорачиғидек асраши зарур бўлади.

Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқishi гоёсини Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Бехбудий сингари адибларимиздан сўнг сеvimли шoirимиз Абдулла Орипов кенг тарғиб қила бошлади. Шoir бу иш учун катта идоранинг катта раҳбарлари кўзига ёмон кўриниб қолди. Ўз вақтида олиши лозим бўлган унвонлардан, лавозимлардан қуруқ қолиш баробарида ҳаммага макон ҳисобланган Тошкентдек азим шаҳарга сиймай қолди. Турли томондан шўролар сиёсатини

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик билан шуғуллинишни истаганлар учун барча шароит яратилган. Халол меҳнат қил-да, даромадингни кўпайтир. Аммо, улар орасида шундай «ишбилармонлар» ҳам борки, шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, қонунларни бузишга ёки четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан мана шундай тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ноқонуний валюта савдоси

Бошқарманинг вазифаси фақат жиноятларни фош этишигина эмас, балки фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятнинг олдини олиш, тадбиркорлар орасида солиқ билан боғлиқ масалалар юзасидан тарғибот ишларини юритишдан ҳам иборатдир. Шу боис корхона ва ташкилотларда, ўқув юртиларида, ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар орасида доимий равишда учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Уларда асосан солиқ тўловчилар учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот бериб борилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ҳақда «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорларни ижроси юзасидан олиб бориладиган ишлар натижасида 2006 йилнинг 1 чорага 9 та қонунбузарлик аниқланиб, 6400 АҚШ доллари, 49.500 Қозғистон тенгеси ва 281.000 Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинган.

Масалан, Нуқс шаҳрида яшовчи Маҳмуд Шоназаров фуқаро Р.Утемуратовага 2000 АҚШ доллари ва 2.580.000 сўмга ноқонуний равишда сотаётганда ушланган ва хоржий валюта ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Хўжайлида ўтказилган тадбирда эса валютафуруш Баҳодир Шерниязовнинг ҳам ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. У фуқаро О.Абдуганиевага 2000 АҚШ доллари ва 2.520.000 сўмга сотаётган вақтида қўлга тушди. Ҳар икки ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмақда.

Бошқарма ходимлари бундан кейин ҳам республикада қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини кўраверадилар.

М.ХОЖИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Тошкент транспорт прокуратураси ва ТИИБ ТБ терговчилари зиммасига асосан «Ўзтемирйўловчи» ОАЖда ишловчи шахслар устидан қўзғатилган ҳамда умуман транспорт билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш юқлатилган.

Маълумки, жиноятчиларни қонуний жазога тортишдан кўра жиноятнинг олдини олиш, унинг сабабларини бартаараф этиш кўпроқ аҳамият касб этади. Шу боис Тошкент транспорт прокуратураси ТИИБ билан ҳамкорликда профилактик тадбирларни амалга оширмоқда, тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ қонунбузулиш ҳолатлари ўтган йиллардагига қараганда анча камайган. Аммо гуруҳ курмаксиз бўлмайдиган деганлари-дек гапирқонуний ҳолатлар учраб туради.

«Ўзтемирйўловчи» ОАЖда чипта сотувчи Зулфия Бекбоева давлат нархи 67.857 сўм турадиган темирйўл чиптасини йўловчи М.Нурматовга 95.000 сўмга сотиб, товламачилик йўли билан ҳақ олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

«Тошкент» вокзали пассажир филиалида зал бўйича навбатчи бўлиб ишловчи Улуғбек Раҳимов фуқаро Б.Холмирозев билан тил бириктириб, А.Земсхияни «Тошкент-Москва» йўналишидаги поездга чипта олиб берман деб алдаб 135.000 сўм пулини олган. Ушбу ҳолат бўйича У.Раҳимовга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига асосан ахлоқ туташи жазоси тайинланган.

Худди шундай тадбиркорликни «Ўзтемирйўловчи» ОАЖ ФОП ишчиси Б.Ўрмонов ҳам содир қилган, яъни «Уфа-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи поездга «Саловат» бекатидан чиққан М.Эркаев ва Н.Абдуллаевларга ўзини вагон

Темир йўлдаги қишқирликлар

хизматчиси деб таништириб, «Қозғистон ҳудудида бир гуруҳ шахслар поездга чиқиб пулларингизни олиб қўяди, шу сабабли менга бериб қўйинглар» деб алдаб, уларнинг 47.500 рублини олиб Келес бекатига поезддан тушиб, қочиб кетган.

Б.Ўрмоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, Миробод туман судининг ҳукми билан бир йилга озолиқдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

«Тошкент-Москва-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи йўловчи поездининг вагон хизматчиси Қ.Уразов ўзи хизмат кўрсатадиган вагонда 3 нафар чиптасиз йўловчини олиб келиб, «Ўзтемирйўловчи» ОАЖга 414917 сўм миқдорда зарар етказган ва у суд ҳукмига кўра, 2 йил муддатга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонала-

рида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Ўрганишлар шунинг кўрсатадики, вагон хизматчилари хизматга кетишларида ўзлари билан бирга учинчи шахсни олиб боришлари одат тусига айланган ва ушбу шахслар чипта олмастан вагон хизматчиларининг тили билан айтганда «матвей» тарихида йўловчи поезд-

ларда бериб келадилар. Жумладан, «Ўзтемирйўловчи» ОАЖ халқаро йўналишларда ташишларни ва тижорат ишларини ташкил этиш бўлимида вагон хизматчиси лавозимда ишлаган Н.Орипов 2005 йил 24 октябр кунини «Тошкент-Москва-Тошкент» йўналиши бўйича қатновчи поездининг 4 вагониди 3 нафар чиптасиз йўловчини ўзи билан «матвей» тарихида Москва шаҳрига олиб кетгани оқибаотида мулкдорга 582.729 сўм миқдорда моддий зарар етказган. Суд ҳукмига кўра, у ҳам тегишли жазога тортилди.

Кўриб турибдики, муаммолар маъвуд. Уларни бутунлай бартараф этиш учун, менимча, тарғибот ишларини янада фаоллаштириш лозим.

Абдурашид МАННОНОВ,
Тошкент транспорт прокурори

Турмушимизни савдо, транспорт, телекоммуникация каби қўлайликлардан холи тасаввур қила олаймиз. Шунингдек, банк деб аталадиган яна бир ўта муҳим тизим борки, бу соҳани тўла маънода иқтисодиётнинг қон томири деб аташ мумкин. Айниқса, мустақиллик йилларида бу инфраструктуранинг бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш учун тубдан қайта ташкил этишга тўғри келди. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдай деб бўлармикан? Банк тизимида фаолият кўрсатадиган кадрлар давр талабига жавоб бера олаётими?

рон қолмай илжой йўқ. У жиноий режасини амалга ошириш учун банкнинг бош хисобчиси Р.Бозоров ва М.Нормаматовларни шерик қилади. 2003 йил 30 сентябр кунини фуқаро Сапарбой Бегимовнинг ҳисоб-ра-

Дўсбеков билан тил бириктириб, унинг «Халқ банки»даги ҳисоб-рақамидан аслида маъвуд бўлмаган 5.000.000 сўм пулини «Савдогарбанк»нинг Дўстлик туман бўлимига, ундан Миллий банкнинг Шайхонтоҳур туман бўлимига ўтказиб, нақдлаштириб олишди.

Яна бир банк ходими Мадина Баратова «Пахтабанк»нинг

Банкдаги фирромлар

Мамлакатимиздаги банк тизимини ислоҳ қилишда битта асосий тамойил қатъий белгилаб қўйилган. У ҳам бўлса, тизимни эскича бюрократик кайфиятдаги кадрлардан тазолаш, банкларни миқозларга молиявий хизмат кўрсатувчи, миқознинг хоҳиш-иродаси устувор бўлган муассасасга айлантиришдир. Утган йиллар давомида бу тамойил муваффақиятли жорий этилди. Лекин ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар етарли. Бу ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда чиқарилган «2005 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»-ги қарориди «Банкларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлар ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиғириш тўғрисидаги сабаб бўлмақда» дея қайд этиб ўтилган. Тан олиш керак, молия соҳасига адашиб кириб қолган айрим кишиларнинг ноқонуний ҳаракатлари банк тизимидаги ислохотларга жиддий тўсиқ бўлаётди. Яқинда Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ана шундай шахсларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

қамига сохта ҳужжатлар асосида аслида йўқ маблаг — 5.050.000 сўм кириб қилинади. Бу билан чекланмай 3 октябр кунини 10.100.000 сўм қўшиб қўйилади ва С.Бегимовнинг пластик карточкаси орқали нақдлаштириб олинади. Бундан иштаҳалари янада очилган ушбу шахслар 2003 йил 8 сентябрдан 2004 йил 16 мартгача фуқаро Б.Холмонов номига 133.940.404 сўмини сохта ҳужжатлар асосида кириб қилиб, пластик карточка асосида нақдлаштириб оладилар. Худди шундай ҳолат фуқаро Хайитбоев Фарҳоднинг номидан ҳам амалга оширилди. Унинг номига оз эмас, кўп эмас — 263.574.454 сўм кириб қилинади...

Бу жиноий гуруҳнинг аъзоси Равшан Бозоров фуқаро Илҳом

Дўстлик туман бўлими валюта айирбошлаш шахобчасида хазиначи бўлиб ишлаган. У 2004 йил 19 май кунини М.Нажимова номига 1300 доллар, 7 июл кунини 6450 доллар айирбошлагани ҳақида сохта маълумот тузди. Бундай сохтакорлик яна давом эттириб, Л.Чефранова номига 2400 доллар, Ш.Қултоева номига 5450 доллар, Б.Қултоева номига 6000 доллар пул айирбошлангани ҳақида расмийлаштиради. Шу тариқа 39.500 доллар алмаштирилиб, номзатлар шахсларга бериб юборилади.

Прокуратура томонидан кўрилган чоралар тўғрисида бу жиноятчиларнинг қилмиши фош этилиб, тегишли чора қўрилди.

Шавкат ТУРДИБЕКОВ,
Дўстлик туман прокурори

Уч томонни чўв тушириб...

Собик иттифок миқсидидаги йирик корхоналардан бири бўлган Фарғона фуран бирикмалари химв заводи мэнсабдорларнинг қаллобликлари туфайли 2000 йилда банкротлик ёқасига келиб қолди. Бу вақтга келиб корхонанинг усқуналари, асосий воситалари турли йўллар билан талон-тароҳ қилинган. Шундай шароитда бу ерга Муслим Умаров раҳбар этиб тайинланди. Бундан мақсад битта эди — ишлаб чиқаришни жонлантириш, қийин вазиятдан чиқиб кетиш. Лекин бу устамон ҳам аввалги раҳбарларнинг изидан кетди. Дастлаб «майда-чуйда» ишлар билан шуғуллиниб юрган остионада эски ҳамқори — «Машъал» хусусий корхонасининг раҳбари Тўлқин Мамажонов пайдо бўлди.

— Заводларнинг газдан олтиш миллион сўм қарз бўлиб қолибди. «Фарғона газ тэъминоти»дагилар қарзини тезда ёпмас, тармоқдан узиб қўйилади дейишапти. Улар «Муборакка» билан сен-менга бериб қолишибди. Хуллас, газчиларнинг авзойи бузуқ...

Бу гапларни чуқур мушоҳада қилган Муслим Умаровнинг қалласига ажойиб гоё келди.

— Муборак газни қайта ишлаш заводи «Фарғона газ тэъминоти» фойдасига қарздан воз кечса, биз эса Муборакка қарз эвазига усқуна ва жиҳозлар етказиб берсақ қандай бўларкан?..

Хуллас, уч томонлама шартнома имзоланди. 2002 йил июл ойида заводдан 10.500.000 сўмлик 4 та ҳаво қиздиргич усқуна олиб чиқиб кетилди. Ҳаммаси қонуний амалга оширилди. Икки ой ўтиб худди шу йўл билан 21.000.000 сўмлик 18 тана целлюлоза ҳам Муборак газ корхонаси фойдасига чиқим қилинди. Лекин бу юклар Муборакка етиб бормади. Ҳаво қиздиргичлар Фарғонанинг ўзида пуллаб юборилди. Целлюлозанинг ярини Деновадаги, ярини эса Булунғурдаги вино заводига вино эвазига айирбошланди. Виноларнинг ҳаммаси улгуржи пуллаб юборилди. Табиийки, газдан қарз 31.000.000 сўмга камайганлиги ҳақидаги ёлгон тезда очилди. Бу пайта эса Муслим Умаров аллақачон Фарғонадан гоийб бўлган. У ҳаммаси хайрон қолдириб Муборакда «Кавказ» номили хусусий корхонасини юргизаётган. Хуқуқ-тартибот ходимлари изидан тушган, у бу ердан ҳам хўжтақни ростлади. Қўтилмаганда Москвада пайдо бўлиб қолди. Озарбойжонлик, кўп йиллар Ўзбекистонда ишлаган «ишбилармон» деб таништирилган бу шахс бир қанча вақт Россия пойтахтида «фаолияти»ни давом эттирди. Ўзбекистон хуқуқ-тартибот органларининг вакиллари россиялик ҳамкасблари қўлига уни тезда қўлга олишди. Ва ниҳоят жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида қаллобга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

У.ҚОДИРОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ёрдамчиси

ҒОЙИБ БЎЛГАН «ТИКО» СИРИ

Пойтахт марказидаги хиёбон ҳар доимгидай гағвум. «Ардус» кафеси ёнидаги автомат ўйинлар жойлашган клубдан чиқаётган Лейла чўнтагида машинасининг қалити йўқлигини билиб, икқиланиб қолди. «Эҳтимол қалитни машинада қолдиргандирман...» деган илинжда машиналар тўхташ жойига қараб юрди. Не кўз билан кўрсинки, ярим соат олдин қўйиб кетган «Тико»си ғойиб бўлган эди!

Бироз олдинроқ клубда унинг палтоси чўнтагидан қалит ва пултни ўғирлаб олган Азизбек ўғирланган «Тико»да илгари яшаган маҳалласига қараб йўл солди. Маҳаллада таниши Шералини учратиби, «Машина оғай-

нимники, ўзи мендан баттар маст, шунга буни сеникида қолдирай деб келдим, эртага олиб кетарми» деб уни ишонтирди. Шу кетишда тўпна-тўғри Абдурахмон исмли танишининг олдига борди. Эртасига кечга яқин у билан келиб машинани олиб кетди. Азизбекка келишидан пулни берган Абдурахмон тезда шериги Дилшодга машина ҳақида хабар беради.

Дилшод машинани уйига олиб келгач, ўйлаб қўйган режасини амалга оширишга киришди. Аввал арзонгаровга авария ҳолатидаги «Тико» машинасини сотиб олиб, Дониёр исмли шериги ёрдамиди иккала «Тико»нинг эҳтиёт қисм-

ларини алмаштириб, ҳосил бўлган машинани сохта ҳужжатлар билан фуқаро Б.И.га 4000 АҚШ долларига сотиб юборди. Қолган эҳтиёт қисмларни ҳам таниш-билишларига қўлайланди.

Шу тариқа бир неча эпизодда жиноят содир этган уюшган гуруҳ кирдикорларини қанчалик усталик билан яширмасин, хуқуқ-тартибот органлари томонидан фош қилинди. Машина ўғирлари суд ҳукми билан узоқ муддатга озолиқдан маҳрум этилди.

О.ШЗОҚОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Qayerdan: Xatlar va jamoatchilik aloqalar sahifasi bilan

Qayerga: Toshkent shahri, akademik Yul, Fuzulov ko'chasi, 66. «Huquq» gazetasi maxfiylik raqami 700047

«Huquq»ga javob beradi

«**МИЖОЗ ҲАМИША ҲАҚ...МИ?**»

«Huquq», 2006 йил 25 январь, 4-сон

Ташкент шаҳар прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бошқармаси томонидан мақолада кўрсатилган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсидида Шайхонтоҳур, Яқкасарой, Сирғали, Миробод, Собир Раҳимов, Чилонзор туманларида фаолият кўрсатаётган дилер ва агентлар фаолияти юзасидан бир қатор текширишлар ўтказилди. Жумладан, Шайхонтоҳур туман генерал Узоқов кўчаси «Гулзор» бекатида жойлашган дўконда қисқа мuddатли текшириш вақтида фуқаро З.Ваҳобов белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан харидорга 1 дон 10.000 сўмлик «Уздунробита» экспресс тўлов картчасини ноқонуний равишда 500 сўм устама нарх қўйган ҳолда сотиб, харид чекини бермаганлиги аниқланди. Текширув якунида З.Ваҳобовга тегишли 60.000 сўмлик «Уздунробита» экспресс картчалари ва 30.000 сўмлик «Уздунробита – МТС» сим карталари, 20.000 сўмлик «ДЭУ Юнител» экспресс картчалари ва савдодан тушган 131.100 сўм пул масала қонуний ҳал қилингунга қадар вақтинчалик олиб қўйилди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари давом этмоқда.

Б.МАСАИДОВ,

Ташкент шаҳар прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бошқармаси бошлигининг ўринбосари

P.S. Жавобдан кўриниб турибдики, СВОЖКК бошқармасининг текширувлари факат тўлов картчаларидаги муаммолар таҳлилига қаратилган. Ваҳоланки, мақолада компания воситачилик бўлиmlарининг ўзлари белгилаб олган нархда «фаолият» кўрсатаётганликлари танқид қилинган эди. Уйлаймики, бу борада бошқарма бизга янада тўлақонли жавоб йўллайди. Тахририят суриштирув якунлари бўйича мазкур масалага яна қайтади.

«**МИШ-МИШ ВА ҲАҚИҚАТ ОРАСИДА**»

«Huquq», 2006 йил 15 март, 11-сон

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази мақола юзасидан куйидагиларни маълум қилади.

Президент Ислам Каримовнинг 2005 йили Қорақалпоғистон ва Хоразмга қилган таширифида ушбу ҳудудларнинг диққатта сазовор жойлари учун туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича берган тақлиф ва кўрсатмалари асосида Урганч шаҳрида ягона туризм комплекс яратиш режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 октябрдаги қарори билан тасдиқланган.

Собиқ Хива туризм касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши ўзгартирилиши юзасидан Хива туман ҳокимлиги ҳузурдаги мувофиқлаштирув кенгашининг 2006 йил 2 февралдаги 1-қарори билан уни «Хива миллий ҳунармандчилик ва иқтисодиёт коллежи» деб ўзгартириш бўйича тақлифи марказга келиб тушган ва бутунги кунда ижобий ҳал этилмоқда.

Хива туризм касб-ҳунар коллежининг охириги йилларида фаолиятни ўрганиб чиқилганда ўқувчилар контингентининг 17 фоизини туризм тайёрлов йўналишида таълим олаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Хива шаҳрида миллий ҳунармандчилик ривож топганлиги ушбу коллеж битирувчиларининг ишга жойлашиши учун кенг имконият яратди. Собиқ коллежининг туризм йўналиши бўйича таҳсил олаётган ўқувчилари таълимни мутахассисликлари бўйича ўзларининг коллежларида давом эттирадilar.

Р.НИМАТОВ,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Урта махсус касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари

E'tibor

СУД КЕЧИРИМ СЎРАЙДИ

Яқинда тахририятимизга Беруний тумани Махтумқули ширкат ҳужалиги 1-бригадасида яшовчи Курбонгул Шихиевандан шикоят хати келган эди. Аризанда Қ.Шихиеваннинг оғсини Пардагул Бобожонова тинчлик бермаётгани, тез-тез жанжаллашиб, идорамидора юргани, ҳатто бу масалага жиноят ишлари бўйича туман суди ҳам юзасида қўриқилган ҳолда қайд қилинган эди.

Ваҳоланки, Қ.Шихиева аризасида бу масалани кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди раиси Ш.Ражаповнинг 2005 йил 20 феврал кунги кечирим хатини ҳам илова қилибди.

Қ.Шихиевага оилавий жанжаллар юзасидан аризагўйлик қилишдан кўра ўзаро аҳил бўлиб яшашларини истаб, эътироз билдирган ҳолда, суд раиси Ш.Ражаповнинг кечирим хатини жавоб тариқасида беришни лозим топдик:

«...Сизнинг ва Бобожонова Пардагулнинг иши юзасидан 2005 йил 13 октябр кунги чиқарилган қарорга

2005 йил 20 октябр кунги суд баённомасини имзолаш вақтида қарорнинг кириш қисмидаги Бобожонова Пардагулнинг туғилган йили 1960 йил, миллати туркман деб, Шихиева Курбонгулнинг кўрсатмасидаги «пакта териб юрганида» деган жумла «кўрак териб юрганида» деб ўқилсин дея ўзгартириш киритилди.

Бобожоновани олдин судланган деб топишга асос йўқлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди унинг олдин МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, иши судда МЖТКнинг 36-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилганини кўрсатиб, маълумотнома берган. Шу сабабли у судланмаган ва маъмурий жавобгарликка тортилмаган деб қарорга ёзилган.

Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди сиздан йўл қўйилган бу хатolik учун кечирим сўрайди.

Ш.РАЖАПОВА,

жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди раиси».



Олисларга чорлайди хаёл...

Madaditalab makub
ИШДАН БЎШАТИШДИ

Ҳурматли тахририят!

Мен «Huquq» газетасининг доимий мухлисиман. Газета орқали фуқаролар дуч келаётган турли муаммоларга ечим топиб берилаётганлиги мени хат ёзишга ундади. Узоқ йиллар Гулистон шаҳридаги 6-ўрта мактабда ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишладим. 2004 йил 7 июн кунги баъзи сабабларга кура ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзишга мажбур бўлдим. Қизиги шундаки, Гулистон шаҳар ХТБ бошлиги Г.Шаҳабиддинова шу кунийёқ 129-ш» бўйруқ билан мен билан тузилган шартномани бекор қилди. Ваҳоланки, меҳнат кодексининг тегишли моддаларига кўра ўртада икки ҳафталик оғохлантириш мuddати бўлиши лозим эди. Мен вилоят халқ таълими бошқармасига шикоят қилганимдан сўнг иккинчи марта 29 июн кунги мени 21 июндан бошлаб ишдан бўшатиш тўғрисида 202-ш» бўйруқни чиқаришди. Бу хатни-ҳаракат ноқонуний эканлигини турли идораларга ёздим. Вилоят халқ таълими бошқармаси ишга тикланишим шартлиги ҳақида кўрсатма берган бўлса-да, туман ХТБ уни бажармади. Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳам менинг важларимга тўғри баҳо бермади. Илтимос, ишдан бўшатиш ҳақида кетма-кет иккита бўйруқ чиқариш қонуний ёки ноқонуний эканлиги масаласини ўқувчилар ҳўқмига ҳавола этсангиз.

Х.ЭРНАЗАРОВ,

Гулистон шаҳри

«Huquq»ni o'qib...

ТОКИ БУ ҲОЛ ТАКРОРЛАНМАСИН

Биз оила аъзоларимиз билан биргаликда «Huquq»нинг ҳар бир янги сонини зўр қизиқиш билан кутиб оламиз. Ундаги баъзи мақодаларни ўқиб хурсанд бўлсак, айримларидан жуда афсусланамиз. Жумладан, газетдада чоп этилган «Ноҳақлик» номли мақоладан жуда таъсирландик.

Аёл кишининг унча-мунча эркак кишининг журъати етавермайдиган ишларни бажаришга бел боғлаганлиги биз мухлисларини ҳам интилув-чанроқ бўлишга чорлайди. Мақола-

ни ўқиб чиқар эканмиз, беихтиёр Президентимиз И. Каримовнинг ўз чиқиларидан бирда қилган даъватларини эсламасдан иложимиз йўқ: «Яширишинг хоҳати йўқ. Ҳозирги кунда биз турли қийинчиликларни бошимиздан кечираялмиз, ҳали ечилмаган муаммоларимиз ҳам кўп. Лекин, инкор этиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, агар ўзимиз жон куйдирмасак, ўзимиз ишламасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ўрнимизга ишламайди, муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди.»

Н. Чориеваннинг матонати, аёл боши билан туман ҳокими Н. Шомуродовнинг адолатсизлигига қарши уч йилдан буён курашиб келаётганлиги таъсирга лойик. Мухбир Қ. Жўраназаровнинг шу мавзунда қаламга олиб чиқилиши айни мuddао бўлган деб ўйлаймиз. Токи шунга ўхшаш воқеалар такрорланмаслигини истаган ҳолда халқимизни бир-бирига эътиборли бўлишга чакиргимиз келади.

Роман САБУРОВ,

Тўрткўл шаҳри

Javob

2004 йил 29 ноябр кунги фуқаро И.Одинаев ва К.Уринбоевлар спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда Ширин шаҳар дехқон бозори ҳудудида фуқаро Т.Ҳамидов билан жанжаллашиб, уни уриб-тегиб, жароҳат етказган ва тарқалишган. Орадан бироз вақт ўтган, соат таҳминан 21⁰⁰ ларда Халқлар дўстлиги кўчаси ҳудудидан ўтган йўлининг автомашина қанов қисмида Т.Ҳамидов ҳўшис ҳолатда тоғилиб, касалхонага олиб борилаётган пайтда олинган жароҳатлар тўғрисида вафот этган.

Жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди томонидан ишни суд мажлисида кўриш жараёнида суд тиббий комплекс экспертизаси тайинланиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертизаси бош бюросининг 2005 йил 22 июндаги 30-қайта-комплекс экспертизаси хулосасига кўра ўнг қовурғаларининг икки жойидан синиши ўртача оғир шикаст ва ўнг қошидаги жароҳатлар соғлиқнинг қисқа мuddатда ёмонлашувига сабаб бўлган ёнгил жароҳатлар бўлиб, улар каттиқ тўмбоқ жисملар, жумладан кўл ва оёқлар таъсирида етказилган бўлиши мумкинлиги, Т.Ҳамидовнинг танасида аниқланган плевра бўшлиғига қон кетиши, ўпка, жигар

ва талокнинг ёрилиши, кўплаб қовурғаларнинг синиши билан кенган кўрак ва қориннинг кўш ўтмас травмаси унинг ўлимига олиб келган бўлиб, ушбу жароҳатлар айнан автоавария натижасида ҳосил бўлганлиги қайд этилган.

Шу асосда жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди томонидан И.Одинаев ва К.Уринбоевларнинг ҳаракатлари ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми «и» бандига қайта тасниқланган. Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияеи қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги фармонининг 2-моддаси қўлланиб, жазодан озод қилинган ва Т.Ҳамидовнинг ўлимга сабаб бўлган жароҳатлар олганлиги ҳолати бўйича қисмини қўшимча текшириш учун ажрим чиқарилган.

Ушбу ҳолат юзасидан Сирдарё вилояти ИИБ ТБ томонидан ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан жиноят иш қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари терговчи Н.Абдурахмонов томонидан олиб боришган ва 2005 йил 5 ноябр кунуи ЖПКнинг 369, 364-моддасининг 1-бандига асосланиб, жиноятни содир қилган

шахслар аниқлангунга қадар иш ҳаракатдан тўхташган.

Мазкур қарор Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, барвақт қабул қилинганлиги боис Бекор қилиниб, Сирдарё вилоят ИИБга тергов ҳаракатлари ўтказиш учун юборилган эди. Бирок, мазкур жиноят иши вилоят прокуратураси томонидан назорат тартибидеа ўрганиб чиқилганда вилоят ИИБ ТБ катта терговчиси Н.Абдурахмонов сансалорликка йўл қўйган ҳолда тергов ҳаракатларини ўтказмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан вилоят ИИБ ТБ катта терговчисига интизомий ҳўқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, 2006 йил 27 март кунуи жиноят иши бўйича тергов қайта тикланди. Тергов ҳаракатлари Бош прокуратуранинг назоратида бўлиб, натижаларига кўра қонуний қарор қабул қилиниши таъминланади.

У.СУННАТОВ,

Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Gazetxon ilhomi

Мозга

Чақмоқ чақар, осмон ёришар,
Баҳор берар ўздан дарак.
Қора булут осмонни босар,
Ёмғир бошлар қадимий эртак.

Айыр каби чопар ширмоқлар
Таш-бирини ортда қолади.
Билар кетар зилол бўлоқлар,
Ёмғирга ўз уйин қолади.

Пинак бўзмай қарши олади
Қар-адирлар баҳор ҳазили.
Тезда усти ишиб қолади
Узоқларга чопган тоғ йўли.

Раҳматилло МЕНГИРОВ,

Қамаш тумани

(Давоми. Бошланғичи I-бетда).

Халқимизда «Тўри гап тўққанига ёқмайди» деган мақол бор. Шубҳасиз, шоирнинг ўша кезлардаги ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати, аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзбекининг дард-аламларини айтиб, уни ҳимоя қилиши ҳатто акса уришга ҳам Москвадан руҳсат олишни қанда қилмайдиган, халқидан кўра жигилдонини кўпроқ ўйлайдиган амалдорларга ёқмай қолди. Шу боис, арирларга баҳонани рўйча қилиб шоирни лавозимидан четлатишди.

Шоир бировга арз қилмади. Аксинча, тугилиб ўсган қишлоғи Некўзага бўлиб, отасига ёрдамлашиб юрди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Абдулла ақанинг бировлар тез ағламайдиغان бир хислати бор. У киши оғзи қонса-да, душман олдида тулуриб, сирини ошкор қилишни ор билди. Аллақимларга ўшаб кўнгулдайнинг ҳаммага дастурхон қилавермади. Ишидан ажраб, Тошкентдан Косонга келиб

маган ҳолда тўқилаётган япроқларга, юлдузларга боқиб хўрсинган вақтларим бўлган. Нималарнидир айтгим, тўлиб турган юрагимни қорозга туширгим келарди:

**Мен куйлайман гоҳ дилда қадар,
Гоҳ севиниб шеър тўқийман мен.
Тингламаса ўзгалар агар,
Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен...**

Шоирлик аслида ўзгалар наздидаги жўн, оддий нарсалардан хайратланишдир.

— Ҳаётда майда-чўйдалар меъдага текканда киши болалигига қайтишни орзу қилади. Афсуски, бунинг сира илоҳи йўқ. Болаликка фақат хаёлан қайтиш мумкин ҳол. Яшаш учун кураш, ҳаётдан маъно излашлар баъзан одамларни ҳақ йўлидан қинғир йўларга буриб юборади. Болаликда бир бурда нонга қаноат қилган инсонлар оламни берсанг ютадиган наҳанларга айланади. Инсон шънини ерга урадиган хислатлар шундан бошланади. Менимча, дунёда болаликдаги софлиқни сақлаб қол-

дулла Орипов фалсафани яхши кўради. Сабабини бўрасангиз «Фалсафанинг турган-ситгани хикмат. У юнончадан бехудга дошмадликни севиниб деб таржима қилинмайди, — дейди севиниб.

Ҳақиқатан ҳам гоҳида биз ўрганишга эринадиган ушбу фанда оддий, аммо хикматли ривоятлар қалашиб ётибди. Шоирга шу ҳақда гап очсангиз, ўша ривоятларни бир йўла икитасини айтиб беришни хуш кўради.

— Ҳаётда майда-чўйдалар меъдага текканда киши болалигига қайтишни орзу қилади. Афсуски, бунинг сира илоҳи йўқ. Болаликка фақат хаёлан қайтиш мумкин ҳол. Яшаш учун кураш, ҳаётдан маъно излашлар баъзан одамларни ҳақ йўлидан қинғир йўларга буриб юборади. Болаликда бир бурда нонга қаноат қилган инсонлар оламни берсанг ютадиган наҳанларга айланади. Инсон шънини ерга урадиган хислатлар шундан бошланади. Менимча, дунёда болаликдаги софлиқни сақлаб қол-

Биринчиси: соҳибқирон Темур хиндларнинг қабилаларидан бирини босиб олганда, улар унга: «Агар сен савдогар бўлсанг бизларни сотиб юбор, агар қассоб бўлсанг сўйиб ташла. Агар подшо бўлсанг бизга бахт бер, озодлик бер», — дейишган экан. Жуда теран гап-а?

Иккинчиси: қадимги юнон файласуфи Диоген, одамлардан ҳафсаласи пир бўлибди, бошқа сабабданми, ишқилиб мустақил бўлиш учун боқчада яшаган экан. Бир кун у бочкасидан чиқиб, ден-

— Сизга қайси ўзбек санъаткори ёқайди? Нега?

— Сора Эшонтураева, Ҳалима Носирова, Аббор Ҳидоятлов, Шукур Бурҳоновларнинг ижодини қадрлайман. Сабаби, улар ўзбек санъати нималарга қодир эканлигини, халқимизнинг маънавий етук эканини дунёга билдириб қўйишган.

— Қайси таомни яхши кўрасиз?
— Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин.
— Ёшларга тилақларингиз?

— Фақат ва фақат халоллик.

Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ деган гап рост экан. Оллоҳ элим, юртим деган деган бандасидан омаднинг дариг тутмади. Шўролар даврида қора рўйхатнинг бошида турган шоир мустақиллик йилларида янада зафар қучди. Шу йўрида у киши ёзган туркум шеърлар-у достонлар хусусида тўхталишга ҳожат йўқ деб ҳисоблайман.

Чунки унинг ижодини кузатмаган, шеърларини ёд олмаган биронта ўзбек топилмаसा керак. Биргина 1992 йилда Ўзбекистон

шини билган ходим мулойимлик билан оғохлантирди:

— Яхши. Аммо эҳтиёт бўлиб ҳайданг. Йўл музлаган. Оқ йўл, акалар!

Машинамиз узоқ юрмади. Орақ ўриндиқда ўтирган Абдулла ака ҳайдовчининг елкасига қоқиб, «орқага бур» деб қолса бўладими. Нима гап экан деб яна халиги гуруҳ томонга қайтди. Машина берирокда тўхтагач, Абдулла ака тандиққабоб ўралган тугунни қўймага тутиб:

— Бунинг йигитларга элтиб бер. Уларни ҳам тўйга етказсин. Қара, шундай зим-зиё тунда тadbир ўтказишга, одамлар адашиб кетмасин деб чирок йўқ жойда гулхан ёқиб ўтиришибди. Шуларга раҳмат. Бунақа изғиринда тек туришнинг ўзи бўладими? Яна айтиб қўй, ўзларига эҳтиёт бўлишсин, — деб тайинлади.

Устоз савоб ишларни яхши кўради. Шу сабабданми, уйининг эшиги ҳаммиса очик. У ҳам сиз-у биздек оллоҳнинг қули. Шундай экан, сиз

Эл суйган шоир

қолиш сабабини ҳатто отасидан ҳам сир сақлаганини энди тушунгандирсиз?

Бирок ўзбекчиликда гап ерда ётмас экан. Ўша кезлари Қашқадарё вилоятининг раҳбари бўлиб ишлаётган Ислоҳ Каримов шоирнинг Тошкентдан қишлоғига келганини эшитиб, ажаланмади. Шу сабаб «бу ерда бир гап борга ўхшайди...» деган гумонга бориб, шоирни ишхонасига қақириб суҳбатлашди. Худди туғишган инисидек гапини бўлмади, охиригача эшитди. Ҳақ гапи учун қора рўйхатга тушиб қолганини ағлаб, анча асабийлашди. Бирок айрим сохта халқларвар раҳбарлардек «ўтган ишга саловат» қабилида, хўжақўрсинганига «майли, шоир, сабр қилсангиз ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Замоннинг нотинчилигини кўриб турибсиз» демайди. Қаршидада юмшоқ ўтирган йигитнинг ноёб истеъдодини ҳисобга олиб, телефон гўшагини қўларига олади ва ўша кездаги Ўзбекистон компартияси марказий комитетининг катта раҳбарларидан бирига шундай дейди:

— Ҳаммасидан хабарим бор. Ҳаммасини илҳад игнасигача билман. Лекин халқ ташвишида юрган шоирнинг юзига шунчалик қора чаглаб, хўрлаш инсофданми? Мени атрофимиздагиларнинг фикри қизиқтирмади. Мен Абдуллажонга ишонман. Кўрасиз, хали бир замонлар келиб, бу йигит миллат фаҳрига айланади. Ҳеч бўлмаса ундаги қобилиятни ҳисобга олинглар ахир!

Ислоҳ Каримовнинг жон куйдириб қилган ҳаракатлари бесамар қолмади. Эртасигаёқ шоирни пойтахтга қақириб, унча катта бўлмаган иш билан таъминлашди. Бу воқеани шоирнинг ўзи «худо ҳаққи, мендек оддий шоирга бундан ортқ марҳамат бўладими?» деб эслайди.

Абдулла Орипов оддий кишилар билан учрашиб, мириқиб суҳбат қуришдан сира чарчамайди.

— Шоир бўлишимга қишлоғимиз омонини ва унда порлаган юлдузлар сабабчи, — дея эслайди у. — Теварак атрофдаги нарсаларга, даракларга, гулларга, гиёҳларга ҳамманинг ҳам нигоҳи тушади. Сиз кўрган-билган воқеа-ҳодисалардан ёнингиздаги ўртоғиниз ҳам воқиф бўлади. Бирок уларда тасвирланган ҳар хил, Бирок йиқилган дархатга кўзёшисиз қарай олмасан, биров одамни бўғизлашса ҳам лоқайдига на кузатади.

Мен неғалигини ўзим ҳам бил-

ган кишигина бахтлидир.

Шу боис мен ҳозирги болалар ўзларининг бегубор оналарини, бегубор тўғиларини асраб-авайла салар, турли оқишларга эргашиб, хали гўнаҳликдаёқ ноубуд бўлма синлар деб қайта-қайта айтгим келарди, — дейди шоир куюниб.

Баъзи бировлар шоирдан «Бахтин қандай тушунасиз?» деб сурашса, шундай жавоб қайтаради:

— Улғур рус ёзувчиси Максим Горький «Бахт виждон тинчилигидир» деган эди. Киши қайси касб-корда ишлашадан қатъи назар, жамият олдида, оиласи, дўстлари олдида виждони пок бўлса, тинч бўлса, бахт ўшадир!

Кўпчилик Абдулла Ориповнинг шеърлари қай йўсунда ва қай шароитда ёзилиши билан қизиқиши табиий. Шу сабаб унга учрашувларда «фалон шеърингизни қандай ёзгансиз?» деган саволни беришдан сира чарчамайдилар. Бирок ҳар бир шеърнинг ўз ёзилиш тарихи бўладики, бунинг фақат тўни бедор ўтказган ижодкоргина билади, ҳолос. «Танаси бошқа дард билмас» деганларидай бу масъулятни бирон сўз билан тушунтириш амри маҳол. Бунинг учун шу қозонда қайнаб, шу танадан кеңайган хароратни ҳис этмас қоюв.

Абдулла Орипов «Она сайёра» деган шеърини ёзиб бўлганига олти ойдан ошса-да, матбуотда эълон қилмайди. Маълум муддат одатига кўра камгаб бўлиб қолади. Ҳатто ўртоқлари билан бўладиган гурунлардан ҳам ўзини олиб қочади. Качон қарасанг ёлғиз юргани, на еб-ичишида, на ётишида ҳаловат борлиги сезиларди. Вақти келиб ўша кунлардаги гамгинлик сирини сураганларга шоир шундай изоҳ беради:

— Унда «Бир зумлик безовта ўйлар сўнгидея ана руҳсорингга термуламан жим» деган сатрлар бор. Шеърнинг дастлабки нусхаларида «безовта» сўзи ўрнига «ташвишли», «гамгин» ва шунга ўхшаш сўзларни ишлатгандим. Аммо, назаримда, улар жойига тушмагандек туюларверди. «Қанақа сўз топсам экан?» деб анча бош қотирдим. Бир кун Дўрмондаги ижод боғи-мизда ахволимни кўриб, ўртоқларимдан бири «нега бунчалик безовтасиз?» деб қолувди, ўша мен хунуб бўлиб излаган сўзим шу «безовта» эканини ҳис этиб, суюниб кетдим-у, дўстимга: «Раҳмат, энди безовта бўлмайман!», — дедим.

Ҳар бир инсоннинг севган фани ва машғулотни бўлади. Шоир Аб-

гиз кирғоғида дам олиб ётганида ёнига бир отлик келиб тўхтади. Диоген унга заррача ҳам парво қилмайди. Шунда у тугтоқиб: «Хой, мен Искандарман! Нега ўрингдан турмайсан!» деса, у лоқайдигина: «Отингни ол, сояси тушаяпти» дея жавоб қайтарди. Яъни, Диоген ўз мустақиллигига ҳатто отнинг сояси ҳам таъжовуз қилишни истамаган. Унинг бу жавобини эшитган подшо «Мен Искандар бўлмасам, Диоген бўлардим!» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолган экан.

Шоирнинг файласуфлар бисотидан топиб айтган бу гаплари ёшларимизга сабоқ бўлмоғи керак. Улар мустақиллигимизга таъжовуз қилмоқчи бўлганларга куннинг исталган вақтида зарба беришга шай турмоқлари лозим. Сабаби, бу ёвуз кучларнинг мустақиллигимизга солаётган сояси подшо Искандар минган отнинг соясидан миллион марта каттароқдир. Бунга биргина ўтган йилнинг 13 майдаги воқеалар мисол бўла олади.

Чунки мустақиллик аслида аж-доқларимизнинг минг йиллик орзу-си бўлиб, уни оёқоси қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Газетхонларнинг кўпчилиги шоирнинг нималарга қизиқишидан тортиб қайси санъаткорни севиши-ча биллишни истади. Шунки ҳисобга олган ҳолда шоир билан бўлган айрим савол-жавобларга қулқут-тут-сақ.

— Қандай одам ва қандай гуноҳни кечирмаслик керак?
— Ёмон феъли тузалмайдиган одамларнинг гуноҳини кечириб бўлмас.

— Ҳеч ёлғон гапирганмисиз?

— Дунёда катта-катта ёлғонлар бор. Уларнинг олдида бизларникини ёлғон дейишга ҳам уяласан киши.

— Нимадан ташвишдасиз?

— Нимадан ташвишдасан... Яхши истеъдодлар сояда қолиб, адабиётимиз майдонини олғирлар эгаллаб кетмасмикан?..

— Буюк шахслардан кимларни севасиз?

— Буюк ижодкорлардан Шекспирни, Навоийи ва Толстойни. Албатта, уларнинг шахсияти ўзларига тегишли. Мен бу ўринда уларнинг руҳий дунёсини кўзда тутаман.

— Ёмон одам деганда аниқ бир кишини кўрсата оласизми? — Қайси бирини кўрсатасиз?..

— Мукамал одамни учратганмисиз?

— Назаримда бундай одамни ҳар ким ўзи учун ахтарса яхши.

парламентининг навбатдаги сессиясида Абдулла Ориповнинг шеър асосида Мутаваккил Бурҳонов муомиласини ёзган давлат мадҳиясининг расман тан олинишининг ўзи бахт эмасми? Шу кунларда мадҳиямиз етиб бормаган биронта давлат қолмади. Боз устига шорига Ўзбекистон қаҳрамони мукофотининг берилиши мустақиллик учун курашган инсонлар бу юртда қандай қадр топишдан нишона эмасми? Эндиликда ўзбекини фахри ва гурурига айланган шоир Абдулла Орипов Ўзбекистон ёзувчилар уюмчасига раислик қилиш баробарида Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг бошлиғи ҳамдир. Энг муҳими, ҳамон у халқ орасида, халқ хизматига.

Маълумки, прокуратура ходимлари орасида ҳам устозни чин дилдан севадиган ва у ҳақда кўпроқ нарсаларни билишни истайдиганлар кўп бўлиб қолади. Шундай экан, шоир билан боғлиқ бир воқеага тўхталиб ўтсак.

— Ўтган йили қишда Абдулла ака билан Косонга тўйга борган эдик, — дея эслайди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлигининг бош ҳисобчиси Ҳамдамжон ака. — Тўй тугаб, Тошкентга қайтар чоғимизда мезгиллар машинамизга тандиққабоб ўралган тугунни келтириб қўйишди. Бизнинг бу насага оғринсинганимизни кўриб, «Тўйга келолмай қолган дўстларимизга берингллар. Уларни ҳам шундай тўйларга етказсин» деб оқ йўл тилаб қолишди. Киш туни эмасми, ташқари ҳаддан зиёд совуқ. Тупуғинг ерга муз бўлиб тушади. Ҳайдовчимиз йўлда ухлаб қолмаслик учун радио кутубини бураб қўйди. Бир пайт катта йул четиде эски балонини ёқиб ўтирган прокуратура ва милиция ходимлари машинамизни тўхташди. Кейин билсак, улар ҳамкорликда қандайдир тadbир ўтказишгаётган экан. Ҳайдовчи ёнидаги ҳужжатларини қўлга олиб тушишга улгурмади. Халғилардан бири ярим очик ой-нақа эгиллиб бизга салом бергач, ўзини таништирди ва ҳайдовчидан сўради:

— Ака, уйқунгиз келмадимми? Ҳайдовчи нима деб жавоб қилишни билмай қолди. Чамамда уни уйқу элита бошлаганди. Бунинг сезган милиционер шундай деди:

— Ҳали Тошкентга узоқ, Чарчаган бўлсангиз, бироз ухлаб олинг. Қаранг, қалин туман тушаяпти.

Ҳайдовчининг йўлда давом эти-

ва бизга таниш бўлган ташвиш ва қувончлар билан ашайди.

— Шундай вақтлар бўладики, — дея гап бошлайди устоз куюниб. — Гоҳида кимдир ёрдам сўраб келарди. Гарчи у айбдор бўлса-да, инсон боласи. Шундай кезлари икки оғиз ширин гап айтиш керак. Акс ҳолда у қуонганиданми, бўшлиғидани ҳарқалай яна биронта айб ишни қилиши мумкин. Муҳими, инсон инсондан ширин сўзини қизғонмасин. Яхшимиз ҳам, ёмонимиз ҳам ўзимизники. Шундай экан, бўлади-ган эл бир-бировини ботириш дегмоғи лозим.

Рост гап. Бу гаплардан ҳар бир инсон тўғри хулоса чиқармоғи даркор.

Абдулла ака Тошкентни жонидан ортқ яхши кўради. Шу сабаб шоирнинг қуйидаги гапларини эсга олгимиз келди: «Мен Тошкентда истикомат қиламан. Беш қизим ва бир ўғлим бор. Янгангиз Ҳанифаларим уй бекаси. Мен ва фарзандларимиз хизматига. Бир боланимиз иштироб билан Тошкент тупроғига топширганман. Юзга қирарман, балки икки юзга... Лекин Тошкентнинг муборак тупроғи мен учун табаррук бўлиб қолади. Мен Тошкент шънингга қўллаб шеърлар ёзим. Бундан буён ҳам ажойиб бу пойтахтимиз олдида қарздорман, унинг танти, олижаноб халқи олдида қарздорман. Мен Қашқадарёнинг Косон туманида туғилиб ўсдим. Лекин Тошкент сувини ичган бир қуш каби ҳаммиса шу жойда муҳайёман. Жаҳоннинг машҳур ва донгдор одамлари билан Тошкентда учрашдим. Илк китобимдан тортиб, кейинсигача шу ерда навш этилди!»

Мақоламиз сўнгидея севимли шоиримизнинг ушбу шеърни ёдга оламиз:

Дунёда ҳар кимнинг бор

ўз матабига,

Туя сўраб бўлмас эчкибоқардан.

Писмиқдан файласуф,

Ҳақтўй ҳам чикмайди

бетта чопардан.

Кимўзар ўйнасанг

тошбақа билан,

Бўйинига олурсан

унга тенгликин.

Дунёнинг ишлари шунақа экан,

Ҳар нечук одат қил

феълни кенгликин...

Муҳаммаджон СОИПОВ,
журналист,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси

Жиноятга қўл урганларни бу йўлдан қайтариш мумкинми?

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқа идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган муайян ишларни амалга ошираётганига қарамастан айрим ҳолларда аёллар томонидан терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ жиноятлар содир этилаётганиги ташвишланарли ҳодир. 2004 йилнинг 28-31 март кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари бўйича қўзғатилган жиноят ишларининг терговига «Ҳизб-ут тахрир» диний экстремистик ташкилотига аъзо бўлган бир нечта аёлнинг мазкур жиноятларда бевосита қатнашганлиги аниқланган.

Жумладан, жиний уюшмага жалб қилинган Захро Тўраева, Мастура Абдуллаева, Дилноза ва Шаҳноза Холмуродовалар 2003 — 2004-йиллари Қозоғистондаги хуфийна хонадонларда Ўзбекистонда террорчилик содир этишга тайёр-гарлик кўришган. Кейинчалик Ш.Холмуродова ва уюшманинг бошқа аъзолари сохта паспортлар ёрдамида Қозоғистоннинг Чимкент ва Оқтос шаҳарларидан Озарбой-жоннинг Боку шаҳрига, у ердан Эроннинг Техрон ва Зоҳидон шаҳарлари орқали Покистоннинг Пешоавар ва Кветта шаҳарларига бориб, халқро террорчилик ташкилотларининг Жанубий Вазиристон ҳудудидаги лагерларида махсус ҳарбий тайёргарликдан ўттишган. Уларга халқро террорчи таш-

«Ҳизб-ут тахрир» сафига киришга даъват этиб, унга ушбу ташкилотнинг «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари» ва «Адашти-рувчи тушунча» номи варақаларни тарқатиш учун берган.

2004 йил 29 март куни соат 8 ларда уюшма аъзолари М.Абдуллаева ва Д.Холмуродовалар Тошкент шаҳар «Чорсу» бозорига келадилар. М.Абдуллаева «Чорсу» бозори

ҳалок бўлган.

2004 йил 1 апрел куни Бухоро вилояти Ромитан туманида яшовчи жиний уюшма аъзоси Ф.Акрамова уни махсус бўлимага ходимлари қўлга олиш учун келган вақтда қўлбола портловчи моддани портлатиб юборади. Оқибатда уйда бўлган З.Саидова (1994 йилда туғилган) ҳалок бўлган, унинг ўзи эса жароҳатланган.

лари, яқин қариндошлари, қола-верса маҳалла аҳли уларнинг юриш-туриши, танишлари билан муносабатига бефарқ қараганлиги оқибатда бу фуқаролар террорчиликнинг таъсирига тушиб қолган. Уларнинг бу турдаги жиноятларни содир этишининг асосий сабаби ҳақиқий диний билимга эга эмаслиги, дунёқара-ши тўлиқ шакланмаганлигидир. Оқибатда улар ўзини қурбон қилиб бўлса ҳам террорчиликнинг буй-руқларини бажаришга тайёр шахс сифатида «тарбияланган».

Шу сабабли маҳаллаларда, таълим муассасалари ва иш жой-ларида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мутасадди идораларнинг ходимлари ва жамоатчилик билан биргаликда ислом динининг асил моҳияти, қадрият ва анъаналаримиз кенг тарғиб қилиниши лозим. Шундагина қўлбўла аёлларимизни бу номат-қул йўлдан, ўз Ватанига қарши жиноятга қўл уришдан қайтаришга эришишимиз мумкин.

Бобир ДЕҲҚОНОВ,
Республика Бош
прокуратураси бошқарма катта
прокурори

Диний экстремизм ва терроризм — долзарб муаммо

қилотларнинг махсус инструкторлари сабоқ беришган.

Бухоро вилоятининг Ромитан туманида яшовчи Асадов Элмуроднинг турмуш ўртоғи Тошпўлатова Иқбол 1999—2004-йилларда ҳамжишлқлари Акрамова Фароғат, Фозилова Нозима, Хусенова Гулшода ва бошқаларни террорчилар гуруҳига жалб этган.

2004 йилнинг феврал ойи охирида «Ҳизб-ут тахрир» ташкилоти аъзоси Ш.Иноятова (Қибрай туманида террорчилик ҳаракатини содир этиш вақтида ўзини-ўзи портлатган) фуқаро Азимова Севарани,

яқинида жойлашган «Болалар дунёси» дўкони ёнида шаҳар ИИББ йўл патрул хизмати ходимларининг йиғилиши ўтказилаётган жойда бадиий қўлбола портловчи мосламани портлатди.

Шундан сўнг, соат 8.10 да Д.Холмуродова бозор ёнида жойлашган «Келес» автобекатида қўлбола портловчи мосламани портлатиши оқибатида унинг ўзи ва 2000 йил 21 августда туғилган М.Иброҳимова

Жиний уюшма томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида 14 киши, жумладан 9 нафар милиционер ҳалок бўлган. 53 киши жароҳатланган. Давлат ва фуқароларга 20.000.000 сўмликдан зиёд моддий зарар етказилган.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилганлар.

Мазкур жиноятларга қўл урган аёлларни бу йўлдан қайтариш мумкинми? Албатта, Ававало, ота-она-



Пушаймонлик азоби

Айтишларича, экинларнинг танасига тирмашиб, ривожига раҳна солувчи чирмовукнинг илдизини кўз илгаш қийин бўларкан. Энди айтинг-чи, шу заминда учиб-ўсиб, қур-қўрона ганимлар тегириғини сув қуяётган, арзиманган эҳсонларга учиб, ўз юрти, инилари ҳаётига таҳдид қилиётган айрим кимсаларнинг ана шу чирмовукдан нима фарқи бор?

Таассуфли томони шундаки, узоғи билан олти ой-бир йил гараз ниёти чаламулалар қўлида тахсил олганлар қисқа давр ичида ўзларини мукамал одам деб биладилар. Такабурликка берилиб, бамисоли жойнамоз устидан туриб олиш кўкларга учгани чоғланадилар.

Мана бу гапларга кулқот тuting. Яқинда «Тошкент — Ургут» йўналиши бўйича кетаётган 14В 28-08 рақамли «Икарус-250» автобуси Гулистон шаҳрида тўхталиб, салондаги юклар боқсона назоратидан ўтказилганда фуқаро Сафо Темировга тегишли «Daewoo motor» ёзувли қўти ҳам очиб кўрилди. Ундан полиетилен пакетга жойланган «Ҳизб-ут тахрир» диний оқими чоп этган 490 та «Битта тананинг икки томони» номи варақа ҳамда 150 дона «Онг — ал-Вазъ» журналнинг 206-сонни топилди. Терговда аниқланишча, Сафо Темиров «Ҳизб-ут тахрир»нинг Самарқанд вилояти бўйича масъули экан. У қидирувда бўлган шериги билан 2003 — 2005-йиллари Ўзбекистонда ҳокимиятни қўлга олиш, амалдаги давлат тузуми ўрнига ислом шариғатига асосланган жамят ўрнатиш йўлида зимдан иш уюштириб келган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган С.Темиров шундай дейди:

— Амаким Назар Холиков «ҳизб»ни ўқиб керак деса, ўйлаб ўтирмай рози бўлиман. Шундан кейин амакимнинг уйда «Ислом низоми» деган китобдан бир йилга яқин сабоқ олдим. Сўнг амаким мендан «Ҳизб-ут тахрир» диний оқимининг қасамўидини қабул қилиб олади. Бир кун унинг амаким маҳалладоши Саттор Расулов ва яна бир нотаниш Аҳмад деган болани бошлаб келди. Улар менга ишонч билдириб, «диний оқим адабиётларини Тошкентдан Самарқанд вилоятига етказиб туришни сенга юкламақчимиз» дейишган, рози бўлдим. Шундан сўнг қўл бора бўлган китоб ва варақаларни шериклар кўмағида тарқатиб юрдик...

Гарчанд, пушаймонлиги сезилиб турса-да, Сафонинг уч йил мобайнида ўз Ватани дахлсизлигига қарши биллиб-билмай олиб борган ҳаракатлари ҳеч бир қуюшонга синамайдилар. Шундай бўлса-да, суд ҳайъати унга жазо тайинлашда илгари судланмаганлиги, қилмишдан пушаймонлиги, оилавий шароити ва икки фарзанди борлигини эътиборга олади ҳамда С.Темировни 8 йилга озодликдан маҳрум этди. Бу кўпчиликка сабоқ бўлиши керак.

Азиз ШАМСИҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари

Ўзбекистонда азалдан диний толерантлик, миллатлараро ҳамжихатлик давом этиб келмоқда. Бундай тарихий тотувлик юртимиз миллий мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг янада мустаҳкамланди. Ҳозир мамлакатимизда барча фуқароларнинг эътиқод эркинлиги тўла таъминланган бўлиб, рўйхатдан ўтган 2178 та диний ташкилот қонуний фаолият юритапти.

Конституциямизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди» деган қонданнинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам республикамизда виждон эркинлиги гоёсининг улуғланишидан далолатдир.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ УЛУФВОР ҲОЯ

Маълумки, виждон эркинлиги, аввало, фуқаронинг у ёки бу динга эътиқод қилиши ёхуд ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Ўзбекистон Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги қонуни билан қафолатланади.

Республика прокуратураси органлари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»-ги қонун ва диний экстремизмга доир бошқа қонунлар ижроси юзасидан доимий назорат олиб боришапти. Жорий йилнинг ўтган вақти давомида ўтказилган текширишлар натижаси фуқаролар томонидан содир этилган виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга зид хатти-ҳаракатлар ҳақида мулоҳаза юритишга ундайдилар.

Самарқанд шаҳрида яшовчи И.Аббосов, И.Қорахўжаев, Н.Мирсаидовлар жиний тил бириктириб, «Ҳизб-ут тахрир» гояларини тарғиб қилиш билан шуғулланиб келгани аниқланиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, ЖИЭМда жаза ўтаётган Э.Маликов маҳкумлар орасида «Ҳизб-ут тахрир» гояларини тарғиб қилаётгани аниқланиб, унга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилган. Суд ҳукми билан Э.Маликов яна 6 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Шунингдек, назорат тадбирларида айрим фуқаролар дин ишлари бўйича қўмига рухсатсиз диний мазмундаги адабиётлар, аудио ва видео кассеталар савдоси билан шуғулланаётгани ҳам аниқланган. Масалан, Каттақўрғон шах-

рида яшовчи А.Омонов махсус рухсатномасиз диний мазмундаги лазер дискаларни сотаётгани учун маъмурий жазага тортилган. Худди шу каби наманганлик А.Дўлатев ҳеч қандай рухсатномасиз диний мазмундаги аудиокассеталар билан савдо қилаётгани аниқланган.

Яна бир қонуний фаолият — миссионерлик билан шуғулланувчиларнинг қўлайлиб бораётгани ташвишланарлидир. Қоқонуний секталар фаолияти юртимизда асрлар давомида шакланган толерантликка, хонадонларимиздаги ҳаловатта тажовуз эканлигини ҳаммаиз ҳам яқини тушунамиз. Уларнинг конституциявий тузумимизга ишонсизлик, диний билимларга эга бўлмаган ишларни чалғитиш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фаолиятига йўл қўймаслик ҳар биримиздан ҳушёрликни талаб этади.

Жиззах вилоят прокуратураси томонидан «Исо Масих» деб номланувчи норасмий диний ташкилот таркибида миссионерлик билан шуғуллангани учун илгари маъмурий жазага тортилган бўлса-да, ташкилотни рўйхатдан ўтказмай яна шу иш билан шуғулланаётган фуқаро М.Қарабаевага нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Шунингдек, Дўстлик шаҳрида яшовчи А.Цой ва А.Николаевскийлар ҳеч қандай рухсатномасиз ўз уйида христиан-баптистлар сектаси чerkовини очиб, миссионерлик билан шуғулланиб келгани учун туман прокурори томонидан оғохлантирилган.

Қорақалпоғистоннинг Кейғайли тумани «Қизил уй» овул фуқаролари йиғинида

яшовчи А.Қайнова ва унинг қизи Н.Досхонова, шуманайлик Г.Реймова ва турмуш ўртоғи И.Жумамуротов, Т.Сапарбоевлар ҳам «Исо Масих» сектаси гояларини ҳеч қандай рухсатномасиз тарғиб қилиш билан бўлса-да, маҳалла-қўй бунга панжа орасидан қараб келган.

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда ўтказган текширишларда Қарши шаҳри «Теразор» кўчасида яшовчи Г.Бузруков 42 нафар фуқаронини уйига йиғиб, «Иехова шохидлари» сектасининг норасмий ва рухсат этилмаган маросимларини ўтказиб келаётгани аниқланган. Савдо тўғрисида: наҳоти уларнинг қонуний фаолиятдан маҳалла аҳли бехабар бўлган? Фаоллар, посбонлар қаёққа қараган?

Текширишларда жойлардаги маҳаллий ҳокимият, ўз-ўзини бошқариш органлари ва айрим жомеъ масжид имомхатиблари зиммаларидаги диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларига етарлиқ масъулият билан ёндашмаган ҳолатлар ҳам аниқланган.

Умуман, прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишдаги назорат тадбирлари натижасида 2171 нафар шахс оғохлантирилган, 252 киши интизомий, 214 киши эса маъмурий жавобгарликка тортилган. 3 та жиноят иши қўзғатилган.

Баҳриддин АҲМЕДОВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли қонунлар билан тартибга солинадиган ер муносабатларида янгича замонавий ёндошувлар қарор топмоқда. Zero, Конституцияда белгилаб қўйилганидек ер умумийлик бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бугунги кунда бу бойликни асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Лекин афсуски, баъзан амалда бунинг акси ҳам бўлиб турибди. Республика прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда унинг қўйи тизимларида ердан фойдаланиш тартибини белгилловчи қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар эса бир қатор ҳолатларда жиддий қонунбузарликлар ва жиноятлар содир этилганлигини кўрсатди.

Қонун олаёндаги масъулият



Ўтган йили тажрибада ўзини оқлаган фермер ҳўжаликлари ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Худудий ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан 2005 йилда тугатилаётган 445 та ширкат ҳўжаликлари 764065 гектар ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, улар негизда 24624 та фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. 2006 йилнинг ўтган даврида эса 447 та ширкат ҳўжаликлари 720646 гектар ер майдонлари яппи хатловдан ўтказилиб, 31197 та фермер ҳўжаликлари танлов асосида ер ажратиш лойиҳалаштирилди. Шу кунгача ташкил этилган 26850 та фермер ҳўжаликлари 691460 гектар ер майдонлари ажратилган.

Демак бундан кўриниб турибдики, ерлар ўзининг ҳақиқий эгаларини топмоқда. Бундай шароитда ерлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш галдаги муҳим вазифалардан саналади. Бироқ «Ергодезкадастр» давлат қўмитаси ва унинг қўйи бўлимлари раҳбарлари ва бошқа мутасаддилари томонидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мониторинглар ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, геодезия ва картография фаолиятини бошқариш, бино-иншоотлар давлат кадастрини юритиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби вазифалар қонун талаблари даражасида бажарилмаганлигини таъкидлашга тўғри келади.

Бугунги кунда ерларнинг сифати ва унумдорлигини сақлаш қишлоқ ҳўжалигидаги долзарб масалалардан биридир. Бу масалага давлатимиз томонидан жиддий эътибор берилётгани бежиз эмас. Аммо республика бўйича умумий сугориладиган 4,3 миллион гектар майдонда вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан ер муносабатларини тартибга солиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган мелиоратив тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги оқибатида Навоий, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида муайян ер майдонларининг шўрланиш даражаси олдинги уч йилга нисбатан кўпайганлиги таъкидлашга ҳолидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Республикада охиригача ўн йилликда 3,2 млн. гектар сугориладиган майдонларнинг сифати ўзгарганлиги оқибатида 1990 йилга нисбатан ернинг балл бонитети Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Тошкент, Наманган, Сирдарё, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 3—12 балла

камайиб кетган. Тупроқни бонитировкалаш ишлари ҳар беш йилда бир марта олиб борилиши мажбурий бўлса-да, фақат Бухоро, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида бу ишлар амалга оширилган, холос.

Ер халқ фаровонлигининг битмас туганмас манбаи сифатида гоёт қадрланади. Ерга хиёнат эса элга хиёнат, унинг ризқини қийиш сифатида баҳоланади. Уни турли қинғир йўللар билан талон-торож қилиш, пора эвазига сотиш, шахсий манфаатни кўзлаб ундан ўзбошимчилик билан фойдаланиш нафақат қонун нуқтаи назардан, балки инсоний нуқтаи назардан баҳолганда ҳам кечирилмас ҳолдир. Айниқса мамлакат қишлоқ ҳўжалиги ривожини таъминлайдиган унумдор, сугориладиган ерларнинг талон-торож қилинишига бефарқ қараб бўлмайди. Афсуски, бундай ҳолатлар ҳамон юз бериб турибди. Мисол учун, 2004-2005 йилларда 628 нафар мансабдор шахслар томонидан 29 минг гектардан ортиқ унумдор ерлар қонунсиз ажратиб берилган. Бу ўз навбатида «Ергодезкадастр» бўлимлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари кўрсатади.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Камашини тумани ҳокими И.Исломов, «Галлакор» ширкат ҳўжалигини тугатиш комиссияси раиси Ш.Рустамов, туман «Ергодезкадастр» бўлими бошлиғи М.Дўстмуродов ва «Ўздаверлоийҳа» институти вилоят бўлими маси муҳандиси Э.Қурбоновлар ўзaro жиноий тил брктириб, 7253 гектар ер майдонини танловга қўймаслик мақсадида лойиҳаларда кўрсатмасдан яшириб қоллишган. Бунинг оқибатида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилди.

Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Ергодезкадастр» бўлими мутахассиси Р.Ҳасанов ҳам қонунни бузишдан қор қилмади. У «Ал-Ҳаким» фермер ҳўжалиги танловда голиб чиққанлиги ҳақида қалбаки баённома тузиб, унга 215 гектар ер майдонни қўшиб бериш тўғрисида қарор лойиҳасини туман ҳокимига тақдим этади. Зарбдор тумани «Ергодезкадастр» бўлими бошлиғи А.Умаров эса мансабини суистеъмол қилиб, 765 гектар ерларни ҳисобтада кўрсатмаганилиги натижасида фермер ҳўжаликлари қонунсиз экинлар экилишига шароит яратиб берган. Албатта, юқоридаги ҳолатлар прокуратура органлари томонидан ўз вақтида фош этилиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар «Ергодезкадастр» бўлими томонидан шаҳар ҳокимининг юридик ва жисмоний шах-

ларга кўчат етиштириш учун 7,5 гектар ер майдонини ижрага ажратиш тўғрисидаги қарорларига асосан ижара шартномалари расмийлаштирилмаганлиги оқибатида маҳаллий бюджетга 26,6 млн. сўм ижара тўловлари тушмасдан қолди. Ушбу ҳолат бўйича ҳам жиноят иши кўзгатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Ўтказилган тадбирларда айрим худудий ер ресурслари ва давлат кадастри хизматлари ходимлари томонидан ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суистеъмолликларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, Тошкент вилояти Чиноз тумани «Ергодезкадастр» бўлими бошлиғи Ж.Худайбергенов фуқаро М.Раши-

довдан қум, шағал қазиб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома бериш учун 1500 АҚШ доллари ва 550 минг сўмини пора сифатида олаётган вақтда ушланди. Ёки Фарғона вилояти «Ергодезкадастр» бошқармаси мутахассиси З.Сайдахмадов, Кува туман бўлими бошлиғи А.Орзиматов ва ўринбосари Х.Эргашевлар фуқаро З.Исмаиловадан 900 минг сўмини ва Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Ергодезкадастр» бўлими бошлиғи М.Сиддиқов фуқаро Ж.Ўлдашевдан 110 минг сўмини ер майдонлари ажратиш эвазига пора сифатида олаётган вақтида қўлга олинди.

Мавжуд маълумотларга кўра 2005 йилда вилоятларда ва Қорақалпоғистон Республикасида жами 1099 гектар сугориладиган экин майдонлари дўқонлар, автомобилларга аниқли қўйиш шахобчалари, бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, аҳолига уй-жой куриш ва бошқа мақсадлар учун бериб юборилган. Баъзи «Ергодезкадастр» бўлимлари мансабдор шахслари хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқиб, ерларни фуқароларга уй-жой, иссиқхоналар куриш ва томорқа сифатида фойдаланиш учун қонунсиз ажратиш йўли билан талон-торож қилишган. Жумладан, Тошкент вилояти Янгийўл тумани «Ергодезкадастр» бўлими бошқармачиси Н.Айтинов мансабини суистеъмол қилиб, фуқаро И.Солиевга 4 гектар ерни иссиқхона, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани «Ергодезкадастр» бўлими мутахассиси О.Мамазияев туман ҳокимининг қарорисиз 5 гектар ер майдонини фуқароларга уй-жой куриш учун асоссиз ажратиб берилишига сабабчи бўлишган.

Бу ҳолатлар аъбодасидан жиноят ишлари кўзгатилиб, айбдорлар жиний жавобгарликка тортилди.

Текиригувлардан сўнг юқорида айтилган ва бошқа бир қатор қонунбузарликларни келтириб чиқарган сабаблар ва бунга имконият яратиб берётган шарт-шароитларни барбарга этиш юзасидан прокурорлар томонидан тегишли қонуний чоралар қўрилмоқда, албатта. Лекин бундай ноҳуш ҳолатларнинг қайта такрорланмаслиги учун жазо муқаррарлигини таъминлашининг ўзигагина кифоя эмас. Бу энг аввало раҳбар ходимлар ва мутасаддиларнинг ўзлари хизмат бурчларини оғишмай бажарилиши, давлат, жамият ва фуқаролар, шунингдек қонун олдидидаги масъулиятини нечоғлик ҳис қилишлари бевоқифа боғлиқдир.

Р.ЖАЙСУНОВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма катта прокурори

Меҳнат Бозори

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар — ширкат ҳўжаликлари ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этилиши ишлаб чиқариш жадал ўсиб ривожланишининг асосларини яратмоқда. Қишлоқдаги мулкдор — фермер маҳсулот таннархини, сарф-харажатларини камайтирган ҳолда, кўпроқ даромад ва фойда олишни кўзлайди. Озроқ куч, меҳнат, маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот етиштириш йўлларида изланади. Деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида янги техника ва технологияларни қўллашга интилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқда кам унумли меҳнатга ёки кўл меҳнатига эҳтиёжни камайтириб, қишлоқ аҳолиси ўртасида ишсизлик муаммосини ўткирлаштиради. Айниқса аҳоли ўта зич яшайдиган Фарғона водийси (дунёдаги аҳоли зичлиги энг юқори минтақалардан бири) вилоятларида бу ижтимоий муаммо ҳозирнинг ўзидаёқ долзарб аҳамият касб этмоқда. Тугатилаётган ширкат ҳўжаликлари ўрнига фермер ҳўжаликлари ташкил қилиш билан бирга боғларнинг қиммати савдоси орқали бевоқифа шу қишлоқда истиқомат қилувчи хонадонларга бир гектардан торттиб ўн гектаргача, майда контурларга бўлиниб сотилиши деҳқон оилаларининг муайян қисмига ўз боғида ишлаб, даромад олиш имкониятини яратмоқда. Бироқ оддий ҳисоб-китоблар фермер ва боғдорчилик ҳўжаликлари ёлланма меҳнатдан фойдаланган, ҳамқишлоқларини ишга жалб этган тақдирда ҳам камида ҳар уч оиладан бири ерсиз — ишсиз қолишини кўрсатапти. Ўн соғих ва ундан ортиқ томорқаси бўлган қишлоқ оиласи томорқасида етиштирган мева-сабзавотларнинг даромади билан йил ўн икки ой ўзини таъминлай олмайдди. Шу тариқа бирон-бир иш топа олмаган фуқаролар шаҳарлардаги ишсизлар қаторига қўшилипти. Шаҳарлар ва туманларнинг марказларида норасмий тарзда меҳнат бозорлари вужудга келапти. Бу меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат биржалари очиш ҳамда меҳнатга эҳтиёж ва таклифининг мамлакат миқёсидаги замонавий ягона ахборот тизимини яратиш муаммони ҳал этиш йўлидаги дастлабки қадамлардандир. Бундай тизимни компьютерлар орқали ахборот алмашиш йўли билан яратиш мумкин.

Мисол тариқасида, агар Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалигидаги фойдаланишга яроқли ерлар ҳар бир деҳқон ҳисобига тахминан 0,4-0,5 гектардан тўғри келса, Сирдарё, Жиззах ёки Қашқадарё вилоятларида 5, 10, 20 гектардан тўғри келиши мумкин. Экин майдонлари кенг, бироқ аҳоли сийрак жойлашган вилоятларда 100 ва ундан ортиқ гектар майдонларда ташкил этилган йирик фермер ҳўжаликларида қўл меҳнатига — (экинларни сугориш, чопиқ ва ҳоказо мавсумий ишларга) эҳтиёж бўлиши табиий. Ягона ахборот тизимидан Меҳнат биржалари норасмий меҳнат бозорларида иш излаётганларга иш берувчи(фермер) ҳамда ёлланма ишчи ўртасида ўзаро манфаатли шартларга асосланган иш ўринларини таклиф қилишга фойдаланилади. Қишлоқ ҳўжалигига эмас, саноат, курилиш ва бошқа тармоқлардаги касб-корлар бўйича турли шаҳар, туман, вилоят ва хориз мамлакатларидаги иш жойларини таклиф қилади. Бунинг учун томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида аниқлик киритиш лозим.

Ҳозирги пайтда меҳнат ва бандлик бошқарма ҳамда бўлимлари назоратида бўлмаган норасмий меҳнат бозорларида иш берувчи ҳамда мавсумий ёки бир маротабалик иш изловчи (мардикор) ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий тартибга солилмаган. Норасмий ўзаро келишув бўйича иш бошлаган фуқаро ҳуқуқ қамолатланмаган. Инсофли иш берувчи аввал бошдаги келишув бўйича иш ҳақини тўлиқ беради. Агар иш берувчи ноинсоф, муштумзўр, муттаҳам бўлса-чи? Албатта, текинга ишлаб берган киши ҳақинини қай йўсинда талаб қилиб олинсин? Меҳнат бозорида, шу жумладан мавсумий ёки бир маротабалик иш тўғрисида ўзаро битим ва келишувларни қонуний йўлга солиш Меҳнат қонунчилигини тақомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Холис, беғараз иш юритадиган, ягона ахборот тизими асосида бир маротабалик, мавсумий, доимий иш ўринларига таклифини йўлга қўйиши ишсизлик муаммосини ҳал этиб боришининг воситаларидандир.

Д.ОГАЙ,
Тошкент Давлат юридик институтининг
талабаси

Саволларга Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори Ш.РАҲИМОВ жавоб беради.

Пулнинг гувоҳномаси бўлиши керак

Мен 1946 йили Россиянинг Самара вилоятида туғилганман. Ота-онам, ака-укаларим Россияда яшади. Мен турмушга чиққангидан сўнг Тошкентга кўчиб келганман. Азар яқин қариндошларимни кўришга борсам, ўзим билан неча АҚШ доллари олиб чиқишим ва қанча долларни бемалол олиб киришим мумкин?

Е.ПОПОВА,
Янгийўл шахри

«Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани ўзбекистон Республикасига олиб кириши ва ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада белгиланган тартибга мувофиқ, агар сиз ўзбекистонда доимий яшаш жойига эга бўлсангиз, яъни резидент сифатида 2000 (икки минг) АҚШ доллари эквивалент миқдор доирасида рухсатнома олмадан, 2000 (икки минг) АҚШ доллари тенг миқдордан ортиқ сумма бўлганда эса ўзбекистон Марказий банки ёки валюталари банкларнинг белгиланган шаклдаги рухсатномасини олгандан сўнг олиб чиқишингиз

мумкин.

Ўзбекистонга нақд хорижий валютани олиб кириш эса барча тоифадаги шахслар учун чекланмаган, лекин уни албатта ёзма декларация қилиш шарт.

5000 АҚШ долларигача миқдордаги нақд хорижий валюта ёки унинг бошқа хорижий валютадаги эквиваленти ўзбекистон божона декларациясини мажбурий тўлдириб билан ўтказилади, 5000 АҚШ доллари эквивалентидан ошадиган миқдордаги нақд хорижий валюта республикамизга божона органлари томонидан ТС-28 шаклдаги гувоҳномани бериш билан киритилади.

Нафақани ким беради?

Мен яқинда фарзандли бўлдим. Лекин болам икки ёшга тўлувча қадар нафақа олишни сўраб қаерга мурожаат этишни билмайман. Чунки маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилганимда, улар студентларга биз тўламаймиз, фақат ишламайдиган оёғларга тўлаймиз дейишди. Шунинг учун ушбу нафақани қаердан олиш ҳақида маълумот берсангиз.

Л.БОЛТАЕВА,
Самарқанд шахри

«Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлувча қадар парвартириш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, ишлаётган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийтган, хизматни ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвартириш қилиш бўйича нафақа иш (ўқиш, хизмат) жойидан тайинланади.

Бундай нафақа тайинлаш учун сиз таълим олаётган ўқув муассасаси маъмуриятининг қарори асос ҳисобланади.

Саволларга Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори У.ЛАТИФОВ жавоб беради.

Зарурий мудофазамми ёки...

Кўчада спиртли ичимлик истеъмол қилгандан сўнг бошланган жанжал аста-секин муштлашуга айланиб кетса ва оқибатда жанжаллашлардан бири орадан саккиз кун ўтгач олган жароҳати туфайли вафот этса, буни эксперт хулосаси ҳам тасдиқласа, айбдор ЖКнинг қайси моддаси билан жавобгарликка тортилиши лозим?

Ф.ТОЖИЕВ,
Хонқа тумани

Ҳар қандай ижтимоий ҳаётда ҳар қандай ҳаракатсизликни Жиноят кодексининг бирор моддаси билан таснифлашдан олдин, жиноят элементлари, содир этилган қилмишнинг мотиви, бунинг ҳуқуқий оқибати ва улар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаштириб олиш зарур. Шу боис мазкур ҳолатлар аниқ бўлмаган сиз тилга олган ҳолат

бўйича, қилмишни тахминий равишда ЖКнинг 97-моддаси 2-хисми «л» банди бўйича безорилик оқибатида, ЖКнинг 98-моддаси бўйича кучли ҳаяжонлиши оқибатида қасддан одам ўлдириш ҳуқуқий оқибати ва улар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаштириб олиш зарур. Шу боис мазкур ҳолатлар аниқ бўлмаган сиз тилга олган ҳолат

Бошингиз оғримагани маъқул

Мен икки йил аввал иссиқ сувга ҳисоблагич ўрнатган эдим. Лекин уйимни таъмирлашни бошлаб юборганман, шу сабабли ҳисоблагични бошқа жойга кўчирмоқчи эдим. Бунда ҳисоблагич лямбдасини бузмаган ҳолда бошқа жойга кўчирсам бўлаверадими?

Ушбу ҳисоблагич ўта тузланб кетганини бос парраги айланмай қолган бўлса, унинг лямбдасини бузиб ўзим таъмирлаб яна жойига қўйиб қўйсам бўладими?

Д.ЖАББОРОВ,
Тошкент шахри Собир Раҳимов тумани

Ҳисоблагични ўзингиз ҳам бошқа жойга кўчириб, тузатсангиз бўлади, лекин яхшиси буни иссиқлик таъминоти ташкилоти ходими иштирокида амалга оширишингиз маъқул. Чунки Ва-зирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги қарори билан тасдиқланган иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларида

белгиланишича, бундай приборларни бошқа жойга ўрнатиш ва бўшатиб олиш фақат иссиқлик таъминоти ташкилоти ҳисобидан ва унинг ходими томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Қолаверса, бундай приборлар бузилганлиги ёки уларнинг кўрсаткичлари тўғрилиги юзаси-

дан шубҳа туғилган тақдирда уни тузатишдан олдин иссиқлик энергиясининг кўрсаткичларини қайд этган ҳолда бу ҳақда иссиқлик таъминоти ташкилотига дарҳол маълум қилишингиз лозим.

Приборни таъмирлаш даври мобайнида иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқлик таъминоти ташкилоти томонидан охириги уч сутка учун ўртача суткалик сарф бўйича, бироқ прибор тўхташидан олдинги 15 суткадан ортиқ бўлмаган вақт учун, прибор 15 суткадан ортиқ ишламай қолган тақдирда эса шартномавий юклама бўйича амалга оширилади.

Қадрдон ишхона

Мен йигирма икки йил давомида бир корхонада дастлаб ҳисобчи, газначи, бош ҳисобчи лавозимларида ишлаб, эски ишчилардан фақат бир ўзим қолдим. Пенсияга чиқишим учун атиси олти йил қолади. Лекин оилавий шароит туфайли бошқа жойга кўчиб кетишимиз зарур. Шу сабабли бошқарувимизга ишдан бўшатилиши сўраб кирсам, яна бир йил ишлаб беришни талаб қилаяпти. Мен жон деб ишлаб берадими, алмо шароити бунга йўл қўймайди. Шунинг учун бошқарувимизга ишдан бўшатилганда, қонунчи бузмаган ҳолда қандай қилиб ишдан кетсам бўлади?

Р.ЭШМАТОВА,
Тошкент шахри Миробод тумани

Бундай ҳолатда сиз Меҳнат кодексининг 99-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишингиз мумкин. Бунда иш берувчи меҳнат шартномасини сиз илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак. Агар илтимосингиз қаноатлантирилмаса, иш берувчи билан қандай шартнома тўзган бўлишингиздан (муддатли, номуайян) қатъи назар, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, огоҳлантириш муддати тугаши билан ишни тўхтатишга ҳақли бўласиз. Иш берувчи эса сизга меҳнат дафтарчасини бериши ва тўла ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ҳам ишни давом эттирсангиз, унда меҳнат шартномасини мазкур моддага кўра бекор қилиш мумкин бўлмайди.

Компенсацияни қаердан оламан?

Мен ўттиз уч йил ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб, тўрт йилдирки, нафақадаман. Имтиёзли тоифага кирганлигим сабабли уй-жой коммунал хизмат ҳақларини тўлашда компенсация оламан.

Яқинда мактабимизда бир ўқитувчи бошқа шахарга кўчиб кетганига ва ўқитувчи етимишганлиги учун яна ишга қайтишга тўғри келди. Бундай ҳолатда менга тўланаётган компенсация пулини қаердан оламан?

Агар компенсация олишга ҳақли бўлган фуқаро бир вақтнинг ўзига бир неча жойда ишласа, бундай тўлов қаердан берилади?

Агар фуқаро компенсация бериш тўғрисидаги тартибга мувофиқ бир вақтнинг ўзига иккита имтиёзли тоифага эга бўлса, у ҳар иккала тоифа бўйича пул олишга ҳақлими?

З.РАИМОВА,
Ўзбекистон тумани

Компенсация ҳар ойда корхона, муассаса, ташкилот штатида турган ҳар бир ходимга (жумладан, ишловчи пенсионерларга) иш жойида, ишламайдиган пенсионерларга ва нафақа оладиган болалиқдан ногиронларга ҳамда нафақа оладиган, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, меҳнатга қобилиятсиз кекса фуқароларга пенсия олиш жойида тўланади.

Ўриндошлик тартибида бир неча жойда ишлайдиган шахсларга эса компенсация асосий иш жойида тўланади.

Бир неча асосга кўра компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларни танлаш бўйича энг кўп миқдорда битта компенсация тўланади.

Мухр қандай бўлиши керак?

Ўзбекистоннинг герби давлат рамзларидан бири ҳисобланади. Лекин шима учун мазкур рамздан хусусий фирма ёки кичик корхоналар ўз мухрларида фойдалана олмайдилар?

О.ПАРПИЕВ,
Фарғона шахри

Чунки амалдаги қонун ҳужжатларига биноан давлат герби тасвиридан муҳрда фойдаланиш ҳуқуқига фақатгина давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари эгадир.

«Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низом талабига кўра, Ўзбекистон герби тасвирланган муҳрдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари фақат уларнинг тегишли таркибий

бўлиммасига қонун ҳужжатларига биноан ана шундай ҳуқуқ берилган ҳоллардагина Ўзбекистон герби тасвирланган таркибий муҳрлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Жамоат ташкилотлари, шуниқандек, мулкчиликнинг нодавлат ва аралаш шаклларига асосланган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг давлат герби тасвирланган муҳрни ишлатишлари таъқиқланади. Шу боис хусусий фирма ва кичик корхоналар ўз номини туширилган муҳрдан фойдаланадилар.

Имтиҳон қаерда бўлади?

Мен 2002 йили ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, айни пайтда адвокатлик қилиб келмоқдам. Иш даврида амалдаги қонунчилик нормаларидан фойдаланиш даврида баъзан айрим нормаларнинг бузунги кун талабига жавоб бермаслигига дуч келаман. Шу боис ана шу жиҳатлар юзасидан номзодлик диссертациясини ёқламоқчиман. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун қайси фанлардан имтиҳон топшириш керак ва у қаерда топширилади?

З.ЖУРАЕВ,
Тошкент тумани

Ўзбекистон фуқаролари учун номзодлик имтиҳонлари фалсафа, миллий истиқлол госяси ва фан методологияси, чет тили, информатсион технологиялар асослари ҳамда диссертация мавзусига мувофиқ ихтисослик фанидан ўтказилади. Ушбу имтиҳонлар етакчи олий ўқув юртилари ёки илмий тадқиқот институтлари ишлаб чиққан ҳамда Олий аттестация комиссияси маъқуллаган

дастурлар асосида топширилади. Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2004 йил 25 мартдаги қарори билан тасдиқланган номзодлик имтиҳонларини ўтказиш тўғрисидаги низомга кўра, номзодлик имтиҳонлари, жумладан махсус номзодлик имтиҳонлари аспирантураси мавжуд бўлган олий ўқув юртиларида ва илмий тадқиқот муассасаларида топширилади.

Қайси стаж тўғри?

Мен нефт-газ саноати тиривчида ўттиз етти йил меҳнат қилдим. Шундан ўттиз йил НГРС ОТАЖга тўғри келади. НГРС ОТАЖнинг айни пайтда амал қилувчи 2.1.6.23. пунктда «Ходим нафақага чиқиш муносабати билан ишдан кетмаётганда, у тармоқда ишлаган ҳар бир йили учун умумий иш

ҳақи ҳисобидан 20 фоиз миқдорда бир йўла рағбатлантирилади» дейилади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур пунктда қайси иш даври назарда тутиляпти — нефт-газ саноати тизимиданги 37 йилми ёки бевосита НГРС ОТАЖдаги 30 йилми?

И.ҚОБИЛОВ,
Когон тумани

Агар сиз айни пайтда ишлаётган НГРС ОТАЖ нефт-газ саноатининг таркибий тармоғи ҳисобланса, демек жамоа шартномасида назарда тутилган мuddага мувофиқ ходимни рағбатлантиришда ана шу тизимдаги умумий меҳнат фаолиятингиз эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятдан

Жорий йилнинг I чорагида тезкор-қидирув ҳамда махсус тадбирлар давомида солиқ ва валютага оид 919 та жиноят ва 713 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилиб, қонунбузарлардан 1,5 млрд. сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 13,9 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар аниқланиб, уларнинг 13,4 млрд. сўми бюджетга ундирилди.

Шунинг билан бир қаторда валютага оид 162 та қонунбузарликлар аниқланиб, ноқонуний муомалага киритилган 123,5 минг АҚШ доллари,

нидан талон-тарож қилинган. Натихада компания юқоридида кўрсатилган «Пахтаसानот» бирлашмасининг корхоналаридан 1,2 млрд. сўм қарздор бўлиб қолган.

Айрим корхона мансабдорлари эса харидоригр махсуслотларни ички бозорларда сотиб, банкдан ташқари ноқонуний пул айланмаларини амалга ошириш, объектларни солиқ солишдан қасддан яшириш ва солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, бажарилмаган ишлар ва хизматлар учун қалбаки ҳужжатлар тузиб, маблағларни талон-тарож қилиш ҳамда ўзлаштириш ҳолатлари билан шуғулланиб келган.

рар етказилиб, маблағлар мансабдор шахслар томонидан

моқда. Жумладан, Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда олиб кирилиши ва савдога чиқарилиши билан боғлиқ 451 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 859,2 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган.

Ўтказилган тезкор тадбир натижасида Тошкент тумани, Рамазон кўчаси, 8-уйда яшовчи фуқаро Х.Хамидова номаълум шахслар билан олдиндан келишиб, чет элда ишлаб чиқарилган 26,1 млн. сўмлик 24 турдаги озиқ-овқат ва бошқа махсуслотларни божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали олиб келганлиги аниқланган. Шунингдек, Рамазон кўчаси 6-уйда яшовчи фуқаро М.Абдуҷалилова эса шу турдаги 10,5 млн. сўмлик махсуслотлар ва кир ювчи воситаларини сотиш мақсадида ўз уйда сақлаб келаётганлиги аниқланди.

Валютага оид қонунбузарликларни аниқлашга қаратилган махсус тадбирлар натижасида «Фаллабанк»нинг Сирдарё вилоят минтақавий филиали собиқ бошқарувчиси

Ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий янада эркинлаштириш жараёнида содир этилаётган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, нақд пул ва валюта маблағларини ноқонуний айланишига чек қўйиш, «яширин» иқтисодий манбаларини фош этиш ҳамда давлатга етказилган иқтисодий зарарларни ундириш мақсадида Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

ИҚТИСОДИЙ барқарорлик сари

49,4 минг Россия рубли, 66,4 млн. сўм ҳамда бошқа валюталар олиб қўйилди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, банкдан ташқари пул маблағларининг айланмалари миқдори ҳамон юқориликда сақланиб турибди. Текширишлар давомида 25,6 млрд. сўм миқдорда ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланган.

Фуқароларга солиқ сиёсати моҳиятини тушунириш ишлари ҳамда жиддий эътибор қаратилиб, ўтказилган 7656 та тадбирлар натижасида солиқ тўловчилар томонидан бюджетга 2,9 млрд. сўмлик солиқ ва тўловлар ихтиёрий равишда тўланди.

Бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида солиқ ва молияга оид қонун талабларини бузиш, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини асосиз қиммат нархда сотиб олиш ҳамда тўлов интизомини қўпол равишда бузиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, «Фаргонапахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси «СОТОН EXPORT» компаниясига умумий қиймати 669,6 млн. сўм бўлган 794,3 тонна пахта толаси ва 39,8 тонна пахта чқиндисини олдиндан тўловсиз 140,3 млн. сўмга сотган. Текширишда компаниянинг олдинги билан қўшиб ҳисобланган қарзининг 200 млн. сўми Наманган вилоятидаги «Гулбоғ» пахта тозалаш завоидига эътир қисмлари топширилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар асосида ва уч томонлама тузилган шартномага мувофиқ урғулик учун ажратилган транш маблағлари ижобидан ноқонуний ёпилганлиги аниқланди.

Шунингдек, «СОТОН EXPORT» компанияси томонидан Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Андижон вилоят «Пахтаसानот» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан олинган пахта ва пахта толаси эвазига реал баҳоларидан анча қиммат нархларда эҳтиёт қисмлар ўтказилгани натижасида корхоналарга жами 538,6 млн. сўм за-

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида ўтказилган тадбир натижасида фуқаро Д.Собиров «Нигора-савдо» ҳусусий фирмасининг 3,8 млн. сўмлик божиманда қарзларини қасддан тўламаслик учун «Нигора-савдо» ХФни ҳисоб рақами орқали пул ўтказиш операцияларини амалга оширмасдан ҳамда ўз маблағларини яшириш мақсадида қалбаки ҳужжатлар асосида «Мохиноур-савдо» ҳусусий фирмасини ташкил қилганлиги аниқланди. Яна у чакана савдо гувоҳномасига эга бўлмагани ҳолда пул ўтказиш йўли билан сотиб олган 147,9 млн. сўмлик махсуслотларни нақд пулга сотиб, савдо пулларини назорат касаси машинасидан ўтказмаганлиги маълум бўлди.

Жиззах вилоят Дўстлик туман «Вилорек Ихтеран ШТ» ХФ мансабдорлари эса улгуржи савдо гувоҳномасини олиш мақсадида «Навоий» МФЙ раиси Б.Эшматов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, мазкур фирма «Навоий» МФЙ ҳудудидида жойлашганлиги тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни туман ҳокимлигига тақдим қилишган. Натихада фирма улгуржи савдо гувоҳномасини олиб, 601,4 млн. сўмлик савдонга амалга оширади. Бу ҳам етмагандек савдо пулларини банкка топширмасдан 10,2 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмаганлар. «Асака банк»нинг Жиззах вилояти бўлими мансабдорлари эса бу ҳақда тегишли идораларга хабар бермасдан, фирманинг жиноий фаолияти давом эттирилишига йўл қўйиб беришган.

Ҳеч кимга сир эмаски, республикамизга контрабанда товарларининг кириб келиши ва муомалага киритилиши иқтисодий тизим ривожига салбий таъсир қилиб, маҳаллий ишлаб чиқаришга путур етказди. Департамент ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофазат қилиш органлари билан ҳамкорликда бу турдаги ноқонуний ишларга қарши кескин кураш олиб бор-

Ш.Равшанов, валюта айрибошлаш шабоҳчаси назоратчиси Н.Аҳмеджонов ва газначи Д.Суюнжидовлар фуқаро И.Каримовга 3500 АҚШ долларини сотилганлиги ҳақида ҳужжат тайёрлашиб, аслида ушбу пулларни ўзлари олганлиги аниқланган. Мазкур банкнинг амалиёт бўлими бошлиғи М.Муртозаев ҳам бир неча ходимлар билан 3 нафар фуқароларга жами 14300 АҚШ доллари сотилганлиги ҳақида сохта маълумотна расмийлаштириб, аслида ушбу пулларни «қора бозор» орқали сотиб юборганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъектларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш мақсадида қўлга тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика ҳудудидида 165 та яширин чехлар жойлашган оморхонада ҳусусий тадбиркорлар И.Ирисбоев ва К.Тожибоевлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз, Хитойда ишлаб чиқарилган чой махсуслотларини «Тошкент чой ХТ И.Ю.Ирисбоев» ва «Ақбар чой ХТ К.Ф.Тожибоев» марказлари билан қадқоқлаш ва сотиш билан шуғулланиб келишгани аниқланди. Улардан 2,9 млн. сўмлик 480 кг. чой хом ашёси, 4,4 минг қўти қадқоқланган чой, 28,7 минг дона бўш чой қўтилар, «Тошкент тиа фактори» ёзуви 128 дона бўш қоробкалар ва 8 дона чой қадқоқлаш мосламалари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Тошкент туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Келес шаҳарчаси, Фалаба кўчаси 4-уйда жойлашган оморхонада ҳусусий тадбиркорлар И.Ирисбоев ва К.Тожибоевлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз, Хитойда ишлаб чиқарилган чой махсуслотларини «Тошкент чой ХТ И.Ю.Ирисбоев» ва «Ақбар чой ХТ К.Ф.Тожибоев» марказлари билан қадқоқлаш ва сотиш билан шуғулланиб келишгани аниқланди. Улардан 2,9 млн. сўмлик 480 кг. чой хом ашёси, 4,4 минг қўти қадқоқланган чой, 28,7 минг дона бўш чой қўтилар, «Тошкент тиа фактори» ёзуви 128 дона бўш қоробкалар ва 8 дона чой қадқоқлаш мосламалари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ваҳобжон КАРИМОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК департаменти бошқарма бошлиғи

Ўринбосарнинг қилмишлари

Ғулмуҳоммад Тўйчиев ҳокимнинг ўринбосари бўлди-ю, ўзгариб қолди. Хоҳлаганини қилсам бўлаверади, деб ўйлади чоғи, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига зид иш тутта бошлади. Айрим учар тадбиркорларга сохта ҳужжатлар эвазига улгуржи савдо қилуш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома чиқартириб беришга эришди. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридида келтирилган қарорига тааллуқли низомада, улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш учун рўйхатдан ўтган ҳусусий фирма энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баробари, яъни 30 млн. 38 минг сўмлик умумий мулк, шундан 10 млн. сўмлик низома жамғармасига эга бўлиши кераклиги кўзда тутилган.

— Ташвиш тортманг, тўрилаймиз, — деди Ф.Тўйчиев. «Строй-сервис» фирмаси бошлиғи Д.Рожиевга, — Улимдан бошқасининг иложини топса бўлади.

Хуллас банкдаги ҳисоб рақамида старли маблағи ва моддий техника базаси бўлмаган мазкур фирма раҳбари осонгина улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани қўлга киритди. Қандай қилиб дейсизми?

Ф.Тўйчиев, Д.Рожиев ва фирма ҳисобчиси Т.Яқубовлар ўзаро келишилган ҳолда Ёзёнов туманидаги ХМҚК-81 ташкилот оморини ижарага олиш тўғрисида шартнома тузишди. 2004 йил 10 феврал кuni тузилган бу шартномага мувофиқ фирманинг 33 млн. 269 минг сўмлик асосий воситалари борлиги тўғрисида сохта ҳисобот тайёрлашди. Шу қалбаки ҳужжатга асосан Ф.Тўйчиев Д.Рожиевга 15-сонли қалбаки гувоҳномани ёзиб, имзоси ва ҳокимлик муҳри билан тасдиқлаб берган.

Д.Рожиев ва Т.Яқубовлар сохта гувоҳнома билан 2005 йил иккинчи ойга қадар жуда кўп миқдорда товар айланмасини амалга оширишди-ю, лекин бу ҳақда солиқ идорасига ҳисобот тақдим эттирмади. Натихада 13349,1 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашди.

Худди шу йўсинда 2004 йил 11 ноябр кuni «Шажри Кабир» ҳусусий корхонасига улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи иккита гувоҳнома берилди. Корхона бошлиғи Хуршид Сайфуддинов номига ёзилган 573-сонли гувоҳномага туман ҳокими, акиси Ғайрат Сайфуддинов номига ёзилган 34-сонли гувоҳнома ҳамон ўринбосари бўлмиш Ф.Тўйчиев имзо чеккан. Аслида бу иккала ноқонуний гувоҳномаларни тайёрлашда корхона раҳбарига йўл-йўриқ кўрсатган ҳам Ф.Тўйчиев эди. Жумладан, улар тумандаги «Намуна» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Х.Мусаевни илтириштириб, баланс қиймати 43854 сўмлик бўлган оморнинг нархини 8 млн. сўм қилиб белгилашди. Кейин шу оморни «Шажри Кабир» ҳусусий корхонаси балансига вақтинчалик ўтказиб бериш ҳақида ижара шартномасини тузишди. Лекин бу ҳаммаси эмасди. Фирманинг «Фаллабанк»нинг Қўқон шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига О.Расуловга қарашли «Бағдод Бест Бюлдер» ҳусусий фирмасидан «Қурилиш моллари учун» деб 9,5 миллион сўм ўтказилди. Банкдан «Шажри Кабир» ҳусусий фирмаси ҳисобида шунча пул борлиги ҳақидаги маълумотномани олиб, пул яна эгасига қайтариб юборилди. Бир эмас, иккита гувоҳномани қўлга киритган ака-ука Сайфуддиновлар корхонани қўқонлик А.Етмишбоевга беришди. Бу кимса 2005 йил март, апрел, май ойларида 34-сонли сохта гувоҳнома билан 1 млрд. 281,7 млн. 287,7 минг сўмлик товар ва банк айланмасини амалга оширади.

Ф.Тўйчиев раҳбарлик қиладиган иқтисодий бўлими мутахассиси Э.Ниезов ҳам ушбу рақамдаги бошлиғидан қўшимайди. У бошлиғига сохта ҳужжатлар тайёрлашда сийқилдидан қўмақлашди. Натихада «Собита-Қўқон», «Илмият нури», «Диёрим саодати» сингари МЧЖ раҳбарлари ҳам улгуржи савдо фаолияти юритиш гувоҳномасини қўлга киритишди.

Ўринбосарнинг «ўйинлари» ҳақида яна қўпball данилар келтириш мумкин. Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг шу йил 16 январ кuni бўлиб ўтган мажлисида Ф.Тўйчиев барча қинғир ишларига иқдор бўлиб, енгиллик беришларини сўради. Олий Мақдд Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори 5-бандига кўра жиноят ишнини тутатиш ҳақида аярим чиқарилади.

Кимдир «ўринбосар осонгина қўтилибди», дейиши мумкин. Лекин раҳбар кишининг айбдор сифатида суднинг қора қурсисиди ўтириб, эл назаридан қолиши, халқ нафратига учраши қатта жазо эмасми?

У.ҲОШИМОВ,
Бағдод туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖҚК бўлими сурштирувчиси
Х.ЖўРАБОВ,
журналист

Саҳифа материаллари СВОЖҚК департаментининг матбуот гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрланди.

ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

— Баҳром ака, 2006 йилнинг биринчи чораги ҳам низоҳатда етди. Таҳлиллар ҳақида нима дея olasиз?

— Ҳа, бизнинг фарзандимиз. Ҳар бири-миш шу юртининг келажаги учун меҳнат қилишимиз керак. Мақсадимиз халқнинг фаровонлигини ошириш учун хизмат қилиш. Пенсиялар нафақасини, ўқитувчи, врач кўйинги барча фуқаролар машиноси ўз вақтида олиши кўпроқ бизга боғлиқ. Бу борада нақд пул муаммосини ҳал қилиш, солиқларнинг ўз вақтида давлат хазинасига тушиши муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, барча тадбиркорлар ҳам солиқларни вақтида тўлаб бормайди. Таҳлилларга тўхтаганим бўлсам, солиқ ва валютага оид қонун ҳамда қарорлар талабларининг бузилиши билан боғлиқ 98 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, бюджетта 183.561.700 сўмлик солиқ ва мажбу-

ни алдаб пул топмоқчи бўлади. Бу йўлнинг охири вой эканлигини уларга юзма-юз мулоқотларда кўп тушунтиряптим. Бу борадаги ишларимиз самара бераётти. Йилнинг биринчи чорагида 450.175.000 сўмлик солиқларнинг ихтиёрий тўланишига эришилди.



олган? Мисоллардан кўришиб турибдики, валютафурушлик ҳам «занжир»ли операцияни эслатади.

— Бозорларимизда сифатсиз маҳсулотлар камайяпти. Шу товарлар хорижий ўзидан ўтмаган матоҳлар эканлигига шак-шубҳа бўлмаса керак.

— Галингиз тўғри. Ўзбекистон харитасига назар соладиган бўлсак, Навоий вилояти 110.800 км² майдонни эгаллаган. Вилоятимизни темирйўл ва автомобил йўли қўшни давлатлар билан боғлайди. Бу тадбиркорлар учун катта имконият.

Ҳақиқатан ҳам бозорларимизга сифатсиз маҳсулотлар кириб келиши тўхтамайпти. Йилнинг биринчи чорагида худудимизга ноқонуний йўллар билан кириб келган товарларни аниқлаб борасида ўтказилган тезкор тадбирларда ҳуқуқбузарлардан

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бошқармаси бошлиғи Баҳром ЁҚУБОВ билан сўхбат

рий тўловлар ҳисобланган. Шундан 27.556.800 сўми ундирилди. Ачинарлиси, баъзи кимсалар пул топиш учун ҳеч бир жиноятдан қайтмаётти. Жумладан, навоийлик Ж.Ғайбуллаев 45 гектар ерни олиш учун «Навоий» ширкатини тугатиб фермер ҳужжалиқларига айланган комиссияга ўзининг мажбуриятини 25.006.800 сўм маблағи мавжудлиги ҳақида сохта ҳужжат тақдим қилган. Комиссия аъзолари эса Ж.Ғайбуллаевнинг ҳужжатларини тўлиқ ўрганмай, 45 гектар ерни бериб юборган.

— Ҳуқуқбузарнинг қонун олдида жавоб бериши таян. Ҳуқуқ ҳалқимизда касалини даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул деган га бор.

— Фикрингизга қўшилиман. Ҳар бир инсон виждонига хиёнат қилмаслиги лозим. Хизмат юзасидан ҳар кўни кўп тадбиркорлар билан сўхбатлашаман. Имон даражасида ҳужжатдан ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Кўпчилиги ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади. Лекин зиммасидаги бурчини унутиб қўйишлари. Нисф йўлга кирганлари эса давлатни, одамлар-

— Кейинги пайтларда бозорларда, газ-жум кўчаларда валютафурушлар яна кўпайди. Сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Сабабсиз оқибат бўлмайди деган фалсафанинг олтин қондаси бор. Валюта билан боғлиқ жиноятлар таҳлил қилинса, уларнинг илдизи кўп ҳолларда баъзи валюта алмаштириш шаҳобчаларидаги олоқ кимсаларга бориб тақалади. Жумладан, «Тадбиркорбанк»нинг Навоий вилоят бошқармасига қарашли валюта алмаштириш шаҳобчасида назоратчи бўлиб ишловчи Ф.Соибова шаҳобча кассири И.Бозорова билан тил бириктириб фуқаро Ж.Жўраевнинг номига сохта ҳужжатлар тайёрлаб, 6000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда олиб сотиб юборган. Қонунбузарлар судда қилмишларига яраша жазосини олди.

Газетхонларга тушунари бўлиши учун яна бир мисолни келтирмакчиман. Валютафуруш А.Соипов фуқаро О.Хайруллаевага Навоий шаҳар Садриддин Айний кўчасида 1600 долларни сотаётганда ушланди. Ҳўш, А.Соипов долларни қаердан, қай йўсинда

12.200.000 сўмлик товарлар олиб қўйилди. Спиртли ичимликларни ноқонуний равишда республикамизга олиб кириш ҳолатлари бўйича 29 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Чегара худуди қанча катта бўлса назорат қилиш қийин кечади. Яқинда жиноят ишлари бўйича Учқудук туман суди тадбиркор Ш.Ёдгорованинг фаолиятига баҳо берди. У хорижда ишлаб чиқарилган, божжона ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган 2.102.000 сўмлик маҳсулотларни қонунга зид равишда сотаётганда Учқудук туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими ходимлари томонидан ушланган. Бундайларга ҳужжатсиз товарларни қўштирноқ ичиндаги тадбиркорлар олиб келиб беради. Арзон-гаровга олинган маҳсулот учун на солиқ тўланади, на мажбурий тўловлар.

Ҳуфияна иқтисодиётнинг шаклланишига, нақд пулнинг банкдан ташқари ноқонуний айланишига, кредит ва бюджет маблағларининг талон-тароҳ қилинишига йўл қўйган ва шароит яратиб бераётган ҳокимият, банк ва назорат органларининг мансабдорларига нисбатан жорий йилда 4 та жиноят иши кўзгатилади. Улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беради.

«Huquq» мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ сўхбатлашди

«Ватанпарвар»ни йўлдан урани

Руслан фирма очиб, пул топаётган танишларига ҳавас қилиб «мен ҳам фирма очиб уларга ўхшаб бой-бадавлат қиламан» дея «Давр тараққиёти» корхонасини очди. Бироз югуриб корхонасини ҳокимликдан рўйхатдан ҳам ўтказди. Мухрми қўлга киритгач, бир таниши унга «қурилиш билан шуғуллансанг жарак-жарак пул толасан» дея маслаҳат берди.

Таниш-билишлари орқали республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Навоий автомобил мактабида қурилиш ишлари борлигини аниқлаб, шу ташкилот раҳбари Насриддин Расуловга учрашди.

Иш ҳамирдан қил суғургандек битди. Н.Расулов ҳам пул деса муқкасидан кетадиганлардан экан. Гап гапга қовушиб, икки томонлама шартнома имзоланди. Ҳисоб-рақамига пул тушганидан сўнг Руслан уни қандай нақдлаштириши йўлини ўйлаб бошлади.

Бажарилмаган 2.061.900 сўмлик ишларни қўшиб ёзиб, олинган маблағни чўнтакка урди. Бу ҳам етмагандай бюджетга тўланиши лозим бўлган 1.350.900 сўмлик солиқларни тўламай юрди. Чўнтак кун сайин қап-пая бошлади. Бундан Н.Расулов ҳам бебаҳра қолмади, албатта. Руслан ишимни ҳеч ким билмайди деб ўйлаганди. «Ватанпарвар»нинг Навоий вилоят филиали фаолияти ўрганилганда ташкилот раҳбарининг «Давр тараққиёти» билан қандай «хамкорлик» қилгани маълум бўлиб қолди. Уларнинг қилмиши судда қўрилиб, айбдорлар қонуний жазога тортилди.

Кейинги пайтда кўпгина ташкилот раҳбарлари қурилиш ишларини бажарадиган ташкилотлар билан шартнома тузиб бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпти. Бундай қонунбузарларга айтар сўзимиз бор. Бугун бўлмаса эртага албатта ноқонуний ишингиз фош этилади.

Ҳ.КЕНЖАЕВ, Навоий шаҳар прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими бошлигининг ўринбосари

Кармана туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими солиқ инспекцияси ва вилоят МХХ, ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича рейдлар ўтказиб туради.

Рейддан кейин...

Яқинда «Навоий ИЭС» ИПХ постида яна бир рейд ўтказилди. Тадбирда «Навоий-Бухоро» йўналиши бўйича Саттор Иброҳимов бошқариб бораётган 20 Е 0121 рақамли «Нексия» машинаси тўхтатилиб, салони ва юкхонаси кўздан кечирилганда С.Иброҳимов ва турмуш ўртоғи М.Турсунованинг ёнида 22.026.600 сўмлик қимматбаҳо заргарлик буюмлари, битта қимматбаҳо буюмларни ўлчаётган «Танита» тарозиси ҳамда 750.000 сўм пул борлиги аниқланди. М.Турсунова улардан бир қисmini таниши, Кармана тумани Иброҳим Мўминов кўчаси 42-хонадонда яшовчи Ҳушандом Муқимовга сотиб келаётган экан.

Ушбу ҳолат юзасидан Кармана туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими томонидан М.Турсуновага нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича туман суди М.Турсуновага тегишли 16.345.700 сўмлик заргарлик буюмларини мусодара қилиб, 18.800 сўм жарима солди.

Навбатдаги рейд ҳам самара берди. Туман худудида жойлашган «Навоий-Самарқанд» ИПХ постида ўтказилган яна бир тадбирда Б.Сафаров бошқариб бораётган 20 К 8968 рақамли «Мерседес-бенц» автобуси тўхтатилди. Автобус салони кўздан кечирилганда унда тадбиркор Б.Сафаров хорижда ишлаб чиқарилган, божжона ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган 3.570.000 сўмлик 1700 кг. товۇқ ўштирни Ғўждувон туман бозорида сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқланиб, маҳсулот далилини ашё сифатида олиб қўйилди.

Сўнгги сўз ўрнида шунини айтмоқчимизки, кимки қонунга зид ҳаракат қилса қилмишига яраша жазоланади. Топган бойлигидан ҳам ажраллади. Бунга юқоридagi «тадбиркор»ларнинг тақдирини мисол бўла олади.

А.ҲАМРОЕВ, Кармана туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими бошлиғи

— Менда зўр фикр тугилди. Ана шу ишни қилсак, сен ҳам, мен ҳам пулга зорикмаймиз. «Матиз» ҳам, ховли ҳам бўлади — деди Қизилтепа туманидаги «Қизилқум» шўъбаси корхонаси раҳбари Жўрабек Холиқов эски қадрдони «Дилором» савдо дўкони сотувчиси Бахтиёр Нуровга.

— Яхши яшаш учун бўлса бош устига. Кейин «ҳиди» чиқмаса бўлди.

— Галингиз ўғил боласи «Галла банк»

30 млн. сўмлик «ўйин»

дан кредит оламиз. Фақат сенинг номингга. Ҳамма ишларни ўзим қиламан. Банк-дагилар билан ўзим гап-лашаман.

— Қандай қилиб?

— Тovuққи етти хазинанинг бири дейишди. Паррандчилик фабрикаси очамиз. Барча муаммони ўзим ҳал қиламан. Қолаверса, бу соҳани суз қилиб юборган-



ман. Сен мен айтган қозғаларга имзо қўйсанг бас.

У 2003 йилларда «Қизилтепа» АЖда раҳбар бўлиб соҳанинг ҳадисини олганди.

Б.Нуров қадрдони Жўрабекиннинг гапларига ишонди. Бир-биримизни яхши билмиш, мени боши берк кўчага тикмас деб ўйлади.

Туманда Ж.Холиқовнинг обрўси баланд эди. У Бахтиёрнинг розилигини ол-

ган, «Галлабанк»нинг вилоят бўлимидагилар билан тезда тил топишди. Кўп ўтмай банк томонидан 30 миллион сўм кредит маблағи Б.Нуров номидаги «Тинч саёхат» шўъба корхонаси ҳисобига ўтказиб берилди. Гаровга эса «Қизилтепа парранда» АЖнинг товўхоналари қўйилди. Бу ишларни Ж.Холиқов қойилмақом қилиб ўддалади. Аслида 30 миллионлик кредитга Жўрабек ҳўжайинлик қиларди. Банкдаги операцияларга имзони эса Бахтиёр Нуров қўярди.

Ж.Холиқов кредит бировнинг номига олинган бўлса, менга нима қабилда ишни бошлаб юборди. Шу тахлит Жўрабек амалга оширган банк операцияларидан Бахтиёр бехабар қолаверди. Жўрабек эса кредит маблағини энг бозор-бом маҳсулотларга ўтказиб, сотувдан тушган нақд пулни чўнтакка уриб юраверди. Уша пайтда Б.Нуров Ж.Хо-

лиқовга тегишли «Дилором» озиқ-овқат дўконида ишларди. У рўзгорининг яхши ўтаётганидан хурсанд бўлиб М.Холиқов берган ҳужжатларга имзо қўйишдан тўхтамади. Озроқ шўбхаланиб қолган пайти эса «Имзони қўяверинг. Мен болман. Ҳеч ким ичмамайди», дея Бахтиёрни тинчлантирарди.

Ойлар ўтсаки, банкка қайтарилиши керак бўлган маблағ келиб тушмади. Банк раҳбарлари миждоздан кредитни

36 фоизли устамаси билан қайтаришни талаб қил бошлади. Лекин Ж.Холиқов кредит устамаси у ёкда турсин, ҳатто кредитнинг ўзини қайтаришини ҳам хоҳламаса, аллақачон маблағларнинг анчагина қисми совуриб бўлинганди. Ишнинг тесқари айланганини сезган банк ходимлари тегишли орган ходимларига мурожаат қилди. Ҳамма сир фош бўлди. Айбдорлар эса қилмишларига яраша судда жазосини олди. Олинган 30 млн. сўмлик маблағ тўлиқ қопланди. Ажабланирлиси, банкдан кредит беришда уларга «ҳомий»лик қилган кимсалар ўз виждонларига хиёнат қилмаганларидан бу воқеа содир бўлмас эди. Берилган кредитни ундиршиш учун ўнлаб одамларнинг вақти бехудага сарфланмасди. Балки, 30 миллионлик кредит ҳалол тадбиркорга берилганда савобли бир иш қилинган, банк ҳам, миждоз ҳам фойда кўрган бўлармиди?

Р.ЖАББОРОВ, Қизилтепа туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖК бўлими бошлиғи

Республика Бош прокуратураси Жиноятларни тергов қилиш бошқармаси фаолиятдан

Бир замонлар юртимизда меҳмон бўлган ажнабий ўз эсдаликларидан икки ўзбекнинг талашиб қолгани ҳақида шундай ёзган экан: «Бу биз овўрпалликларга галати тушар, лекин буни мен ҳаяжонланмай ёзолмайман: ўша икки ўзбек мени, яъни хоржиклик сайёҳни ўз уйда меҳмон қилиш учун бир-бири билан талашаётган эдилар...»

Лекин биз ҳилоқ қилмоқчи бўлган мудуш воқеанинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган меҳмон-дўстлик аънасига умуман дахли йўқ.

Уқасининг «Дамас»-ида кирақашлик қилиб Қашқадарёнинг Яқобов туманига келиб, қайтишга мижоз кутиб турган Абдурашул Чориев гапга тутайтган йигитнинг хиралиги ёқма-са-да, муомалани жойига қўйди. Ўзини Нурилло деб таништирган йигит машинанинг номеридан Сурхондарё-ники эканини билибди, тўртти унинг олдига келиб, ундан қачон, нима иш билан келганини ойдон суриштирди. Сўнг мударога кўчди:

— Гап бундай ака, Қашқадарёга бир келиб қолган экансиз, меҳмон қилмай жўнатасан яхши бўлмас, бир кеча меҳмон бўлиб кетинг.

— Ҳозиргина мен ҳам сурхондарёликман деб, энди меҳмон қиламан дейсиз, — кулди Абдурашул, — раҳмат ука, лекин бугун қайтмасам бола-чака хавотир олади.

— Олтинсойликман деганимга ишонмаяпсиз-оё?

— Ишонмадим демадим-ку. Шева-нигизданам билиниб турибди, ўзи бу ернинг одами эмаслигиниз.

— «Қора Жовли» дегич акахонда-миз бор. Ўзи дўлоб одам. Ишонмасангиз, тўртти келган яқабобликдан сўрагич, «Қора Жовли»ни танимагани йўқ бўларингиз. Шундай одамнинг уйда хизматини қилиб юрибман. Бир кеча меҳмон бўлиб, сўхбатини олиб

кетинг, қунам кеч бўп қолди. Эрталаб бирга кетамиз. Олтинсойга ташлаб қўйсангиз бўлди, ўзим етти кишининг пулини тўлайман.

Нуллас, Нурилло Абдурашул-ниқўйди. Улар «Қора Жовли», яъни Жовли Хайда-

фан танишиб қолган эди.
— Мени билмаганлар эллиқдан ошиб қолган биринчи группа инвалиди деб ўйлайди. Билганлар Яқабобнинг «кузур» дейди. Ҳалима беш йигитнинг кучи бор менда. У ёқда — «санатория»-сидаям ўн марта ўтириб чиқдим, — деб таништирган эди ўшанда Жовли Хайдаров Нуриллога ўзини, — гектарлаб ерим бор, тегиримон, жувоз қуриб ташлаганман. Оғилда 40-50 бош қорамол семирдиб ётибди. Агар бориб хизматини қилсанг, кўлинг пул

ди. «Соңиқ олиб чиққандирда...»
Бошига тушган қаттиқ зарбдан қалқиб кетган Абдурашул гандирак-лаб бориб чалқанча йиқилди. Кузларини осмонга, жимирлаб турган оғузларга тикканача фикрини жамлашга уринди. Улгурмади, иккинчи зарбдан ҳўшини йўқотди. Темир қувалда билан урилган зарбалар ўз ишини қилди.

— Энди нима қиламиз, — ишининг бундай яқун топишини тасаввур қилмаган Нурилло инграб юборди, — ўлиб қолди-ку!

дан келган «Жовли қора» ҳовлисиданги курилмишда ишлаётган йигитлар янги қўмилган ўра, ундан чиқиб турган салафанга шўба билан қараб-қараб қўйишди-ю, ҳеч ким юрак ютиб нима қўмилганини сўрамади.

Кечаси билан мижоза қокмай чиққан Нурилло чиқиб қолган салафани шўша-пиша қўмиб қўйди. Кеч кирган, «Қора Жовли» бошлиқ қотиллар мурдани ёқиб, қулини яна қўмиб ташлашди. Шундан сўнг, Бозор ва Нуриллони ёнига қақриб қўнинг орқасидан кетишини истамасанлар, тилини тийиб юринлар», деб пўписа қилган «Қора



Қотил мезбонлар ёқуд «Қора Жовли» хонадонидаги хунрезлик

ровнинг хонадонига кириб бориш-гада қош қорайиб қолган эди. «Дамас»ни ҳовлига олиб кириб қўйишди.

Меҳмондор-чилик қуюқ бўлди. Абдурашулнинг «эрталаб йўлга чиқаман, рудданман» деган гапи оғзида қолди, қўрдақўймай унга яма ароқ ичиришди. Сўхбат орасида меҳмон «менинг ҳозир Яқабобга сизлар билан ўтириганимни уйдагилар билмайди» дегани мезбонларни хўшёр тортирди. Мана шу бир оғиз гап умрига зомин бўлишини билганда эди...

Боя шохбекатда мактаб таърифини келтирган, ҳозир эса «хўжайин, хўжайин» деб қўлтигига сув гуржаётган «Қора Жовли» билан Нурилло ярим йил олдин Тошкентда тасо-ди-

қўрада, яшашни ўрганасан.

Зейфат ярим кенгача давом этди. Қўзи илинган меҳмон даҳлиздан аши-тилаётган мезбонларнинг пичир-пичирдан уйғониб кетди. Қулоқ тутди: «яп-янги Дамас» деган гапдан бошқасига тушунмади. Сўнг ўзидан хижо-лат тортиди: «гап пойлаш яхши эмас, яна туз еган хонадонда...» Томоқ қириб, уйғоқлигини сезди. Даҳлиздагиларнинг бирдан уни ўчди. Зум ўтмай уй эгасининг ўли — 15 йиллардаги Элбек кириб «меҳмон, шамоллаб келасизми?» деб сўради.

Орқа ҳовли томондаги ҳожатхонадан қайтиб, қўлини чайлаш учун оғир-даги сувга эгилган Абдурашул тепа-сида турган Элбекка эйтибор берма-

— Раҳминг келдим, ўзи шу ният-да эргаштириб келмоғимдинг, — Жовли Хайдаров унга қаради.

Нуриллонинг дами чиқмади.

— Бор-да, жувохонадан Бозорни қақриб кел. Жасадни қўмиб ташлан-лар, — деди Жовли ҳали совуб улгур-маган мурданнинг кийим чўнтақларини титқилаётган ўли Элбекка, — «Дамас»-ниям қўздан четроққа олиб қўйинг-лар.

Одам қиёфасидаги махлуқлар мурдани салафанга ўраб, қўмиб ташлашди. Шу тариха битта машинани деб бегуноҳ одамнинг боши-га етмишди.

Қишлоқ одалари уйқудан жуда эрта туришди. Эртасига тонг саҳар-

Жовли: - Энди машинаям бир ёқлик қилинлар, тўлини тенг бўла-миз, — деб шотиларининг кўнглини кўтарган бўлди.

Бу орада қишлоқда сирли миш-миш тарқалиб бўлган эди. Мазкур жиноятни очиб ҳўқуқ-тартибот орган-лари ходимлари учун осон келмади. Тинимсиз, кенг қамровли олиб бори-лган тергов ҳаракатлари натижа-сида вақти келиб қалаванинг учи то-пилди.

Суд ҳўқми билан қотил «мезбон-лар қўлимширага яраша оғир жазо-га маҳкум этилдилар.

Фахриддин МИРЗАЕВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи

Ўрганган «кўнгил»

Жиноятчилик ҳар қандай замонда ҳам қаттиқ қораланадиган иллатлардан бири саналади. Қадимдан оқ унга қарши курашининг турли усул-лари ишлаб чиқилган. Мамаклати-мизда ҳам жиноятнинг ҳар қандай қўрилишига қарши мурасосиз кура-шилмоқда. Унинг қатта-кичиги бўлмаганидек, жазо муқарраблиғи-ни таъминлаш учун ҳўқуқ-тартибот органлари фаолияти мувофиқлашти-риб борилаётганлиги ўз самарасини берапти.

Айни кўчга тўлган, Икром Жумаев-нинг (исмлар ўзгартирилган) ота-онаси ўғлимиз мард, элнинг қорига ярайдиган иззатли инсон бўлсин дея, унга ана шундай улғур ном қўйишди. Афсус, Икром олтинсини орзу-хавас-сини ўзининг жиний қилмишлари би-лан саробга айлантди. 23 баҳорни қаршилаган бу йигит, шу ёшга қадр уч марта қора қурсига ўтиришга ҳам улгурди. 2002 йил жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман суди томонидан белгиланган ҳўқудда у ҳавфли реци-дивист деб топилди. Учинчи бор жа-зони ўтаб чиққан Икромнинг юриш-туришида яна ўзгартирилди. Айни пайт. Эски ҳаракатларини кўмсаб, тегма-ганга тош отадиган одатни касб қил-ди. Мазкур одат уни тўртинчи бор жиноятга етаклади.

Ароқ ичишни хўш қўриб қолган қаҳрамонимиз, ёнинг жазиранида қу-нарларидан бирида Ҳамза туманида жой-лашган «Нуроний-Турон» ҳўсусий фир-масига қарашли озиқ-овқат дўконига кириди. Табиийки, шерик топилиб қолар деган «умид» билан қиради. Бироқ «шерик»дан дарак бўлмагач, дўкон ичига кириб расталарни олаза-рак қўздан кечира бошлади. Айни пайт. Сутучи харидорлар билан овора. Фурсатдан фойдаланган Икром се-кингина бир ишша ароқни қўйинга тик-қанча дўкондан чиқиб кетди. Урилган-ган ароқни ичиб олгач, аввалги ҳадик-дан асар ҳам қолмади. Янада «жасу-р»лиги ошди.

Ичкилик тасиридан қайфи қоқ

бўлган Икром кўп ўтмай ана ўша дўкон олдида пайдо бўлди. Энди у ерда «шериклар» пайдо бўлганди. Зери-ки бўлмаслигига ишонч ҳўсил қилиб, дўкон сотувчисидан қарага бир ишша вино беришини сўради. Сотувчидан рад жавобини эшитгач, ёнидагиларни сўқиб аламиндан чиқ-ди, дўкон олдида дўконда бўлган Фуркат Муродов бу ҳолатдан қаттиқ асабийлашиб, Икромнинг эрталабки ўғирлигини дўкон сотувчисига айтиб берди. Узаро тортишувлар ҳеч нарса бермаганидан сўнг, Икром Фуркат акани очкичасига гаплашиб олайлик дея, дўкон орқасидаги дам олиш май-дончасига олиб ўтди.

Тўсатдан юзига тушган мушт Ф. Муродовни гангитиб қўйди.

— Хали сен менинг совунимага кир ювмабсан, мана сенга...

Фуркат бундай бўлишини кутма-ганди. Шунинг учун кетма-кет зарба-лар уни ерга юзтубан ётқизди. Лекин Фуркатнинг ожиз аҳволда қолагани Икромнинг ҳаёлига келмасди. У фа-қат ўзини ҳўрмат қилмаган кишининг «ақлини киритиб қўйишни» истарди. Шу ниятда ҳўшис ётган Фуркатнинг юзини қаттиқ жисмага ана бир неча бор уради. Натижада у олган оғир тан жароҳатлари оқибатида воқеа жойи-да вафот этди.

Жиноят тезда фош этилди. Икром тўртинчи бор судланиб, қонун бўйича тегишли жазосини олди. Шу ўринда ҳақли савол туғилди. Нега бир неча бор жиноятга қўл урган йигит яна эгри йўлга кирди? Унинг юриш-тури-ши, бирор меҳнат билан бандлиги, муаммолари кимни қизиқтирди? Маҳалла фаоллари, участка назир Икромнинг хатти-ҳаракатидан во-қиминдиги? Шунинг унутмаслик керак-ки, ёмонотлик бўлган инсонга ёмон кўз билан қараш уни жамиятдан ай-риб, турли эгри йўللарга қиришига туртки бўлади.

Шўҳрат ХУСЕНОВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғининг ўринбосари

Ёшлиқдан жамоага бош бўлиб, бирор стол эгаси бўлишни орзу қилган ва ози-кўлими ўзи истаганидек бунга етишган Иминжон ҳар кўнгидек ўз фаолиятини ҳўжжатларни текши-риш билан давом эттирди. Бугун унинг бошига «бағт қўши» келиб қўнгандай бўлди. Унинг қўлида Косоний кўчасидаги «Егочни қайта ишлаш» цехи бино ва ишоотларини баҳолаб, кадастр ҳўжжатларини расмийлашти-риб бериш тўғрисидаги Наманган «Узэлектротерм» АЖ бошқаруви раисининг алоқа хати турарди. «Хар холда у билан алоқани мустах-камласам зарар қилмайди», ўйлади у.

Ёлғоннинг миси чиқди

Иминжон шу пайтгача сотувга қўйилган объек-тининг солиқ ставкаларини аниқлаш учун ер ва кўчмас мулк кадастр суратларини ишлаб чиқиб, ер майдон-ларини сертифицилаштириш вазифаларини амал-га ошириб келарди. Лекин, столи устида турган иш билан алоқани, ҳўшигина пул ишлаб олиши мум-кинлиги уни бутунлай қалғитиб юборди. Шунданми, объектиларни сотиш учун уларга нарх қўйиб ўзининг вазифасига кирмаслиги уни қизиқтирмади. Ҳаёлига келган ўйдан қайтмай мутахассис Сожида Мавлю-дова билан «Егочни қайта ишлаш» цехи раиси Фаф-фор Олимовнинг алоқа хатига нисбатан тегишли ҳўжжатларга имзо чекдилар.

— Иминжон ака, ишоотнинг кадастрдан ўтказиш сабабини қандай изоҳлаймиз, — деди Сожида мута-хассис сифатида.

— Сожидахон, гўр экансиз-ку! Ахир, ишининг ҳам-маси ўз қўлимиздан ўтса, халверса, бу ишларни амалга ошириш учун маъсул шовха кўрсатилмайди. Ими-жимидга ҳўжжатлар иловаси билан сохта Дав-лат кадастри тайёрлаймиз. Ҳа, айтгандай бу ишни амалга ошириш учун Абдуғани Отабековни ҳам жалб қилинг. У бунақа ишларнинг устаси...

Шундай қилиб, «Егочни қайта ишлаш» цехининг 54 турдаги бино ва ишоотлари 29.924.808 сўмга ва сотиш учун ажратилган 28 турдаги бино ва ишоот-лар 11.112.650 сўмга баҳоланди. Ишининг миси чиқмаслиги учун эҳтиёт чораси сифатида сохта маълумот ва ёзувлар киритилган маълумотнома лойиҳаси тайёрланди, унга шахсан ўзлари имзо чекиди.

— Қўрдингизми, Сожидахон? Иш биз ўйлагандан ҳам осон кенчадиган бўлди. Энди бу ҳўжжатларни бемалол Фаффор акага тақдим қилсан бўлади, — деди Иминжон. — Фаффор ака билан ҳам фикримиз бир жойдан чиқди.

— Ҳа, лекин М.Худойбердиева «менга тегишли бўлган Косоний кўчасидаги «Егочни қайта ишлаш» цехи бино-ишоотларини қайта баҳолаб, маълумот-нома беришингизни сўрайман», деб ариза киритиб-ди, — деди хавотирга тушган С. Мавлюдова.

Хавотир ўрини эди. Улар ўзалари тузган 2001 йил 22 мартдаги 1-03/57 сонли маълумотномада цехнинг фўқара М.Ҳақбердиевага сотилаётган 9800,44 квад-рат метрли қисмини алоҳида қўрсатиб, улар 28 турда-ги бино ва ишоотларини ташкил этишини белгилаб, 2001 йилги ҳолатига нисбатан ҳаққини баҳўси 33.687.231 сўмлик ушбу бино ва ишоотларини ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари

тўғрисида»-ги ва «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»-ги қонунларга ҳамда «Мулкни баҳолаш миллий тизими» стандартларига эди равишда 11.112.650 сўмга баҳо-лашди. Фўқара М. Худойбердиевага сотилган ишо-отнинг 7.873.680 сўмидан жамият ҳисобига 7.558.000 миқдорда пул ўтказишиб, қолган 315.680 сўмини ўзаро бўлишиб олдилар. Улар М.Ҳақбердиеванинг аризасини қўриб чиқиб, ариза асосида М. Худойбер-диевага мулкий ҳўқуқ бериувчи кадастр ҳўжжатларини расмийлаштириб, Наманган вилоят ҳокимлиги ҳўзу-ридаги ер, бино ва ишоотлар давлат кадастр бош бошқармасидан рўйхатдан ўтказишга ҳам эришишди.

Ўқорида исмлари келтириб ўтилган жиний шерик-лар бу билан қаноат қилмадилар. Ф.Олимов ва И.Му-хаммадиевлар 2001 йил 22 октябрда тузган 179-сонли, 2001 йил 25 октябрда тузган 184-сонли шартнома-ларида «Маийш хизмат уйи» бино ва ишоотлари нима мақсадда кадастр қўригидан ўтказилаётганлиги ва уни баҳолаш учун қандай зарурит турилганлигини асос-лаб ўтмай яна такоррий давлат қўл урдилар. Бу билан «Узэлектротерм» АЖ ва ишоот манфаатларига 24.593.085 сўмлик моддий зарар етказишди.

Ҳаммамизга аёнки, болаларнинг ҳалол ва иймон-ли бўлиб ўсишида оила қатнаш ўйнайди. Ҳар бир ота-она уни усаётган фарзандининг қомил инсон бўлиб етишини истайди. Бу истакнинг рўёбга чиқishi ота-боболаримиз таъкидлаганларидек, ҳалол лўқма билан боғлиқ эмасмикан? Иминжон, Фаффор ва Сожидахоннинг «ишлаб» толган пуллари ўз-ўзидан оиласи, фарзандлари эҳтиёжи учун сарфлан-майди? Бу ўғирлик орқасидан улар ҳам оилани, ҳам давлат мулкни хароб қилишлари тайин эди.

Ҳожиқбар МИРЗАЕВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма терговчиси

ХЖИ аср «вабо»си

Наманган шаҳрида яшовчи бир опахон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилди. Аризада унинг фарзанди Наманган шаҳар Гишткўприк маҳалласида яшовчи Аъзам исмли шахсдан наркотик моддалар сотиб олиб истеъмол қилаётгани айтилган бўлиб, она шу оғуфрушга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган эди. Опаизор ўтинчи эътиборсиз қолдирилмади. Ариза юзасидан дастлабки суриштирув ўтказилиб, А.Аҳмедовнинг шахси, яшаш манзили аниқланди. Сўнг шу асосда унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилди. Буни қаранг, уйдан 125,83 грамм героин ва 7,56 грамм гашиш, уларни тортиш учун ишлатиладиган битта кичик тарози, героинни сотиб тўлганган 697.000 сўм пул, 47 дона ишлатилган бир марталик шприц ҳамда демид-рол ампуллари топилиб, далилий ашё сифатида олинди.

Хўш, А.Аҳмедов ким ўзи? Нега қонунга зид равишда фаолият кўрсатиб келган? Унинг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у қилаётган иши жиноят эканлигини яхши билган. Бундай хулоса қилишимизга асос бор. Негаки, Аъзамжон Аҳмедов қасддан қилган жинояти учун илгари икки марта судланган: дастлаб уч йилга, кейин етти йилга озодликдан маҳрум этилган. Бироқ амнистия актига

боев, Шўхрат Алижонов, Дилшод Миржалолов, Рустам Ҳасанов, Камолiddин Шамсиддинов, Аҳадхон Абдурахмонов, Дилшод Эгамбердиевлар кўлга олинди. Уларнинг барчаси шу хонадондан наркотик модда сотиб олиш ва истеъмол қилиш учун келганини тасдиқлаб кўрғазма беришди.

— Ҳақиқатан ҳам Тошкентдан Наманганга келганимда Аъзам аканинг героин сотаётганини эши-

жозларига наркотик моддаларнинг улгуржи савдоси ҳақида гап очиб қолишди. Албатта улар рози бўлиши ва ака-ука Аҳмедовлар, Миржалолов, Сайдалиева рухсатномасиз Шайбекованинг Жалолобод вилояти Акси туманидаги уйига бориши. Мижозлар гашишнинг сифатини текшириб кўриш мақсадида истеъмол қилиб кўришга, сотиб олишга розилик билдиришди. Раҳим



Осон йўлнинг охири

Сир эмаски, гиёҳвандлик оқибатида кўпгина фуқаролар соғлиғидан, хузур-ҳаловатидан айрилмоқда. Аксарият оғир жиноятлар ҳам кўп ҳолларда ана шу оғу туфайли юзага келаёттир. Айрим кимсалар эса захри қотилини сотишни касб қилиб олгани кишини чуқур ўйга толдиради.

Уч фарзанднинг онаси Лола Аблodosова шундайлар тоифасидан. Бу аёл тўрт карра жиноят содир этиб ҳам тегишли хулоса чиқармади. Эски ҳунари — героин сотишдан қайтмади. Лекин шаҳар бедарвоза эмас. Самарқанд шаҳар ИИБ ходимлари томонидан фуқаро А.Абдурахмоновга 0,74 грамм героинни пуллаётган пайтида оғуфруш кўлга олинди. Эндиликда суднинг узил-кесил хулосасига кўра у яна 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Самарқандлик Комил Саломов ҳам мижозларга героин сотиб, айшини суриб юрган эди. Бироқ унинг ҳам фаолиятига чек қўйилди. Шаҳар ИИБ қолшида ташкил этилган тезкор гуруҳ аъзолари уни 0,46 грамм героинни харидор сифатида жалб қилинган Шомансур исмли йигитга сотаётган пайтида кўлга туширишди. Энди у умрининг 6 йилини темир панжаралар ортида ўтказишга тўғри қолади.

З.СОДИҚЖОНОВ,
Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Опаизор ўтинчи

мувофиқ авф этилган. Шу жараёнда амалдаги қонун-қоидаларни бузмаслик ҳақида расман оғохлантирилган. Лекин Аҳмедов озодликка чиққач ҳаммасини унутди. Яна енгил-елпи йўллар билан ҳаёт кечириш пайида бўлди. Шу мақсадда гоҳ у, гоҳ бу савдо тўри билан шуғулланиб кўрди. Лекин наркотик моддаларни улгуржи олиб, майдалаб сотишдан даромади йўқ экан деган фикрга келиб, шу йўлни танлади. Дастлаб кўча-кўйда, бозорларда изғиб харидорларга «ўз товари»ни ўтказиб юрди. Кейинчалик мижозлар унинг уйига келиб «товар»ни шу ердан олиб кетадиган, хоҳласа ҳовлида бир марталик шприц орқали истеъмол қилиб, сўнг чиқиб кетадиган бўлишди. Дардини кимга айтишни билмай охири ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан нажот кутган онаизорнинг бирдан-бир дилбанди ҳам Аъзамжон Аҳмедовнинг иккинчи турдаги мижозларидан бири эди.

Афсуски, А.Аҳмедовнинг мижози биргина Бобур эмас эди. Терговда унинг хонадонидан наркотик модда сотиб олгани келган, сотиб олган ёки истеъмол қилиб чиқиб кетаётган Жаҳонгир Тўйчи-

тиб, уйига бордим, — дейди Жаҳонгир Тўйчибоев. — Бир чекишини 3000 сўмга сотиб олиб, ҳовлисида бир марталик шприц орқали истеъмол қилиб чиқиб кетганман. Орадан бир ҳафтalar ўтиб, яна хумор тўтди ва Аъзам акани ахтариб уйига бордим, аммо у йўқ экан. Қайтиб кетаётганимда нега ходимлари мени ушлаб олма келганимни сўрашди, мен тўғрисиини айтдим.

Тергов жараёнида А.Аҳмедов наркотик моддаларни қаердан олган деган саволга ҳам аниқлик киритилди. Маълум бўлишича, ака-ука Аъзам ва Раҳим Аҳмедовлар жинорий шериги, яъни қариндоши Дилшод Миржалолов билан бирга Наманган шаҳрида яшовчи Муборак Сайдалиева ва унинг шериги, Қирғизистон фуқароси Дилфуза Шайбековалардан наркотик моддаларни мунтазам сотиб олишган. Дастлаб 5 та гурут кутисидидаги гашишнинг ҳар бирини 13.000 сўмдан харид қилишган бўлса, кейинчалик ҳар ойда 3-4 марта М.Сайдалиеванинг уйига боришиб, кўп миқдордаги наркотик моддаларни сотиб олишган.

Шундай кунларнинг бирида Сайдалиева ва Шайбекова ми-

Аҳмедовнинг турмуш ўртоғига тегишли 500.000 сўмлик тилла тақинчоқларни гаровга ташлаб қайтишди.

Орадан бир ҳафта ўтмай Шайбекова ва Сайдалиева бир кило наркотик моддани Қирғизистондан Наманганга олиб келишгани ҳақида ака-ука Аҳмедовлар ва Миржалолов хабар топишди. Улар шу кунийк Сайдалиеванинг уйига келиб узоқ савдолашишди ва ниҳоят пулни ўн кун ичида олиб келиб бериш шарти билан «товар»ни 15.500.000 сўмга сотиб олишди.

Кўза кунда эмас, кунда синди деганларидек, уларнинг яширин фаолияти фож этилди. Лекин тергов жараёнида улар бунга ҳам қаноат қилмай фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна бир жиноятга қўл ургани маълум бўлди. Яъни, улар Қирғизистондан Жануби Кореяда ишлар чикарилган «Тико» машиналарини Ўзбекистонга олиб келиб сотишни режалаштиришган. Бу борада бирмунча ишларни амалга оширишга ҳам улгуршган. Техник ҳужжати ва рақами бўлмаган учта «Тико»ни божхона назоратини четлаб ўтиб, хуфиёна йўллар билан Наманган

шаҳрига олиб келишган.

Терговда ушбу машиналарнинг иккитасини Д.Шайбекованинг ўзи Косонсой туманидаги бир танишиникига вақтинча сақлаб туриш учун ташлаб келгани, биттасини эса М.Сайдалиева Наманган тумани Боғишамол қишлоғида яшовчи бир фуқарога 5.000.000 сўмга сотмоқчи бўлганлиги аниқланди. Ушбу машиналарнинг барчаси ашёвий далил сифатида олинди.

Хулоса қилиб айтганда, яна бир жинорий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Жиноятчиларнинг ҳар бири қилмишига яраша жазосини олди. Жиноят ишлари буйича Наманган вилоят суди уларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жинорий гуруҳ аъзоларининг фаолияти нафақат Наманган вилоят божхона бошқармаси, балки Давлат божхона кўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қолаверса, шу юрт фарзандиман деган ҳар бир фуқарони хушёр тортириши лозим.


Маъруфжон ЭҒАМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Дунёда наркотик моддалар билан боғлиқ кескин вазиятнинг келиб чиқишида Афғонистоннинг ҳиссаси катта. Негаки, бу давлат ҳалигача героин энг кўп ишлаб чиқарадиган мамлакатлар сирасига кирди. БМТнинг 2004 йилги маълумотида кўра, Афғонистонда 131.000 гектар ерда кўкнори етиштирилган. Ҳосилдан 4200 тонна оғу олинган. Улар Марказий Осиё давлатлари, жумладан республикамиз орқали Россия ва Европанинг бошқа давлатларига гайриқонуний йўллар билан стқазиб берилмоқда. Бу эса мамлакатимизда наркотик моддалар билан боғлиқ вазиятнинг янада кескинлашуви таъсир этмай қолмайди.

Ҳар йили 40 тонна афғон героини «Шимолий маршрут» орқали, 29-30 тоннаси Марказий Осиё орқали Россия ва Европа мамлакатларига тарқатилмоқда. Қолган 8-10 тонна героин транзит давлатларда тарқатилётганлиги қайд қилинган.

Бухоро вилоят прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган-

Жамиятнинг емирувчи иллат



лар билан ҳамкорликда 2005 йилда кенг жамоатчилик кучига таянган ҳолда мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, тергов қилиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширди. Натижада 421 та наркотик ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат ҳолат аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган. Уларнинг 181 таси буйича дастлабки тергов тугалланиб, 227 нафар шахс айбланиб суд муҳокамасига берилган.

Бу йўналишда содир этилган жиноят ишларининг 100 таси таъқиқланган эканларни экиш, 201 таси наркотик моддаларни сотиш билан боғлиқ, 197 та ҳолатда катта миқдордаги наркотик моддалар олиб қўйилган ва 115 та ҳолатда уларнинг манбаси аниқланган.

2005 йилда айбдорлардан 9543,32 грамм гиёҳвандлик воситалари олиб қўйилган бўлиб, белгиланган тартибда йўқ қилинган.

Худудимизга гиёҳвандлик воситалари асосан Тожикистон ва Туркманис-

тондан Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари орқали кириб келишини ҳисобга олиб, ички ишлар, божхона хизмати ходимларидан иборат постлар ташкил этилган.

2004 йил 13 ноябр куни тахминан соат 5 ларда Қоровулбозор тумани ҳудудида ИИБ ходимлари ўтказган «Назоратли харид» тезкор тадбирида фуқаро Авазмурод Жуматов, унинг ўғли Арслонбек, Саидали Турдиевлар Даврон Ўзбековнинг 19 А 1648 рақамли «КамАЗ» машинасида Сурхондарёдан 20 кило-ю 40 грамм опийин олиб келиб, ҳар бир килосини 2100 АҚШ долларига сотаётган вақтида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган.

Анвар ҚОЗИМОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғининг ўринбосари,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Эркин УСМОНОВ:

— Тохир ака, мулоқотимизни газетанинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда, жиноятнинг келиб чиқиши билан боғлиқ омиллардан бошласак. Айтмоқчиманки, илгари жиноятлар ўзига тўқ оила фарзандлари томонидан содир этилар, бу ҳолини тўқликка шўхлик деб изоҳлар эдик. Бугунги кунда эса ундай эмасдек. Ёки кўпчилик таъкидлагандек, иқтисоднинг таъсири борми? Умуман, жиноятнинг илдизи қаерда?

Тохир МАЛИК:

— Агар ўқиган бўлсанглар, «Жиноятнинг узун йўли» дея аталмиш бир рисола чиққан.



Халқимизнинг суюкли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик билан анча йиллардан бери таниш бўлсам-да, аммо учрашиб, газета учун суҳбат уюштиришга ҳеч ҳалдим сигмасди. Ўтган ҳафта ёзувчи Эркин Усмоновнинг ёнига бир иш билан борганимда шу ҳафта у кишига гап очдим. Эркин ака шу заҳоти бу юмушни пайсалга солмаслигини маслаҳат бериб, ўзи ҳам мен билан Тохир ақанинг уйига бориши мумкинлигини айтганда, очиги, шодликдан бошим осмонга етгандек бўлди. Бўлмасам-чи, биринчидан икки ёзувчининг ўзаро суҳбатидан баҳраманл бўламан, иккинчидан эса, баҳонада мақола тайёрлаш имкони туғилган эди.

Хуллас, Тохир ака билан кўнғироқлашиб, якшанба кuni Эркин ака билан адабнинг уйига йўл олдик. Тохир ака ҳовлида куймаланиб юрган экан. Ичкарига бошлади. Дарвоқе, йўлда суҳбатни бошлашни Эркин акадан илтимос қилган эдим. Шу боис суҳбат у кишининг саволи билан бошланди.

лар, айниқса бугунги кунда ҳар қадамда учрайдиган интернет-клублардир. Бу ерда болалар фақатгина ўйин

батнинг қандай иллат эканлигини гапириб, насихат қилса. Боланинг қулонига қайси гап киради-ю, у қайсисига амал қилади. Урни келганда, бир

юборибди. Айтилган вақтда ота ўғлини олиб боргач, донишманд болага насихат қилибди. Ота ҳайрон бўлиб: «Шу насихатингизни биринчи келганимда

Жиноятнинг илдизи

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир МАЛИКнинг шу мавзудаги фикр-мулоҳазалари

Ҳа-ҳа, «Алвидо болалик»нинг давоми. Бу асар «Маърифат» газетасида чоп этилди. Радио орқали ўқиб эшиттирилди. Ана шу рисолада сиз айтган фикрларга имкон даражасида тўхталганман. Асар уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчисида шахснинг жиноят йўлига кириб келиши, иккинчисида қамқоқонадаги ҳолат, учинчисида эса жазони ўтаб бўлгандан кейин жамиятга киришди кетишини имкон қалар тасвирлашга ҳаракат қилганман. Қолаверса, ҳар бир жиноятнинг ўзига хос, алоҳида сабаблари бор.

Жиноят содир этилишида фақат иқтисодни сабаб қилиш нотўғри. Бунинг асосий сабабини маънавий етишмовчиликдан қидирсақ тўғрироқ бўлар эди. Айниқса, тарбиянинг бузилишидан. Масалан, бир ҳадисда айтилишича, ҳар бир инсон мусулмон бўлиб туғилган. Буни кенгроқ тушунадиган бўлсак, яхши, пок ҳолда яралади. Кейинчалик, яъни тарбияга қараб ўзгаради. Бу ҳолатта илмий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, таянч нуқтаси билан бурилиш нуқтасини эслашимиз кифоя. Яъни, таянч нуқтаси деганда инсоний фазилатларни эгаллашни назарда тутсак, бурилиш нуқтаси деганда эса тўғри йўлдан бурилиш, кейинчалик ўзгаришни тушуниш мумкин. Шунинг учун ҳар бир нарсани қонун-қоида бўлиши керак.

Агар аҳамият берган бўлсангиз, боланинг тарбияси бузилса, мактаб ота-онани айбласа, ота-она мактаб қароқча қаради деб баҳона қидиради. Айримлар милицияни айбдор деса, бошқалар маҳаллага айб қўяди. Хўш, унда ким айбдор? Боя айтилган рисолага «Ким айбдор?» деб ном қўйганим ҳам шундан.

Энди бир мушоҳада юритиб кўрайлик.

Мактабнинг биринчи галдаги вазифаси — илм бериш. Бир суткада 24 соат бўлса, бола шундан 5-6 соатини мактабда ўтказди. 45 дақиқалик дарсда ўқитувчи дарс ўтади, тарбия берадими? Энди маҳаллага келсак. Аслида маҳаллада бундай воқолат йўқ. Аммо қадимдан маҳалла аҳли бу юмушга ўзларини масъул ҳис қилиб, бу масалага алоҳида ёндашган. Афсуски, кейинги пайтларда кўп

қаватли уйларда маҳалланинг роли кўринмаяпти.

Шу боис, бола учун, унинг тарбияси учун биринчи галда ота-она масъул, дегим келади. Юқоридаги вақтдан 8 соатини уйку учун ажратсак, қолган 10 соати учун ота-она жавобгардир. Шундай экан, ота-оналар эртага эканларини ўришларини унутмасликлари шарт. Улар берган тарбиянинг натижасини қарангиларди албатта кўрадилар. Агар тарбия кўнгилдагидек бўлмаган бўлса, жазоси ҳам шунга яраша бўлади. Аммо, афсуски, кўпчилик фуқароларимиз буни вақтида англаб етмайди. Мана яқинда эшитдим, бир она кизини ёмон йўлга юриб кетгани учун оқ қилибди. Шу онанинг кўзи олдинроқ қаёқда эли деб сўрайдиган одам йўқ.

Эркин УСМОНОВ:

— Эшитишимга қараганда 19-асрнинг охирилари — 20-асрнинг бошларида таълим масканларида шайх Саъдийнинг «Бўстон» билан «Гулистон», Кайковуснинг «Қобуснома»си, ҳиндларнинг «Калила ва Димна»си ва яна кўпلىк асарлардан кўлланим сифатида фойдаланилган экан. Назаримда, сўнгги пайтда бу усулдан узоқлашмадикмикан?

Тохир МАЛИК:

— Унчалик эмас. Ҳалиям ўқитилиб турибди. Аммо фикрингиз нисбатан тўғри. Мен бир нарасига ҳайронман. Маълумки, мактабларнинг бошланғич синфларида «Одобнома» дарси ўтилади. Аммо нима учундир ҳафтада бир мартагина. Камина бир неча бор таълим бошқармасида ҳамда мактабларда бўлган турли учрашувларда ана шу дарсга мени ҳам қақширилларини, болалар билан бирга ота-оналарини ҳам таклиф қилишни айтган эдим. Ҳозирча ҳеч қандай натижа йўқ.

Ёш авлод балоғат остонасидан, катта ҳаётга қадам қўйиш арафасида турар экан, унга ташқи муҳитнинг таъсири жуда ҳам катта. Булар сўнгги пайтда кўп марта таъкидланаётган турли-туман тунги барлар, дискотека-

ўйнайди дейдиганлар жуда каттиқ янглишадилар. Хориждан келатган фильмларни назарда тутибман. Шу ўринда Фитратнинг нисбатан кўполроқ бўлса-да, аммо ҳақиқатга яқин бир ўхшатишни келтирмақчиман. У кишининг айтишича, инсонлар фарзандларига қараганда молларига кўпроқ эътибор берадилар. Емидан, сувидан тез-тез хабар олиб, қанчалик семираётганига аҳамият берадилар.

Машойихларнинг бир гапини асло эслан чиқармаслигимиз зарур. Уларнинг айтишича, бола 5 ёшгача подшо бўлиб, сиз унга кўл бўласиз. Айтганини муҳайё қиласиз. 5 ёшдан 15 гача сиз подшо бўласиз, фарзандингиз эса кўл бўлиб, айтганингизни қилади. Вақтида уришиб, тергайсиз. 15 ёшдан кейин эса сиз у билан дўст бўлишингиз керак. Энди фарзандингизнинг табиатида кун сайин турли ўзгаришлар юз бера бошлайди. Уйғониш даври бошланади. Айниқса организмда физиологик ўзгаришлар пайдо бўлиши мумкин. Ўзига оро берадиган, сал нарасага жаҳли чиқадиган, инжиқ бўлиб қолади. Айниқса, ўғил болалар. Бу пайтда ўғилга доно маслаҳатчи зарур. Ана шу паллада ота айниқса эҳтиёт бўлиши керак. У вазиятни дарҳол фахмлаб, иложи бўлса ўғлини ёнига ўтказиб олиб, дўст сифатида суҳбат қилиши шарт. Бу билан ота келажакдаги анча-мунча кўнгилсизликларнинг олдини олади. Аммо, агар отанинг ўзи маслаҳатга зор бўлса-чи?

Дейлик, ишдан кела солиб, телевизорнинг рўпарасига ўришиб олса. Ё ўғлига пул бериб пиво ёки сигаретга чиқариб юборса! Ёки буйи бўйига тенглашиб қолган фарзандининг ўғлида буралатиб сўкиб турса! Ўғил нима қилсин? Бундай пайтда теварак-атрофдан унга маслаҳатчи бўладиганлар тезда топилди. Ёки яна бир мисол. Халқимиз қуш уясида кўрганини қилади деб бекорга айтмаган. Уйга меҳмон келиб кетди дейлик. Меҳмонни кузатгандан кейин ота-она унинг гийбатини бошласа. Бироздан сўнг эса ота ҳадисдан мисол келтириб, гий-

ҳолатга, гарчи кўп марта қайтарилган бўлса-да, яна тўхталмоқчиман. Бола ҳозиргина айтганимдек, ота-онасидан андоза олиб, ким ҳақдадир фикр билдириб қолади. Шунда отаси шартта унинг сўзини бўлиб, бу нарсани билишингга ҳали вақт бор, ёшлик қиласан дея дашном беради. Бироз ўтиб эса, шу бола ниманидир қилолмаса, «кап-катини» бола, шунини эппалмайсан-а» деб гап эшитилади. Табиий савол туғилади. Бундай ҳолатда бола нима қилиши керак? У каттаи ё кичкинами?

Эркин УСМОНОВ:

— Тохир ака, адабиётни одо-биёт ҳам дейишди. Кўришиб турибдики, унинг асосий вазифаси одоб бериш. Шундай экан, бугунги адабиёт, айниқса детектив асарларнинг тарбияга таъсири ҳақида ҳам тўхталсангиз.

Тохир МАЛИК:

— Дарҳақиқат, адабиётнинг асосий вазифаси яхшилик ҳамда ёмонлик ҳақида тушунчани ҳаётга боғлаб, мисоллар билан одамларга тушунча беришдир. Яъни, у ўзига хос тарбиялашнинг бир кўринишидир. Масалан, Куръони карим ҳам тўлиқ тарбиявий китоб ҳисобланади. «Олаимйлик мулки» асаримни яратиб жараёнида 66 та дафтарни тўлдирибман. Уларнинг ҳар бири турли хулқ ҳамда ўзаро муносабатлар ҳақида. Масалан, ота-онанинг фарзандга нисбатан, эр билан хотин ўртасидаги, қариндош-уруғ, дўстлар орасидаги ва ҳоказо муносабатлар тўғрисида. Буларнинг ҳаммасини эса биргина муҳаббат деган риншта боғлаб турали.

Энди ёзувчиликка тўхталадиган бўлсам, бировга ақл ўргатадиган одамнинг ўзи аввало ақдан етук инсон бўлиши керак. Ёзган нарсаларига амал қилиши керак. Бу ҳақда ривоят ҳам бор. Бир одам фарзандини донишманднинг олдига бошлаб бориб: «Ўғлим хурмони жудаям яхши кўради. Озгина насихат қилиб қўйсангиз. Салгина тийилса», — дея илтимос қилибди. Донишманд бир ойдан кейин келинлар деб уларни қайтариб

қилсангиз бўларди-ку. Бир ой кутмиш шартми?», — деса, донишманд: «Биринчи келганингизда айтишим мумкин эди-я, аммо ўша пайтда ўзим ҳам хурмога жуда ўч эдим. Шундай бўлгач, насихатим болангизга таъсир қилмас эди», — дея жавоб берган экан.

Детектив асар ёздагилар одам эса фақат жиноят тафсилотини баён қилиш билангина чекланиб қолиши керак эмас. Мисол учун, жаҳон тан олган адиблардан Конан Дойл, Агата Кристининг асарларини ёки Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини олинг. Бу асарларда нафақат бир жиноят тафсилоти, балки фикр ҳам бор. Уларда биринчи галда ҳаёт фалсафаси бор. Жиноят оламининг ташқи эмас, ички дунёси, уларнинг дунёқараши моҳирона тасвирланган. Детектив асар ба-мисоли дорига ўхшайди. Аҳамият берсангиз, дорининг усти ширин бўлиб, даво бўладиган аччиқ қисми кейин чиқадиган. Яхши асар ҳам шундай бўлиши керак. У бошланғич билибди ўқувчини ўзига маънавий қилиб олсин. Давоси эса, аста-секин мутлола жараёнида ўз кучини кўрсатади. Бунинг учун эса ёзувчи биринчи галда боя айтганимдек адабиёт фалсафасини, ҳаёт фалсафасини чуқур тушуниши керак, жиноятнинг асли сабабини билиши шарт. «Утган кунлар»ни олайлик. Шу асарда детектив йўқ деб ўйлайсизми? Қипчоқлар билан бўлган воқеалар. Ҳомиднинг кирди-корлари ёки иқтисодий жиноятлар...

Ёзувчи ёзаётган нарсасидан таъсирланмас экан, воқеалар давомида ўзи ҳам қаҳрамонлари билан бирга гоҳ қувониб, гоҳида хафа бўлиб юрмас экан, талабга жавоб берадиган асар яратолмайди. Адабиёт эса зарур тарбиясини беришдан маҳрум бўлади...

Тохир ака билан хайрлашар эканман, қандай бўлмасин вақт топиб, ўғлим билан дилдан суҳбатлашини дилимга тугиб қўйдим. Зеро, ўғлим айнан балоғат ёшида...

Ўқувчилар қалбига йўл топиб

Ҳуқуқий ислохотларни жадаллаштиришда, одамларнинг маънавияти, тафаккурини ўстиришда, ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда газеталарнинг жамиятга тутган ўрни бекиёсдир. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваломбор, одамлар манфаатининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса ўта оғир, қучли иродани талаб қиладиган жабҳаларда том маънода фидойилик кўрсатишга лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, журналист халқ дарди-ташвиши билан яшashi керак. Юқори идораларда ҳал бўлмаган муаммолар ечими масаласида умид билан матбуотга мурожаат қилувчилар бисёр. Тахририятларнинг ўқувчилар ўртасида рейтингини белгилувчи мезонлардан бири ҳам айнан жамоатчилик билан алоқалари қай даражада йўлга қўйилганлигидадир.

Мамакатимизда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрлар бу вазифани қай даражада урдалаяпти? Улар ўз ўқувчиларининг ишончи, меҳрига сазовор бўла олаяптими?

«Адолат йўли»

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 95 та газета-журнал чоп этилишининг ҳисобга олсак, «Адолат йўли» рақобатбардор нашрлар қаторидан жой олганлигини эътироф этиш керак. Адаби жаҳатдан эса доимо биринчилар сафида бормоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Аввало, газета ўз фаолиятида учта йўналишга асосий эътибор қаратган. Биринчиси, фуқароларнинг мурожаатларига эътибор қилди. Тахририятта ҳар кун фуқаролардан ўртача 20 та хат келади. Нашрнинг деярли ҳар бир сониде «Сўнги саҳифа» ва «7-саҳифа» ружнлариде ариза ва шикоятлар бериб борилган. Аҳамиятлироқ шикоятлар муҳбирлар томонидан ўрганилиб, «Журналист суриштируви» «Бир шикоят сабаб...» ружнлариде ёритилаётгани ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ўрганилган шикоятлар юзасидан 50 дан ортиқ мақола тайёрланган, 250 тага яқин ариза чоп этилган. «Истеъмолич ҳуқуқи билан уйнашманг», «Эътироз», «Ишлаганга иш ҳақи йўқми?», «Етоқхона нега ёпилди?» каби таҳлилни мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотгани бежиз эмас. Берилаётган бундай чиқишларнинг тақдир ижобий ҳодимларни бефарқ қолдирмаган. Шу ўринда бир мисол келтирсак. Бешариқ тумани Қияли қишлоғилик ноғирон фуқаро Н.Қўшоқова бир йилдан буюн кўнглик таққ муҳтожлиги, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан аризаси қондирилмаётгани ҳусусиде шикоят хати ёзди. Ариза «Сўнги саҳифа»да берилиди. Шундан сўнг вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бoшқармаси бошчилигининг ўринбосари О.Сотивляев имзоси билан жавоб хати келиди. Унда Н.Қўшоқовага навбатсиз кўнглик таққ бериладиган маълум қилинган эди. Шу тариқа яна бир муҳтожнинг кўнгли шол айланган.

Иккинчидан, газета ҳуқуқ тарбиотини олиб боришда вилоят прокуратура органлари билан мустақкам ҳамкорликда ишламоқда. Прокуратура органларига тегишли материаллар ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамияти билан ажралиб туради. Учунчидан эса бундай ҳамкорлик ташиқ ижолкор ва адиблар билан ҳам йўлга қўйилган. Уларнинг турли жанрларда ижод намуналарини шак-шубҳасиз нашр обуначилари сони ошишига мизмат қилмоқда.

Яқинда «Адолат йўли»нинг 600-sonи ўз ўқувчилари қўлига тегди. Яна бир янгилик — газета А 4 улчамда 8 саҳифада чиқа бошланди. Бунга ўқувчилар томонидан ижобий муносабат билдирилмоқда.

Дилшод ФАЙЗИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

«Диёнат»

Наманган вилояти прокуратураси бош муассис бўлган ушбу нашр ҳақида гап кетганда, унинг илова-си «Хуқуқ оламида» республиканинг деярли барча вилоятларида тарқатилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боисдан ҳам тахририятта Андижон, Фарғонадан тортиб, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, ҳатто Қорақалпоғистондан ҳам хатлар келиб турибди. Муҳлислар ўз хатларида тақлиф ва истақларини билдирибгина қолмасдан, турли муаммолар ечимиде мадад сураб ҳам мурожаат қилмоқдалар. Нашрнинг ўтган ва шу йилги сонларини варақласангиз, фуқароларнинг муаммолари кўтарилган ўнлаб танқидий, таҳлилий мақолаларга кўзингиз тушади. «Орзу» ортидаги оворагарчилик мақоласиде банкка омонатга пул қўйиб, уни қайтариб ололмаган ҳустлик пенсионер Маннобжон Гаффоровнинг сарсонгарчилиги, «Карточка бозори» лўқмасиде «Юнител» алоқа компанияси экспресс тўлов карточкаларининг ноқонуний савдоси ҳақида сўз юритилса, фуқаролар А.Усмонов ва Ҳ.Эшқуловларнинг аризаси асосиде тайёрланган «Муаммо ўрнида ҳал этилса...» мақоласиде эса иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик муаммоси қаламга олинган.

Кўплаб матбуот нашрлари қатори «Диёнат»да ҳам ижтимоий-сиёсий ҳаёт жараёнлари, ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, аср вабосига айланган диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзулари мунтазам ёритилаётгани эътиборга молик. Газетанинг ўтган йилги сонларида «Ҳидирмалар тарқатишдан мақсад нима?», «Эзгулик енгилмайди», «Бу кунларга етганлар бор», «Ақлга ишора» каби

бир қатор материаллар ўқувчилар эътиборига тушди.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятида жамиятда қонунийликни таъминлаш, адолат устуворлигига эришиш муҳим ўрин тутади. «Диёнат» вилоят прокуратураси ҳамда вилоятдаги туман ва шаҳар прокуратураларининг бу борадаги фаолиятини мунтазам ёритиб келмоқда. Жумладан, газетанинг шу йил 9 феврал сониде Уйчи туман прокурори М.Қирғизбоевнинг «Адолат фаолиятимиз мезони» мақоласи чоп этилди. Мақолада муҳим мавзу — фуқароларнинг, жумладан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳимояси, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, қишлоқ ҳўжалигида қонунлар ижросини таъминлаш масалаларида йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақини мулоҳазалар асосиде ёритилган. Вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори А.Эрановнинг «Банкротлик, у ниманинг оқибати?» мақоласиде эса айрим раҳбарларнинг фаолиятсизлиги, ишга лоқайдлик корхоналарни таназзулга олиб келаётгани танқид остига олинган. Бу каби долзарб материаллар газетанинг ҳар бир сониде чоп этилмоқда.

Светлана ОРТИҚОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи



«Адолат тарозиси»

Газета Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасиде кенг тарқалган. Саҳифалариде «Прокуратура ёрдам беради, химоя қилади», «Адолат тарозиси аралашгач...», «Хуқуқий дарсхона», «Муштарийлар саволларига жавоблар», «Журналист таҳлили» каби ружнлардан ишчил фойдаланилмоқда. Бу ружнларга жамланган материаллар оммабoллиги ва ўқимишлилиги билан ажралиб туради.

Қонунлар тарғиботида прокуратура ҳодимлари иштироки кенгайиб, газетда уларнинг чиқишлари сони ортиб бормоқда. Материалларнинг таъсирчанлиги масаласи муаллифларнинг диққат марказиде турибди. Шу ўринда баъзи мисолларни келтириб ўтиш жоиз. Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Маматмуродовнинг «Президентимиз фармонларини ўрганамиз» ружнида «Тадбиркорликнинг яна бир ҳуқуқий ҳимояси» мақоласи эълон қилинган. Муаллиф мақоласиде давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шунчаки шарҳлаш билан чекланмай, тадбиркор-ишбилармонларга атрофлича тушунтиришлар беради.

Қизилчи тумани прокурори Р.Номозовнинг «Чиллаки тадбиркорлар» мақоласиде эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш фақат қонунлар талаб-



лари асосиде олиб борилиши лозимлигига уруғ берилиб, гайриқонуний ҳаракатларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги ҳаётий мисоллар билан ёритилган.

Газета ижодий ҳодимлари вилоят прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси билан ҳам ҳамкорликни яхшилашга ҳаракат қилишмоқда. Бошқарма ҳодимларининг қонунбузарликларга қарши кураш муаммоларига оид долзарб мақолалари нашрнинг деярли ҳар бир сониде босилади. Масалан, бошқарма катта инспектори Р.Турсунқулов «Бензин савдосидеги фирромликлар» мақоласиде кўпчиликни қизиқтирган мавзу кўтарилган. Унда Шўрчи тумани мисолида бензинфурушлик билан шуғулланаётган шахсларнинг кирдиқорлари очиб ташланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,

тажрият жамоаси вилоят аҳолисининг кенг қатламлари билан яқиндан алоқа ўрната олди. Шу боис айни пайтда газета обуначилари сони ортиб, унинг адади 10 минг нусхага яқинлашди. Вилоят туман ва қишлоқларидан тахририятга узулуксиз хатлар келиб турибди.

Нашрда журналист текширувлари ўтказишда муайян тажриба тўпланди.

Тахририят шу йўналишда ижод қиладиган ўз муҳбирларига эга. Журналист А.Абдурусуллов фуқаро Х.Бўриевнинг имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи бўлсада, тегишли идоралар пайсалга солиб келатганлиги ҳақида ёзган аризасини текшириб, аниқлик киритиш учун Ангор туманига хизмат сафарига юборилди. Текшириш натижасиде эса ариза муаллифиде имтиёзли пенсияга чиқиш учун зарур ҳужжатлар йўқлиги аниқланди ва шу асосда «Шикоят асосли бўлса...» мақоласи эълон қилинди.

Қизилчи туманида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан йўлланган аризада шу туманда фаолият кўрсатаётган (аслида кўрсатмаётган) «Уроқ Сариев» фермер ҳўжалиги раҳбари мавжуд 1,5 га майдондаги тоқзорни қуриштириб, ноқонуний тарзда уй-жой куриб олганлиги ёзилган эди. Журналист

Ҳ.Зиёқулов ушбу аризани вилоят жойига бориб мазмунан ўрганиб, кўрсатилган барча ваҳларнинг тўғрилиги аниқлангач, «Баҳилининг боғи қўқармас» сарлавҳали фельетон чоп этилди. Унда баён этилган далиллар эса вилоят ҳўжалик судиде қўрилмоқда.

Кейинги пайтда газета ҳодимлари очик хат жанри имкониятларидан фойдаланишга интилоқдалар. Жумладан, «Уят», «Сизга қойил қолмадик, раис» сарлавҳаси остида берилган очик хатлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаган деб ўйлаймиз.

Юқориде тилга олинган ҳуқуқий нашрлар фаолиятда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Маълумки, ҳар бир ўқувчи газетани кўлга олганида энг аввало, сарлавҳаларга эътибор беради. Агар сарлавҳа диққатдор, ўзига ҳос бўлса, мақолани ўқишга киришади. Шу сабабли кўплаб нашрлар теша тегмаган, жозибали сарлавҳаларни топқирлик билан қўллашади. Биз шарҳлаётган газеталарда ҳам сондан-сонга кўчиб юрувчи, сийқаси чиққан сарлавҳалар учрайди. «Режаларимиз улкан», «Ҳамиша эътиборимизда», «Доимий эътиборимизда» кабилар шулар жумласидандир. Тахририятлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий савияси ошиб бораётганини назардан қочирмасликлар зарур. Улар бу борада ҳам излансалар нашрлар мазмунан яхши томонга ўзгариши аниқ.

Акмал АСРОПОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори

Фаргона шахрининг коқ маркази, Турон кўчасидаги 28-хавлига тергов гуруҳи ходимлари, криминалист-экспертлар, ҳолислар ташриф буюришди. Хотамжон ижарада турган Ринатнинг қамалганини эшитган, бироқ уйининг бунга нима дахли борлигини билмай ҳайрон эди. Гуруҳ таркибида пайвандловчи, қурувчи мутахассислар ҳам кириб келишди. Ринат Давлатов томорканинг орқа тарафига юрди.

— Шу ерга кўнганмиз, — деб кўрсатди.

У кўрсатган жойни кетмон ва белкуракда казий бошлашди. Ярим метрча кавлашганида белкурак каттик нарсага тегди. Тупрокни суришганда катта бочканинг сирти кўринди. Унинг атрофини казий очишди. Кўпчилик бўлиб аркон-мосламалар ёрдамида зилдай оғир, икки юз

литрли бочкани чуқурдан тортиб чиқаришди. Шундан сўнг пайвандловчи ишга киришиб, бочкани узунасига, ёнбошига қиркиб берди. Темир ғилоф ичидан бочкасимон куйма бочкани ажратиб олишди. Уни асбобларда майда бўлақларга бўлиб пачоқлашди. Бочкага тикиб, бетонлаб қўйилган жасаднинг бўйнида сиртмоқ, ҳали чириб, бузилишга улгурмаган, худди хилхонада ётган, мүмбланган мурдалар каби бутун сақланган эди...



Судхўрда қўйилган музюк

Ушбу ҳовли Хотамжон Шахрофилиновга тегишли бўлиб, у ўтган йил эрта баҳорда Ринат билан танишиб қолган, ёлғиз ўзи яшаётгани учун ижарада туришига кўнганди. Ижарачисининг илгари одам ўлдиришга қасд қилиб сулдангани, жазони ўтаб қайтганидан беҳабар эди. Яққа-ёлғиз, ҳар жойда вақтинча яшаб юрган Ринат Давлатовга мурувват кўрсатиб, бошпана берганди.

...Ўтган йил ноябр ойининг бошларида хавотирга тушган кўни-кўшилар Сергей Зайцев бир ярим ойдан бери кўринмай қолгани, уйига келмаётганини маҳалла фуқаролар йиғини раисига айтишди. Раис шаҳар милициясига мувожаат қилди. Бедарак кетган фуқарони қидира бошлашди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Сўраб-суриштириш жараёнида С.Зайцевнинг судхўрлик билан шугулланиши маълум бўлди. Пулдорлигини билган босқинчилар унинг уйига яширинча бостириб кириб, ўлдиришган, мурдани бирон жойга кўмиб юборишган бўлиши мумкин эди. Ушбу версия бўйича тергов-қидирув тадбирлари ҳеч қандай натижа бермаётганди. Қирқ беш ёшга кирган С.Зайцевнинг шаҳарда биронга қариндоши, яқин кишилари йўқ, катта ҳовлида бир ўзи турарди. Шу боис йўқолиб қолганини аввалига ҳеч ким пайқамаганди. Унинг доим учрашиб турадиган уфотлари ҳам йўқ эди. Ҳар эҳтимолга қарши шаҳардаги аввал оғир жиноят содир этиб сулданган шахслар ҳам сўроқ қилинди. Чақирув қоғози билан келган худуд назорини кўриб қолган бир ярим йил аввал

жазони ўтаб қайтган Ринат Давлатовнинг юрагига ғулу тушди. Асабийлашаётгани дарвор кўзга ташланди. «Сергей билан қандай олди-бердиларинг бор эди?» деган тикка саволдан довлдираб, ич-этгани еб юрган қилмиши тилига кўчди: «Ўз оғим билан келмоқчийдим» деб айбига иқроор бўлиб, кўрсатма бера бошлади. Уша куннёқ жиний шериги Александр Пиксаевни Тошкент шаҳридан тутиб келтиришди.

У шаҳар марказидаги «Маиший-созлаш» устахонасида ишлар, бўласи Ринат қарзга пул сўраб келганида йўқ демасди. Буласининг тайинли иш жойи йўқ, топганини ичкиликка сарфларди. Александр эса уйланиш тарадудиди, шу билан биринчи машина ҳам сотиб олиш илинжида эди. Танишларидан бири судхўрлик билан шугулланадиган Сергей Зайцевдан 1000 доллар қарз бериб туришни илтимос қилди. «Майли, фойзга бераман-у, нотариусга тасдиқлашти олиамиз», — деди у. «Пул ўзимники эмас, қолаверса, бир-иккитасига қарз бериб қайтариб ололмапман. Минг долларнинг устига ойнаг ийгирма беш фойздан тўлаб турасан». Александр машина олсам, қиракашлик қилиб, қарзни узаман деган хаёлда шартга кўнди. Ўтган йили 30 июн кунни улар Фаргона шахрининг Куваёв кўчасида, ёғ-мой корхонасининг рўпарасида жойлашган нотариусхона ёнида кўришди. Нотариус А.Пиксаевнинг С.Зайцевдан бир ярим миллион сўм қарз олгани ҳақидаги ҳужжатни тасдиқлаб берди. Бироқ, Александр уйлани-ю, машина ололмади, пулни иш-

латиб қўйди. Қарзнинг 250.000 сўм фойзини топиб бериш ташвишдан ҳаловатини йўқотди. С.Зайцев уни фойзининг устига ҳам фойз қўшилиб бориши ҳақида огоҳлантирганида оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди. Июл ойида, ўз ёнига қовурилиб юрган кунларининг бирида ишхонасига Ринат йўқлаб борди. Унинг бироз кайфи бор эди.

— Ўн минг бериб тур!

У шу чоққача неча марта қарз олган бўлса, бир сўмини ҳам қайтармаганди. Тайинли бир иш, даромади йўқлиги туфайли қайтара олмасди. Хотамжон-

кўриш керак, уйда йўқ бўлса...

Сергей эшикни очди. Лекин қақирилмаган меҳмонларни ичкарига киритмади. У эҳтиёткор, ўздан бошқа ҳеч кимга ишонмасди. Александр ҳар эҳтимолга қарши аввалдан тайёрлаб қўйилган баҳонани рўкач қилди.

Қарздорлардан пулларимни ололмапман дегандингиз. Мана «разборщик»лар, томоғидан гипна бўғиб, тўлаттиришди. Бекорга эмас албатта...

— У ёғини келишиб оламиз, — деди Сергей. — Аввал яна яхшиликча гаплашиб кўрай...

— «Дога» машинасини кўрдиларингми уйдаги, — деди Александр қуруқ қайтаётганларида. — Қарздорларидан гаровга олиб қолган.

мурдани кўрсатди. У чўнтақларини кавлаб беш-олти қалитни олди.

— Оббо, буларнинг ичиди сейфнинг қалити йўқ, — деди гўё афсуслангандай.

— Майли бир гап бўлар, ҳозир ўликни бир ёқлик қилиш керак.

У машинада Ринат билан ҳўжалик моллари дўқонидан икки қоп цемент келтирди. Аҳад билан Ринат жасадни бир кун аввал Александрнинг ишхонасиндан мотороллерга юклаб келтириб қўйишган икки юз литрлик бочкага солиб, устидан бетон қоришмани қўйишди. Кечқурун маст бўлиб қайтган Хотам ҳеч нарсани сезмади. Эрталаб яна иш билан чиқиб кетди. Александр келгач, учаласи томорқада чуқур қазиб

Судхўрда қўйилган музюк

Ринат билан Аҳад катта ўлжа илинжида култ этиб ютиниб қўйишди.

— Сизларни таниб қолди, — давом этди Александр. — Энди бошқача йўлни қилиш керак. Уйдаги сейфнинг қалитини бизнинг ишхонада қилдирган. Кўрганман. Қалитни доим чўнтағида олиб юради. Уни бирон жойга алдаб қақриб, тинчтиш керак. Ахтарадиган ҳеч кими йўқ.

— Хотамнинг уйи-чи? — деди Ринат. — Кундузи ўзи бўлмайди. Йўқлигида саранжомлаб, ҳовлисига кўмиб қўйса...

— Биронга темир бочкага бетонлаб кўмсанг, иси чўқмайди, — биланлик қилди Аҳад.

6 сентябр кунни соат ўнларда Аҳад Сергейни телефонда қақриб, бозор ёнида учрашди. «Қарзини бермаётганларнинг биттасини пушкага олдик, тўлатамиз бутун» деб шаҳар истироҳат боғи ортидаги Турон кўчасига, Хотамнинг уйига бошлаб келди.

Уларни Ринат қарши олди. Бунгача иккала «разборщик» яримгани майдалаб, «шерюрак» бўлиб олишган эди. Сергей ҳам қўйиб узатишди. У ичмади. Аҳад: «Шу уйни сотиб олдим, юваямиз», — деди. Мақтаниб, кўрсатмоқчи бўлгандай, меҳмонни ичкари хонага бошлади. Ринат ортидан келиб, аввалдан қапон ипларидан тайёрлаб қўйилган сиртмоқни бўйинига солиб тортиди. Сергей йиқилиб типирчилаётганда Аҳад оёқларини босиб турди. Шериги арқоннинг икки учини бор кучи билан тортиди...

Александр келишилгандай бир қора «Волга»да этиб келди. Ринат унга хонада чўзилиб ётган

бочкани кўмишди.

— Қани сейфнинг қалити, қани сен айтган пул ва тиллалар? — кайфи тарқатган Ринат Александрнинг бўзига ёпишди.

— Ҳозирча манавини олиб туринг, кейин ҳисоб-китоб қиламан, — деб Александр унга пул берди. Ринат билан Аҳадни йўлдан уриб, қарзларидан қутулиб олгач, қорасини кўрсатмай қочиб юрди. Аҳад Ашуров ҳам Тошкентга бораман деганча гойиб бўлди...

Дастлабки терговда Ринат Давлатов содир этган жиноятга тўлиқ иқроор бўлди. Александр Пиксаев эса айбини бутунлай инкор этди. Бироқ иккаласи юзлаштириб сўроқ қилинганда Ринатнинг сўзларига қарши ишонарли бирон далил келтирилмади. Қарз тўлашдан қутулиш учун бировларнинг қўли билан С.Зайцевни ўлдиришга қасд қилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам тасдиқлади. Гувоҳ нотариус Б.Сўфиев иккаласининг қарз ҳуеусидаги тилхатларини нотариал тасдиқлаб берганини таъкидлади. Яна бир гувоҳ, судхўрга «Дога» машинасини гаров сифатида топшириб қўйган Д.Салоҳиддиновнинг шохидлик беришича, марҳум С.Зайцев А.Пиксаев қарзининг фойзларини тўлашдан бўйин товлаётгани ҳақида бир неча бор нолиган эди.

Суд Александр Пиксаев ва шерикларига қилмишига яраша жазо тайинлади.

А.ҲАФИЗОВ,
Фаргона шаҳар прокурорининг ўринбосари.
О.АХРОРОВ,
Фаргона шаҳар прокуратураси катта терговчиси



Кўниш мумкин эмас

АҚШ ҳукумати бортида Белорус бош вазири Сергей Сидорский бошчилигидаги делегация бўлган самолётга ўз худудидан ҳаво йўлини очиш ва ёқилга кўйиб олишга рухсат бермади. Америка ҳукумати Бостон осмонидagi ҳаво йўналишларининг барчаси банд эканлигини ваъж қилди. Шу сабаб расмий ташриф билан Кубага келган Белорус бош вазири Сергей Сидорский ватанга қайтиш йўналишини ўзгартириб, аввалгидек АҚШ ва Исландия орқали эмас, балки Барбадос ва Канада орқали орқали учибга қарор қилди. Таъкидлаш жоизки, Белорус делегацияси Кубага учётганда ҳам Канада ҳукумати АҚШ сингари уларнинг ҳаво кемаси кўйиб, ёқилга кўйиб олишга рад жавобини берганди. Шунингдек, исландияликлар ҳам мазкур самолётнинг кўнишига рухсат берган бўлса-да, Европа иттифоқи давлатларига кириши мана этилган, айнаи дамда самолётда бўлган Белоруснинг икки нафар мансабдор шахсига ҳаво кемасидан чиқиб туриш таъқиқланган. Излаган имкон топади деганларидек Сидорский ҳам ватанга қайтишнинг осонроқ, муҳими, беминанат йўлини топди.

Ҳалокат

Аляска осмонида рўй берган фожеа кўнлаб учувчиларни эҳтиёт бўлиш кераклигидан огоҳ этди. Ўтган ҳафта шанба кўни Анкориж шаҳридан 30 километр узоқликда бортида 4 нафар киши бўлган «Cessna 170В» маркали самолёт рўпарадан келаётган шундай самолёт билан тўқнашиб кетган. Ҳалокат оқибатида иккала самолётдаги барча кишилар ҳалок бўлган. Дастлабки маълумотларга кўра, фожеа об-вага ёмонлиги тўғрисида рўй берган. Айнаи дамда тергов олиб борилаётган.



Коалиция ғалабаси

Венгрияда мамлакат парламентида ўтказилган сайлов низоғига етди. Маълумотларга қараганда, сайловда ҳукмрон коалиция парламентдаги 386 та ўриндан 209 тасига эга бўлиб, ғалаба қозонган. 209 ўриндан 189 тасини мамлакат бош вазири Ференц Гюршан бошчилигидаги социалистлар партияси эгаллаган бўлса, уларнинг коалиция бўйича сафдоши Озод демократлар либерал партияси вакиллари парламентда 20 та жой олишга муваффақ бўлган. Муҳолифатчи «Фидеж» консерваторлар партияси 165 та ўринга эга чиққан, MDF ўнг партияси эса 11 ўрин олган, ҳолос. Консерваторлар партияси раҳбари Виктор Орбан коалициянинг ғалабасини раъман тан олиб, бош вазир Гюршанни ютуқ билан табриклади.



Айбловга асос бор

Шимолий Осетия президенти маъмуриятининг раҳбари Сергей Такоев лавозимидан озод этилиб, уй қамоғида сақланмоқда. Такоев жиноят кодексининг 10 та моддаси бўйича айбланаяпти. Россия Бош прокурорининг ўринбосари Владимир Колесниковнинг таъкидлашича, Такоев ушбу жиноятларни хизмат даврида содир этган, жиний фаолияти давомида собиқ вице-премьер республика бюджетига 200 миллион рубл миқдорда зарар етказган. Ҳозир прокуратура органлари томондан Такоевнинг аввалги фаолияти ҳам изчил ўрганилмоқда. Агар ўша вақтда ҳам қонунбузилишларга йўл қўйилган бўлса, Такоевга нисбатан қўйилаётган айбловлар сони ортши турган гап. Аввалроқ бюджетга катта зарар етказган деган айбловлар Шимолий Осетиянинг бир қатор мансабдорларига нисбатан ҳам қўйилган эди. Улар орасида республика мелия вазири Константин Уртаев, ҳукуматнинг собиқ раҳбари Михаил Шаталов ва Шимолий Осетия солиқ хизмати бошлиги Чермен Зангиевлар ҳам бўлган. Айнаи дамда тергов давом этмоқда.

Муаммога ўрин йўқ

Бирлашган назорат комиссияси Приднестровье милицияси ва Молдова полицияси ўртасида Бендерда дарё портида рўй берган тушунмовчиликка барҳам бериш масалаларини кўриб чиқди. Таъкидлаш керакки, ўтган ҳафта жума кўни Бендер дарё порти Приднестровьенинг кўриқлаш хизмати ўз назоратига олди. Бироқ бу ҳудуд расман Молдовага қарашлилиги боис, шунингдек маҳаллий ҳокимият норози бўлгани сабаб, бу ерга дарҳол Молдова полицияси етиб келди. Молдова ҳамда Приднестровье ўртасидаги муносабатлар анча таранглашган. Шу боис ушбу ҳолатга сиёсий тус бермасдан, томонлар ўртасида юзага келган тушунмовчиликни бартараф этиш мақсадида зудлик билан бетаараф бирлашган назорат комиссияси ташкил этилган. Дастлабки музокара-

ларнинг ўзида Бендер ҳудудидан Молдова ҳамда Приднестровье ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини олиб чиқиб кетишга келишиб олинган. Бирлашган назорат комиссия аъзоси, Россиянинг Молдовиядаги ҳарбий атташеи генерал-майор Леонид Азариннинг айтишича, муҳими, тушунмовчилик катта низога айланиб кетишининг олди олинди, эндиликда навбатдаги қадам томонларнинг бир тўхтамага келишига кўмаклашидир.



Қиролга қарши намойишлар

Непалдаги тартибсизликлар ҳамон давом этмоқда. Мана икки ҳафтадирки, мамлакат пойтахти Катманда ва яна бир нечта йирик шаҳарларда норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Аввалроқ хабар қилганимиздек, намойишчилар мамлакат қироли Гяендра ҳокимиятини чегаралаш мақсадида Непал конституциясига ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишяпти. Лекин бу талабларни қирол инкор қилмоқда. Мамлакат полицияси шанба ва яқинда кўни ўтказилган намойишда қатнашаётганларни тарқатиш учун резина ўқлар ва кўздан ёш оқувчи газлардан фойдаланди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, полиция ҳамда намойишчилар ўртасида рўй берган тўқнашувлар натижасида 23 киши жароҳатланган.



Янги авиабаза

Тожикистоннинг «Айний» авиабазасида Ҳиндистон ҳаво қучларига қарашли «МИГ-29» маркали ҳарбий самолётлар жойлаштирилади. Айнаи дамда ҳиндлар Душанбадан 10-15 километр ғарбда жойлашган авиабазани таъмирлаш билан машғул. Ҳиндистоннинг «Border Roads Organisation» компанияси бу ерда учта катта ангар қурмоқда. Мазкур база шу йилнинг охирида расман очилади. Таъкидлаш жоизки, бу Ҳиндистоннинг ҳорридаги биринчи ҳарбий объекти бўлиб, унда 12 та ҳарбий самолёт жойлаштирилади. Тожикистонда ҳиндларнинг ҳарбий аэродроми барпо этилиши Ҳиндистон-Тожикистон-Россия ҳукуматлари ўртасида ўтказилган уч томонлама музокара самарасидир.

Кучли зилзила

Корякияда рўй берган зилзила асоратларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда. Ҳозирги кунда сейсмологлар мазкур ҳудудда 5 балли ер қимирлашувлари бўлиб турганини қузатишмоқда. Уларнинг фикрича, бундай ҳолат яна бир неча кун давом этиб туриши мумкин. Айнаи дамда зилзилдан зарар кўрган Корякиядаги қишлоқлар аҳолиси хавфсиз жойларга кўчириляпти. 21 апрелда рўй берган, Рихтер шкаласи бўйича 9,5 баллни ташкил этган зилзилалар оқибатида 35 киши турли даражада жароҳатланган, қурбонлар йўқ. 22-23 апрел оралиғида эса мазкур ҳудудда турли даражадаги 60 та ер қимирлашуви қузатилган. Зилзила натижасида етказилган зарар миқдори ҳозирча 1,5 миллиард рублни ташкил этади.



«Ижара»даги ҳалокат

Камеруннинг Кусери шаҳри осмонида авиаҳалокат рўй берди. Яқинда кўни Чад билан чегарадош ҳудудда Ливия ҳукуматида қарашли ҳарбий-транспорт самолёти кулаб тушди. Авиаҳалокат натижасида самолёт бортида бўлган экипаж аъзоларининг ҳаммаси ҳалок бўлган. Гувоҳларнинг кўрсатма беришича, самолёт кулашдан олдин кучли порташ овози эшитилган. Айнаи дамда суриштирув ишлари олиб борилаётган. Сўнги маълумотларда айтилишича, мазкур самолёт Украина ҳарбий ҳаво қучларига тегишли бўлиб, Ливия ҳукуматида ижарага берилган экан.



Тахминлардаги асос

Ўтган ҳафта шанба кўни Харковнинг Алексеевка туманида жойлашган «Силпо» ва «ЮСИ» супермаркетларида портлаш рўй берган. Дастлабки маълумотларга кўра, портловчи молламалар деярли бир пайтда, маҳаллий вақт билан 11⁴⁰ да ишга туширилган. Портлашлар натижасида 8 киши жароҳатланган, қурбонлар йўқ. Харков ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари фикрича, бу ҳолатни террористик акт деса ҳам бўлади, лекин бу портлашлар криминал гуруҳларнинг таъсир доираси учун олиб борилаётган кураши ҳам бўлиши мумкин.

Намойишнинг мақсади

Белгияда сўнги 10 йил ичиде энг катта намойиш бўлиб ўтди. Гап шундаки, 17 ёшли ўспирин Жо ван Холсбек гажум жойда икки жиноятчи томондан ўлдирилган. Ундан жиноятчилар МРЗ плеерини беришни талаб қилишганда бола бунга рад этган, оқибатда ғазабланган жиноятчилар уни ўлдирганлар. Бундай ҳолатдан норози бўлганлар яқинда кўни Белгия пойтахти Брюссел кўчаларида намойиш ўтказдилар. Бу тадбирда 80.000 киши иштирок этди. Полиция қотилларнинг фотороботини тарқатганига қарамай жиноятчилар ҳамон қидирувда.



Барбод бўлган режа

АҚШнинг Аляска штатидаги Норс-Поул шаҳарчасида юз бериши мумкин бўлган катта фожеанинг олди олинди. Урта мактабнинг еттинчи синфида таълим олувчи олти ўқувчи ўз синфдошлари ҳамда ўқитувчиларини ўлдирини режалаштирганлар. Полиция вакиллари айтишича, ёш жиноятчилар режаларини тўсиқсиз амалга ошириш учун мактаб биносидеги электр ҳамда телефон алоқасини узиб ташламоқчи бўлганлар. Қотилликларни улар олдиндан тайёрлаб қўйилган пичоқ ва миллитлар ёрдамида амалга оширишни ният қилишган. Бироқ, улардан бири бировага ўз режалари хусусида айтиб қўйган. Бу гап тез орада уларнинг ота-оналарига етиб борган, улар эса ўз-ўзидан шаҳар полициясига мурожаат қилишган. 17 апрелда содир этилиши режалаштирилган жиноятнинг олди олинди. Бундай мудҳиш жиноятни режалаштиришга нима ундади деган саволга болакайлар оддийгина «биз синфдошларимиздан ва ўқитувчиларимиздан нафратланамиз» деб жавоб бердилар.



Чигал муаммо

Яқин шарқда муаммолар яна кўпайиб бормоқда. Ўтган ҳафта ҳукумат тепасидаги ХАМАС партияси вакиллари собиқ жангарилардан ташкил топган махсус полиция бўлинмаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Лекин Фаластин мухторияти президенти Маҳмуд Аббос ҳукуматнинг бу қарорини бекор қилган. Шундай бўлгач, ХАМАС ташкилотининг сиёсий раҳбари Халид Машғал ФАТХ ташкилоти раҳбариятини сотқинликда айблаган. Чунки Маҳмуд Аббос айнан ФАТХнинг сиёсий раҳбарларидан биридир. Ўз навбатида ФАТХчилар ХАМАС раҳбариятини фуқаролик урушини қўзғатаётганликда айблаган ва минглаб ФАТХ тарафдорлари норозилик намойиши уюштирганлар. Ҳаммаси етмаганидек, Ғазо сектори ҳудудида ХАМАС ҳамда ФАТХ жангарилари ўртасида қуроли тўқнашув ўз берган. Дастлабки маълумотларга кўра, отишмаларда уч киши ҳалок бўлган, кўплаб одамлар жароҳатланган.

Уши меҳнатчи тағини

Минайдар оғанинг ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. Кўча чангиштиб юрган ёшгина бола эди. Отаси Жумаев Ильяс оға саводи йўқ, оддий ишчи бўлиб, ҳалол меҳнат билан баҳоли қудрат кун кечирибди. Онаси ўй бекаси эди. ...1941-45 йиллар. Халқ анча қашшоқлашиб қолган. «Хамма нарса фронт учун» деган фикр кенг қўлоч ёйган дамлар.

Ильяс оға оиласи ҳам аранг кун кечирибди. Давлат оилаларинг қийналиб қолмаслиги учун томорқа ер ажратди. Бундан Ильяс оға оиласи ҳам хурсанд бўлиб томорқасига қарошқа экади. Буни қарангки, пишган пайтида иккита милиционер «биз топширди билан келдик», деб Ильяс оға томорқасида пишиб етилган картошканинг бир-неча қопини олиб кетишди.

кент юридик институтини муваффақиятли тугатиб, Ички ишлар органларида иш фаолиятини бошладим. Дастлаб Қипчоқ туман ИИБ участка нозир бўлдим. Кейин Амурдарё туман ИИБ ТХСС катта нозир, терговчи, Қорақалпоғистон ИИБ тергов бўлимида катта терговчи, Кўнғирот туман ИИБ бошлигининг ўринбосари лавозимларида ишладим. Маълумки, Кўнғирот туманининг бир томони Қозоғистон, бир томони Туркманистон Республикалари билан чегарадош. Омадми ёки ИИБ йиғиллари яхши ишладими ўша кейинги 2-3 йилда туманда бирорта ҳам очилмаган жиноят қолмади. Шунданми, раҳбарият мени 1973 йили Амурдарё туман прокурорилгига тайинлади.

М.Ильясов оғи 10 йилда ишлайди. Кейинчалик ўша туман прокуратурасида терговчи, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида тергов бўлими прокурори, ИИБ органларида тергов ва суриштирувчи нazorат қилиш бўлими прокурори, Қорақалпоғистон прокурорининг ёрдамчиси лавозимларида фаолият кўрсатди.

Минайдар оға 1992 йилдан бошлаб нафақага чиққан бўлса-да, уйда ўтириб қолмади. Ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси адвокатлар Коллегиyasида адвокат бўлиб ишлаб келмоқда. Коллегиya аъзоси.

— Умр оқар дарё экан, — дейди Минайдар оға. — Кечагина ёш бола эдик...

Ха, Минайдар оға 1 май куни 75 ёшга тўлади. Утган умридан мамнун.

— Озми-кўпми халқимга фойда текканидан хурсандман, — дейди у биз билан суҳбатда. — Мухими ҳаётда ҳалол яшаш. Эл-юрт олдида кўкрагингни фоз қилиб кериб юриш.

1 та ўғлим, 5 нафар қизларим

To'yxat o'rnida



бор. 28 нафар неvara, 3 нафар эvarаларим бор. Уғил-қизларимнинг ҳаммаси олий маълумотли. Уйли-жойли. Уғлим Ильясов Аскар — менинг йўлимни танлади — ҳуқуқшунос. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгашида ишляпти. Менинг бахтим бундан ортiк бўлиши мумкинми.

Биз ҳам ўз навбатида Минайдар оғани 75 ёши билан қўлаб, узоқ-умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Тилагимиз кўза кириб, Фаузия ая билан юзга қаринг.

Ж.ҚУРБОНБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёрдамчиси,
Н.ОҚНАЗАРОВ,
«Huquq» мухбири



«Кишиларни бедодликка муте яшайдан «адолат ўлмасдир» деган гоё кутқариб келади.

«Кишилар қалбида адолат тантанасига умид бўлмаганида улар бахтли ҳаёт куриш орузидан ҳам аллақачон воз кечарди.

«Қандай жамиятда яшмоқчи эканини аниқ тасаввур қилмайдиган халқ адолатни қарор топтириш ҳақида ўйламайди.

«Ха, адолат қонулардадир, аммо қонулар орқасида инсон турши унутылган заҳотв адолатсизлик ва қонубузарлик бошлянади.

«Адолат асоси инсонпарварликдир, лекин барча инсонпарварлик адолат бўлавермайди. Мана ҳуқуқ фалсафаси олдидаги бош муаммо.

«Инсонни севолмаганининг адолат ҳақида гапирмагани маъқул.

«Адолат инсонпарварликдан бошляна-да, унинг охири сўзи қонулардир.

«Қонулар кўз ёшларини эмас, очик икrorни ҳисобга олади.

«Давлат қонуларини билан эмас, инсон шаънини ҳимоя қилиши билан қучлидир.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Афоризм

Бирор-бир нарсани бажаролмайман деб кўнгилга келтирдимми, шу пайтдан бошлаб уни амалга ошириш гоят мушкул бўлиб қолади.

Бenedикт СПИНОЗА

Табассум


Футбол ўйини роса қизиган вақт. Шарҳловчи ҳам жуда ҳаяжонда:

«Мана ҳозир тўп чап қанот томон узатилди. Йўқ у унг томонда. Мана ҳозир тўп ҳимоя чизигини ёриб ўтди. Э-э-э, ҳимоячилардан Абдураулов уни майдон марказига қараб йўналтирди. Лекин рақиб ўйинчиларидан Машарипов ажбирлик қилиб уни майдон марказидан туриб тўғри дарвоза томон йўллади. Голл!!! Йўқ, бундай ҳодиса майдонда содир бўлмади.»

Шу вақт шарҳловчи хонасига терга ботган мураббий кириб келди: «Ҳой, сал секинроқ ўқи, болалар улгуришмаяпти-ку, ахир...»

Телефонни ўйлаб чикарган кишининг отасига раҳмат. Унга бу иши учун бир эмас, бир неча марта Нобел мукофоти берса арзийди. Тўғри-да, уйингизда ўтириб, олис вилоятдаги қариндошингиздан хол-ахвол сўраб кўясиз, ишқонда озгина ушланиб қолдиган бўлсангиз, сиз кочиб секин айтиб кўясиз, бола-чақалар хавотир олишмайди. Телефоннинг хосиятларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Умуман телефоннинг баҳоси йўқ, агар у ишлаб турган бўлса... Ишламай қолса, унда телефон юрак сангичи дейсизми, қон босими дейсизми, кўйинги, минг хил касаллик сабабчиси бўларкан. Буни мен кўпгина кўйшиларимиз сингари бошимдан ўтказдим. Яхшироқ тасаввур қилишнинг учун, келинг, ҳаммасини бошидан сўзлаб берай.

Ҳар йили декабр ойида квартиранинг ҳам, телефоннинг ҳам, иссиқ-совуқ сувининг ҳам, оқава сувининг ҳам ва ҳатто олиб кетилдиган чирқинларнинг ҳам бир йиллик ҳақини олдиндан тўлаб қўяман. Бу йил учун ҳам ўтган йилнинг 27 декабрда телефоннинг бир йиллик ҳақини тўлаб қўйганман. Аммо янги йилдан ҳозирги кунгача телефоним оз эмас, кўп эмас, тўрт марта ўчиб қолди. Бир марта саккиз кун ишламади. Ким-



Телефонга кўз теккан...ми?

дир подвалга кириб, телефон қабелини кесиб кетибди дейишди. Қолган уч мартасида эса уч кун-уч кун ишламай турди, анча югур-югурлардан кейин яна ишлатиб беришди. Нега тўрт ёки икки кун эмас, балки айнан уч кун ишламай туриши мени қизиқтириб қолди. Кўйшилардан сўрасам, улар ҳам шунини тақрорлашди. Бир ўчса уч кун ишламай туради, кейин ўз-ўзиндан ишлаб кетади дейишди. Бунда қандай қонунят бор, ўйлаб ўйингизга етолмаймиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Телефоним 22 апрел куни соат 13:36 да уч марта жиринг-жиринг қилди-ю, овози ўчди.

Болалар сизмига тегинаятган бўлмасин деб югуриб подьездга чикдим, ҳеч ким йўқ. Эҳтимол шаҳарлараро сўзлашув учун ҳақ тўланмагандир деган уйда хотинга қичқирдим:

— Ҳой, онаси, телефонинг қозғоларини келтир-чи.

— Нега ўчиришадир, аяқинда беш минг сўмга яқин пул тўлаб келдим-ку, — хотиним шундай деганча ол-

димга бир даста қозғоларини кўйди. Дарҳақиқат, 11 апрел куни март ойидаги шаҳарлараро сўзлашувлар ҳақини 2 ва 7 апрел кунларидоғига қўшиб 4050 сўм тўлаган экан.

— Нима бало, телефонимизга қўз тегдимикан-а, — шангиллашда давом этди у.

— Эсинг жойидами ўзи, телефонга ҳам кўз тегадими? Биронтаси «песлик» қилиб ўчиргандир, йўлдош аканинг асабига тегай деб...

Таскига ўтириб Учтепа туман АТСи томон учдим. Чунки шанба ва яқшанба кунлари телефон менга сув ва ҳаводек зарур-да. Бориб АТС бошлиғи

Луқма

Алижон Ғофуров билан ички телефонда гаплашиб, масалани тушунтирдим. Бунга ҳам кўнгилим тўймай, ички телефон орқали «завья» ҳам бериб қўйдим. Ивбатчи қизинг айтишича, ҳеч ким бизнинг телефонни ўчиргани йўқ, қабелда «повреждение» бор экан. Кечкурунча телефонингизни ишлатиб берамиз деб ваъда қилишди.

Уйга қайтиб кўн-кўйшилардан суриштирдим. Аниқлашмича, бизнинг 48 хонадонли уйнинг 30 та хонадонда телефон бор экан. Шулардан яқми 75 рақами билан, нооптаси 117 билан, қолганлари 74 билан бошлянади. Телефончилар айтганидек, қабелда «повреждение» бўлганда эди, битта менинг телефоним эмас, 74 билан бошлянадиган яна тўрт-беш телефон ҳам ишламаган бўларди. Ҳар хил таҳминлар қилишимиз мумкин-у, аммо улардан қатъи назар, мен истеймоқчиман. Телефон ҳақини йилнинг бошида тўлаб қўйганимдан кейин, унинг доимий ишлаб туришини истаيمان. У эса бир ишлат, бир ишламайди. Ёки хотиним айтганидек, телефонимга кўз текканимикан-а?

Йўлдош ПАРДА,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қизиқарли факт
Қирол кобранинг захри шунчалик кучлики, унинг бир грами 150 кишини ўлдириши мумкин.



Сўзларнинг фўқрингиз қандай?

Хурматли газетхон! Газетамизнинг янада мазмунли ва қизиқарли чиқishi Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга боғлиқ. Газетамиз саҳифаларида қандай материаллар ўқини хоҳлайсиз? Сизнингча, биз ҳаётимизнинг қайси жабҳаларини етарлича ёритолмаяпмиз? Балки сизнинг ҳам ўз айтар сўзларингиз бордир. Таклифларингиз бўлса, бизга қўнйроқ қилинг! Агар бунинг иложини тополмасангиз ёзма шаклда электрон почтамызга ёки Тошкентдаги почта маъзилмизга юборинг. Сизлардан келган таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмайди. Марҳамат, фикр билдиринг.

Телефон: (371) 133-10-53, 133-98-40
E-mail: huquq@list.ru

Харфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг.

ЦИ	КРОТ	ЯИ	ИЯК	ТБ	СА
ИКЯ	АТЕ	ИФЦ	ЦДЭС	ЯУЖ	АТД
ДР	АК	ТАИА	ИЕП	ИРАМ	УД
СЮ		Р			МИ

Ўтган сондаги ребус жавоблари: мониторинг, санкция, манфаатдорлик, контрагент, дактилограмма, маслахатчи

HUQUQ
yuridik gazeta

To'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib), Pirmul QODIROV, Abdulloliq ABDURAZZOQOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Газета O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 856.
Газета tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navyatchi muharrir: A.MUSTAFOQULOV
Musahihchi: A.MUSTAFOYEVA

Газета «Sharq» NMK bosmaxonasida o'set usulida chop etildi. Korxonaniz: Toshkent shahar, Buyuk Tiron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 5 6 7 8